

## **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

### **Нега шиалар охиратда Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриб бўлмайди дейишади?**

Аллоҳ таолонинг жамолини бу дунёда ёки охиратда кўриш масаласи Ислом оламида катта шов-шувга сабаб бўлган масалалардандир. Огоҳ мутафаккирлар Аллоҳ таолонинг жисм ва жисмоний эканликдан ва инсонга ўхшашдан ҳамда томон-йўналишларга эга бўлишдан ва кўзга кўринишдан муназзаҳ ва йироқ эканлигини қабул қилганлар. Бироқ воҳид хабарларга, яъни оз сонли кишилар ривоят қилган ҳадисларга эргашувчилар ва исроилиёт бўлган ҳадисларга алданганлар эса Аллоҳнинг жамолини охиратда кўриш мумкинлигига ишонадилар.

Ушбу масалани ўрганишга киришишдан олдин шуни таъкидлашимиз керакки, Аллоҳ таолонинг жамолини кўриш масаласи Унинг жисмга эга эканлиги ва танаси борлиги билан чамбарчас боғлиқ ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун биз бу ерда ҳар иккала масалани биргаликда кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Зероки, бу икки масала ўртасидаги уйғунлик ва боғлиқлик уларнинг ҳар бирини ўрганганда, иккинчисини ҳам ўрганишни талаб этади. Шу боис, дастлаб ҳар иккала масалага оид бўлган ақида ва назарларни ўрганиб чиқамиз ва кейин эса далил-исботлар ёрдамида уларнинг қайси бири тўғри эканлигини маълум қиламиз.

#### **Аллоҳнинг жамолини кўриш масаласига оид ақида ва назарлар**

Бу масалада турли ва хилма-хил ақида ва назарлар билдирилган бўлиб, фикр-мулоҳазаларнинг хилма-хиллиги ва сони ҳаддан ошиб кетган. Абул Ҳасан Ашъарий «*Мақолотул исломиййин*» номли китобида ушбу масалага оид ўн тўққизта ақида ва назарларни келтирган. Унинг айтишича: Мусулмонлар томонидан Аллоҳни кўз билан кўриш ҳақида ўн тўққиз хил назар ва ақида билдирилган. Баъзилар шу дунёда Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриш мумкин ва биз йўлда учратган одамлардан бири Худо бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас, деб айтганлар.

Дунёда Аллоҳнинг жамолини кўриш мумкинлигини қабул қилинганларнинг кўплари Худо одамлар билан қўл бериб саломлашиши, уларга тегиши ва уларни кўришга келиши мумкинлигини айтишган ва шунингдек, ушбу ақида эгалари агар холис одамлар хоҳласалар, Аллоҳни шу дунёда ва охиратда кучоқлашлари мумкин деб ҳам айтганлар. Ушбу ақида ва қараш Музир ва

Каҳмис исмли шахсларнинг издошларидан нақл қилиб айтилган. Шунингдек, Абдул Воҳид ибн Зайднинг издошларидан Аллоҳ таоло одамларнинг амалларига яраша кўзга кўринади деган эътиқод ҳам ривоят қилинган. Демак, ушбу ақидага кўра, кимнинг амали яхшироқ бўлса, Аллоҳнинг жамолини яхшироқ кўради. Баъзилар ҳам: Биз Аллоҳнинг жамолини шу дунёнинг ўзида уйғоқликда эмас, тушимизда кўрамыз, деганлар. Ривоят қилинишича, Рақоба ибн Муқсала шундай деган: *«Раббимни тушимда кўрдим. У зот: Сулаймон ат-Таймий мартабасини эъзозлайман», деди. Зероки, у қирқ йил давомида бомдод намозини хуфтон намозининг таҳорати билан ўқиганди».*

Кўпчилик мусулмонлар бу дунёда Аллоҳнинг жамолини кўриш мумкин деган ақидани ва шунга ўхшаш бошқа ақидаларни қабул қилмай, улардан узоқлашганлар ва Аллоҳнинг жамоли фақат охиратда кўринади, деган ақидани қабул қилганлар.

Аллоҳнинг жамолини кўриш борасида мусулмонлар ўртасида мавжуд бўлган яна бир ихтилофли масала шуки, баъзилар Аллоҳнинг жамолини кўрганда бир маконда бор бўлиб, бошқа маконда бўлмаган бир маҳдуд [чекланган] жисмни рўпарамизда кўрамыз, деб айтишган. Зухайр ал-Асарий бу ҳақда шундай деган: Аллоҳ таолонинг зоти ҳамма жойда бор, ҳолбуки, У Ўз Аршини эгаллаб олган ва биз охиратда Аллоҳнинг жамолини ҳеч қандай кайфиятсиз, яъни ҳолатсиз Унинг Арши устида кўрамыз. У яна айтган: Аллоҳ таоло қиёмат куни Ўзидан бўш бўлмаган жойга келади. У дунё осмонига тушади, ҳолбуки, у ер Ундан холи бўлмаган.

Шунингдек, Аллоҳ таолони кўз билан кўриш деганда Уни кўз билан идрок этиш тушуниладими ёки бошқа нарсами? Мусулмонлар бу ҳақда ҳам ихтилофга борганлар. Баъзилар: *«Аллоҳнинг жамолини кўриш деганда, Уни кўз билан идрок этиш назарда тутилади»*, дейишган ва айримлар эса: *«Аллоҳ таоло кўз билан кўрилади, лекин кўз билан идрок этилмайди, яъни сезилмайди»*, дейишган.

Ушбу масаладаги ихтилофлардан яна бири шуки, мусулмонларнинг бир тоифаси биз Аллоҳнинг жамолини аниқ ва равшан ҳолда кўрамыз деса, бошқа бир тоифа эса биз Аллоҳнинг жамолини аниқ ва равшан ҳолда кўрмаймиз, дейишган. унга қараш мумкин эмас. Баъзилар биз Аллоҳнинг жамолини кўрганимизда Унга тикилиб қарай оламиз, дейишса, бошқа бир тоифалар эса Аллоҳга тикилиб қарамоқлик мумкин эмасдир, деб айтишган.

Баъзи мусулмонлар, жумладан Зарор ва Ҳафс ал-Фард: «Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриб бўлмайди, лекин Аллоҳ қиёмат кунда бизга ҳозирги сезгиларимиздан ташқари олтинчи сезги аъзосини яратади ва биз у билан Аллоҳни идрок этамиз ва У нима эканлигини англаймиз», дейишган. Бакрийя фирқасининг эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло қиёмат кунда бир шакл-қиёфа яратиб, ўша қиёфада кўзларга кўринади ва унинг орқали Ўзининг яратган бандалари билан гаплашади. Ҳусайн ан-Нажжор бу борада шундай деган: Аллоҳ таоло кўзни қалбга айлантириб, унга билмоқлик қобилиятини ато этиши мумкин, токи ўша қобилият билан билиб олиб, илмга эга бўлади ва бу илм ўша Аллоҳнинг жамолини кўришидир.

Аҳли суннатга мансуб мўътазила тоифаси Аллоҳни кўз билан кўриб бўлмайди, деган ақидани иттифоқи назар билан қабул қилганлар, лекин улар Аллоҳни қалб билан кўриш мумкинлиги хусусида ихтилофга боришган.

Абу Ҳузайл ва мўътазила тоифасининг аксарияти Аллоҳ бизнинг қалбимиз орқали кўринади ва бунинг маъноси қалбларимиз билан У зотга нисбатан билимга эга бўламиз, дейишган. Бироқ Фувтий ва Ибод эса бу ақидани инкор қилганлар ва шунингдек, мўътазила ва хаворижларнинг ҳамда муржиъа ва зайдияга мансуб бир тоифанинг айтишича, Аллоҳ таоло бу дунёда ҳам, охират ҳам кўз билан кўрилмайди ва Аллоҳни кўз билан кўриш мутлақо мумкин эмас.

Аллоҳни кўз билан кўриш мумкинлиги ҳақида икки ақида мавжуд: Баъзиларнинг эътиқодига кўра, охиратда Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриш мумкин. Уларнинг айтишича, Аллоҳ таоло кўз билан кўринур ва бу нарса аниқ ва қатъийдир. Айримларнинг айтишича, Қуръони Карим оятлари ва ҳадисларда айтилганларга кўра, Аллоҳ охиратда кўз билан кўрилади ва мўминлар Аллоҳнинг жамолини албатта, кўрадилар. Мужассима тоифаси [яъни Аллоҳ таолонинг жисми ва танаси борлигига ишонадиганлар]нинг оз қисмидан ташқари ҳаммаси Аллоҳ таолони кўз билан кўришга ишонадилар ва мужассима тоифасидан бошқа баъзилар ҳам Аллоҳни кўз билан кўришни қабул қиладилар.<sup>1</sup>

Юқоридаги маълумотлар Абул Ҳасан Ашъарийнинг «Мақолотул исломийин» номли китобида келтирган сўзлари эди. Аммо биз мазкур ақида ва назарларнинг баъзиларини бошқа баъзисига қайтариб, уларни учта асосий қарашда жамлаб қуйидагича келтира оламиз:

---

1. Абул Ҳасан Ашъарий, «Мақолотул исломийин», 213-бетдан 217-бетгача, Германия чопи.

**Биринчи ақида ва қарашга кўра**, Аллоҳ таолонинг жамолини бу дунё ҳам, охиратда ҳам кўз билан кўриш мумкин. Ушбу ақида ва назар мужассима тоифасига тааллуқли бўлиб, улар Аллоҳни махлуқотларнинг жисмоний сифатлари ва хусусиятларига эга деб билишади. Кўриниб турибдики, улар Худони бошқа жисмлар каби бир жисм деб билганлари боис, бошқа жисмлар дунёда ҳам, охиратда ҳам кўзга кўринганидек Аллоҳни ҳам кўз билан кўриш мумкин деб эътиқод қилганлар.

**Иккинчи ақида ва қарашда** ўрта-миёна йўл танланиб, унда Аллоҳнинг жамолини дунёда кўриш номумкин, лекин Уни охиратда ҳеч бир кайфиятсиз, яъни ҳолатсиз кўриш эса мумкин деб қабул қилинган. Аҳли суннатнинг тўрт мазҳаби издошлари ушбу ақидани қабул қилиб, бир томондан Аллоҳ таолони жисм ва жисмоний деб билишдан узоқлашишга ҳаракат қилганлар, лекин айни пайтда улар охиратда Аллоҳнинг жамолини ҳеч бир кайфиятсиз ва ҳолатсиз кўриш мумкинлигига содиқ қолишган.

Бунга мисол тариқасида Қуръони Каримни ўзбек тилига таржима қилган олим Алоуддин Мансурнинг Қиёмат сураси, 22 ва 23-оятлар таржимасидан сўнг баён қилган изоҳини келтирамиз:

﴿۲۲﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿۲۳﴾  
وَجُوهٌ يُّؤْمِنُونَ نَاصِرَةٌ

*«У Кунда [мўминларнинг] юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир».*

*«Дарҳақиқат, аҳли жаннат учун Парвардигорнинг дийдорига етишдан суюклироқ бирон нарса йўқдир. Шунинг учун ҳам Яратганга боқар эканлар, уларнинг юзлари янада яшнаб, мунаввар бўлиши табиий ҳолдир. Саҳиҳул-Бухорийда ворид бўлган мана бу ҳадиси шариф ҳам мазкур ояти карима мазмунини таъкидлайди: «Албатта, сизлар яқинда Парвардигорингизни худди мана шу тўлин ойни кўриб турганингиздек очиқ-аён кўрурсизлар».<sup>2</sup>*

Аллоҳ таолони дунё ва охиратда кўз билан кўриш мутлақо маҳол ва номумкин йўқ деб билган **учинчи қараш** эса мўътазила ва имомияларнинг ақидасидир.

Юртимиз уламоларидан бўлган Марҳум Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳам шиалар ҳақида ёзган мақоласида ушбу масала борасида шундай деган:

---

2. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Шайх Алоуддин Мансур, 697-бет, Қуръони Каримни ўрганиш илмий маркази нашриёти, 2004-йил.

«Имомия шийъаларининг аҳли сунна вал жамоа мазҳабига нисбатан энг катта ақидавий хилофларидан бири, у дунёда мўминлар Аллоҳнинг жамолини кўрмайдилар, деб эътиқод қилишларидир».

Бинобарин, биринчи ақида ошкора Аллоҳ таолони махлуқотлар сингари жисм ва жисмоний хусусиятларга эга деб билишга асосланган ва бу ақида соф мужассималиқдир. Учинчи ақида Аллоҳ таолони ҳар қандай жисм ва жисмоний хусусиятларга эга бўлишдан буткул муназзаҳ ва йироқ деб билади, аммо иккинчи ақида эса биринчи ва учинчи ақиданинг ўртасида бўлиб, ҳар қайсисининг қарашларидан бир қисмини олган.

Бу ерда шуни ҳам айтиш жоизки, бизнинг ушбу баҳсимиз фақатгина Аллоҳ таолони кўз билан кўриш ҳақида бўлиб, Аллоҳ таолони қалб ва виждон кўзи билан кўриш эса бизнинг баҳсимиздан ташқаридадир. Зероки, Аллоҳ таолони қалб ва иймон кўзи билан кўриш мумкин бўлиб, Унинг севгисига ғарқ бўлганлар Аллоҳ таолони қалб ва иймон кўзи билан кўрганликлари ҳақида хабар берганлар. Мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)* бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар:

«ما رأيت شيئاً إلا ورأيت الله قبله، وبعده ومعه»

«Мен ҳеч бир нарсани кўрганим йўқ, магар Аллоҳни ундан олдин, ундан кейин ва у билан бирга кўрганман».<sup>3</sup>

Бошқа бир ҳадисда Шайх Садук Абул Ҳасан ал-Мусилий орқали олтинчи пешвоимиз Имом Жаъфар Содик *(алайҳис салом)* дан шундай ривоят қилади:

رَوَى الصَّدُوقُ عَنْ أَبِي الْحَسَنِ الْمَوْصِلِيِّ عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ: «جَاءَ حَبْرٌ إِلَى أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهِ فَقَالَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ هَلْ رَأَيْتَ رَبَّكَ حِينَ عَبْدَتَهُ؟ فَقَالَ وَيَلَلُكَ مَا كُنْتُ أَعْبُدُ رَبًّا لَمْ أَرَهُ قَالَ وَكَيْفَ رَأَيْتَهُ؟ قَالَ وَيَلَلُكَ لَا تُدْرِكُهُ الْعُيُونُ بِمُشَاهَدَةِ الْأَبْصَارِ وَلَكِنْ رَأَيْتَهُ الْقُلُوبُ بِحَقَائِقِ الْإِيمَانِ».

«Бир яҳудий олим киши мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ҳузурларига келиб: «Эй мўминларнинг амири, сиз Парвардигорингизни Унга ибодат қилаётганингизда кўрганмисиз?», деб сўради. Ул ҳазрат: «Вой ҳолингга! Мен кўрмаган Раббимга ибодат қилмасман», дедилар. У олим: «Уни қандай кўргансиз?»

3. Аллома Мажлисӣ, «Биҳорул Анвор», 70-жилд, 22-бет.

деди. Ул ҳазрат: «Вой ҳолингга! Кўзлар Уни [Аллоҳни] кўришдан ожиздирлар, лекин қалблар Уни иймон ҳақиқатлари билан кўради», дедилар.»<sup>4</sup>

Учинчи пешвоимиз Имом Хусайн *(алайҳис салом)* дан содир бўлган Арафа кунининг дуосида у ҳазрат шундай марҳамат қилганлар:

عَمِيَّتْ عَيْنٌ لَا تَرَاكَ عَلَيْهَا رَقِيْبًا

«[Эй Раббим,] Сени ўз устидан кузатувчи ҳолда кўрмаган кўз кўр бўлсин!».<sup>5</sup>

Ушбу баҳсимизда бизга асос бўлган манбалар – бу Аллоҳнинг сўнги китоби Қуръони Карим, саҳиҳ бўлган ҳадислар ва холис ақл бўлиб, биз ушбу ақл орқали Аллоҳ таолони, Унинг сифатларини ва пайғамбарларини таниганмиз. Бошқа таъбир билан айтганда, Аллоҳнинг жамолини кўриш масаласи ақидавий муҳим масалаларидан бири бўлиб, Ислом динининг илк давридан бошлаб то ҳозиргача мусулмонлар томондан кенг муҳокама қилиб келинган ва ушбу масалани ўрганиб чиқиш натижасида айримлар уни рад этиб ва баъзилар эса уни қабул қилганлар. Негаки, ушбу масала бир томондан, тавҳид ва яккахудолик эътиқодига сезиларли таъсир кўрсатса, иккинчи томондан эса ақл ушбу масаланинг ойдинлашишини талаб қилади. Балки масаланинг ушбу икки йўналишдаги аҳамияти туфайли яхудий ва фалсафий фикр-ғоялар ҳам ўз таъсирини бу масалага кўрсатиб намоён бўла бошлаган ва мусулмонлар ҳам етарлича далил-исботлар келтириш усуллари билан ушбу масалани ўрганишга киришганлар.

Биз ушбу масалани чуқур ўрганиш ва баён этишга киришар эканмиз, бизнинг кўзлаган мақсадимиз ҳақиқатни англаб етиш бўлиб, ақл уни бизга исботлайди ва Қуръони Карим оятлари ҳамда ҳадиси шарифлар эса унинг томон бизни етаклайди.

Энди юқорида келтирилган уч ақида ва қарашларнинг далил-исботларини ўрганиб чиқамиз:

### **Биринчи ва иккинчи ақиданинг далил-исботлари**

---

4. Ушбу ҳадиснинг манбаи:

- Сиқатул Ислом Қудайний, «Усулул Кофий», 1-жилд, 97-бет.
- Шайх Садуқ, «Ат-Тавҳид», Бобу: Маа жааъа фирруъйах [кўз билан кўриш ҳақида келган ҳадислар боби], 6-ҳадис, 109-бет. Савол берувчи яхудийларнинг донишмандларидан бири эди.

5. Ибн Тавус, Али Ибн Мусо, «Иқболул аъмол», 1-жилд, 339-бет, Техрон - Эрон: Дорул Кутубил Исломия нашриёти.

Биринчи ақида ва қарашнинг тарафдорлари Аллоҳ таолони бошқа жисмлар каби жисм ва танага эга деб билиб, ҳам дунёда ва ҳам охиратда кўз билан кўриш мумкин деб билган мужассима тоифасидир. Шунингдек, улар Аллоҳ ҳақида ташбеҳ [инсонларга ўхшатиш]<sup>6</sup> ва кайфият-ҳолатга эга эканлик ақидасига ҳам эгалар. Ҳозир кунда бизда бу ақида ва унинг тарафдорларининг ғоявий қарашлари меросини холис келтирган манбалар йўқ. Абул Ҳасан Ашъарийнинг «*Мақолотул исломийин*» китобида келтиришича, ушбу ақиданинг эгалари бўлмиш Музир ва Каҳмис каби шахслардан бошқа ақида тарафдорларининг манбаларида улар ҳақида уйдирма гаплар ва айбловлар айтилган бўлиб, улардан баъзилари тилга олинган.

Ошкора тажсим<sup>7</sup> ақидасига ёндашувчи биринчи ақида ва қарашнинг далилларини келтирган ва бир неча жиҳатларини тақдим этган ягона манба Боқилонийнинг (ҳижрий 403 йилда вафот этган) «*Тамҳид ал-авоил ва Талхис ад-далоил*» номли китобидир. Боқилоний ушбу биринчи йўналишнинг фикр ва қарашларини манбасини кўрсатмай туриб: «*агар шундай деб айтишса... биз бундай деймиз...*» ёки «*агар шундай дейишса... уларга жавобан бундай деб айтамыз...*» шаклида айтиб ўтган. Биринчи ақиданинг бундай қарашлари Мужассима фирқасининг асарларида мавжуд бўлиб, Боқилоний уларни қўлга киритганми ёки Боқилоний тажсим ақидасини исботлаш учун мумкин бўлган барча эҳтимолларни ва фаразий жиҳатларни рад этиш учун ушбу қарашларни келтирилганми, бу бизга маълум эмас.

Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, ушбу ақида ва қарашнинг яроқсизлиги ҳамда ақлга, Қуръон оятларига ва ҳадиси шарифларга очик-ойдин зид ва қарама-қарши эканлиги аён бўлгач, тезда мусулмонлар ўртасидан кўтарилиб, йўқ бўлиб кетди.

Агар Мужассима гуруҳи айтганидек, ҳар бир мавжудда бор бўлмоқлик унинг жисм ва танага эга бўлишига ва кўзга кўринишига сабаб бўладиган бўлса, унда руҳнинг жисм бўлиши ва кўзга кўриниши зарур бўлади. Ушбу ҳолда улар икки қарашдан бирини қабул қилишлари керак бўлади: Биринчиси, улар руҳнинг борлигини инкор қилишлари керак ва бу эса Қуръоннинг инкор қилинишига олиб келади. Иккинчиси, руҳнинг жисм ва тана эканлигини даъво қилишлари керак, унда улар нотўғри сўзна айтган бўладилар. Чунки, руҳнинг жисм ва тана эмаслиги исботланган. Демак, бу келтириган мисол нафақат Аллоҳ таолонинг жисм ва танага эга эканлиги ҳақидаги ақида ва қарашнинг асоссизлигини

---

6. Ташбеҳнинг маъноси, Аллоҳни бошқа махлуқотларга ўхшаш деб билмоқ ёки бошқа таъбир билан айтганда, инсоний сифат ва хислатларни Аллоҳга нисбат бериш демақдир.

7. Аллоҳ таолони бошқа махлуқотлар сингари жисм ва танага эга деб билувчи ақидага тажсим дейилади.

ошкор этади, балки бу ақида билан материядан устун бўлган бошқа бир оламнинг мавжудлигига асосланган диний тафаккурнинг асоси ўртасидаги зиддиятни кўрсатади. Зероки, диний тафаккурга кўра, ўша оламнинг моддий ва жисмоний бўлмаганлиги бу моддий дунёдан устун эканлигининг сабабларидан биридир.

Агарчи Мужассима фирқаси йўқ бўлиб кетган бир ақида ва қараш ҳисоблансада, лекин бу фирқанинг ақида ва қарашларини муҳокама қилиб, бу борада баҳс юритиш иккинчи ақида ва қараш билан баҳслашиш учун муносиб замин ва шароит яратади. Иккинчи ақида ва қараш эса кўзга кўринмоқ билан жисм ва танага эга бўлмоқлик ўртасида фарқ қўйиб, бу иккисини бир-биридан ажратади, яъни бир томондан Аллоҳ таолонинг жисм ва танага эга эканлигини инкор ва рад этса, иккинчи томондан эса охиратда Аллоҳнинг жамолини кайфиятсиз ва ҳолатсиз кўриш мумкинлигига ишонади. Шунинг учун биз иккинчи ақида ва қараш билан қиладиган баҳс-мунозарамизни Аллоҳнинг жисм ва танага эга эканлигини инкор қилишдан бошлаймиз. Чунки, бу танзех<sup>8</sup> эътиқодига ёндашувчи иккинчи ақида ва учинчи ақида ўртасидаги умумий хусусиятдир.

### **Аллоҳнинг жамолини кайфиятсиз кўришга ишонадиган иккинчи ақиданинг далил-исботлари**

Энди Ашъария назариясининг асоси бўлган Аллоҳнинг жамолини кўз ила кўриш билан У зотнинг жисм ва танага эга эканлиги ўртасида фарқ қўйиш ва уларни бир-биридан ажратиш мумкинлигини ўрганиб чиқамиз. Агар бу икки нарсанинг ўртасида фарқ қўйиб, уларни бир-биридан ажратиш ақл нуқтаи назаридан мумкин бўлса, у ҳолда Ашъария тоифаси ўз муддао ва ақидасини исботлаш учун нақлий далил-исботлар келтириши, яъни Қуръон оятлари ва ҳадислар келтириши керак бўлади. Токи, Ашъария тоифаси Қуръони Карим ақл нуқтаи назаридан мумкин бўлган нарсанинг охиратда амалга ошиши ҳақида хабар берганини исботлай олсин. Бироқ агар бу икки нарсанинг ўртасини ақл нуқтаи назаридан ажратиш мумкин бўлмаса ва Аллоҳнинг жамолини кўриш Унинг жисм ва танага эга бўлганлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлса – айнан Мужассима фирқаси эътиқод қилганидек, у ҳолда Аҳли суннатдан бўлган Ашъария тоифасига тааллуқли иккинчи ақида ва қараш ҳам биринчи ақидага, яъни ташбеҳ ва тажсим ақидасига қайтади ва бу икки ақиданинг ўртасидаги фарқ юзаки ва бемаъни бўлиб қолади. Бу билан, Ашъария тоифасига тааллуқли

---

8. Танзех эътиқоди Аллоҳ таолони инсоний сифатларга эга эканликдан пок ва йироқ деб билган тушунчадир.

бўлган иккинчи ақида тўғри асосга эга бўлмай, Аллоҳнинг жамолини кўриш масаласида фақат иккита ақида ва қараш муҳокама қилинади:

1. Соф тажсим эътиқодига ёндашувчи биринчи ақида ва қараш
2. Соф танзех эътиқодига ёндашувчи учинчи ақида ва қараш.

Демак, танзех эътиқодига ёндашмаганларнинг ҳаммаси, гарчи ўзлари қабул қилмасалар-да ва Аллоҳнинг жамолини кайфиятсиз-ҳолатсиз кўришни рўкач қилиб олсалар ҳам, «*Мужассима*» гуруҳидан ҳисобланадилар. Агар баҳсимиз шу нуқтага етиб борса, унда Ашъария тоифасининг Мужассима гуруҳига қарши келтирган далилларини ўрганиб чиқишга сира ҳожат қолмайди. Чунки, Мужассима гуруҳини қойиш ва қоралаш Ашъария тоифасининг ўзини ҳам ўз ичига олади – Мужассима фирқасининг эътиқодига эга бўлганлик маъноси назарга олинган.

Энди биз қуйидаги саволни илгари суриш билан юқорида айтилган масалани чуқур ўрганишга киришамиз:

### **Аллоҳнинг жамолини кўриш У буюк Зотнинг жисм ва танага эга бўлиши билан боғлиқми ёки йўқми?**

Ҳар икки томон (биринчи ва учинчи ақидалар) ушбу саволга ижобий жавоб беришади ва аслида бу боғлиқликни ҳеч ким инкор эта олмайди. Чунки, асосан моддий ва жисмоний бўлган нарсаларнигина кўз билан кўриш мумкин ва қачонки бирор нарсани кўриш учун шароит муҳайё бўлса, у ҳолда уни кўриш зарурий ҳолда амалга ошади, яъни қачонки кўриш қуввати соғлом бўлса ва у билан кўзга кўринадиган нарса ўртасида жуда катта масофа ёки кўришнинг олдини оладиган бирор бир тўсиқ ва шунга ўхшаш нарсалар бўлмаса, у ҳолда у нарсани кўриш зарур бўлиб, кўриш қуввати уни кўришдан ўзга чораси қолмайди. Чунки, нарсалар тасвирининг кўз қорачиғида акс этиши мажбурий ҳолат бўлиб, инсон ихтиёридан ташқаридадир. Демак, биз кўрмайдиган нарсалар ё мавжуд эмас ёки тафаккур ва руҳ каби ғайри моддий бир мавжудотдир. Шунга биноан, биз кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасидаги боғлиқликни тан олишимиз керак ва шунинг учун ҳам хоҳ ўтмишда бўлсин ёки ҳозирда бўлсин, кўриш жараёни жисмонийлик ҳамда кўринадиган нарсанинг кўз рўпарасида туриш билан боғлиқ тарзда тушунтирилади.

Кўриш жараёни ҳақида қисқача изоҳ берадиган бўлсак, илгариги назарияга кўра, кўриш жараёни кўздан чиқадиган ёғдунинг кўринадиган нарсага тегиши натижасида содир бўлади, дейилган. Бироқ янги илм-фан ушбу назарияни

бекор қилиб, бошқа назарияни тақдим этган: Кўриш жараёни шундан иборатки, объектлардан бир ёруғлик кўзга кириб, кўз қорачиғи пардасига тегади ва бунинг натижасида кўриш жараёни амалга ошади. Ҳар иккала назариянинг талабига кўра, кўринадиган нарса жисм ва моддий бўлмоғи ҳамда кўз олдида турмоғи зарур.

Баҳсимизнинг бу еригача ҳеч қандай ихтилофли қараш йўқ, лекин кўзга кўриниш билан жисмонийлик ўртасидаги боғлиқлик ҳақиқатини ўрганиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда икки томон ўртасидаги ихтилоф намоён бўлади; яъни ушбу икки нарса ўртасидаги боғлиқлик аразий ва юзакий боғлиқликми, масалан, кулги билан инсон ўртасидаги боғлиқликка ўхшашми ёки худди таъсирни сабабдан ажратиш номумкин ва маҳол бўлганидек, бу икки нарсани бир-биридан мутлақо ажратиб бўлмайдиган даражада кўз ила кўриш моҳияти билан жисмонийлик ўртасида қаттиқ ўрнашган зотий ва узвий боғлиқми?

Ашъария тоифасининг эътиқодига кўра, кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасидаги боғлиқлик биринчи турдан бўлиб, кулгини инсондан олиб қўйиш ва ундан бу хислатни ажратиш мумкин бўлганидек ва бунда ҳеч бир маҳол ҳолат юзага келмаганидек, кўз билан кўришни ҳам жисмонийликдан ажратиш мумкин ва шунингдек, моддий ва жисмоний бўлмаган мавжудотларни ҳам кўриш мумкин. Агарчи биз яшаётган дунёда одатда бу икки нарса, яъни кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасида боғлиқлик бўлса-да, лекин охирада бу боғлиқлик ўртадан кўтарилади. Ашъария гуруҳи бу ҳақда очиқ айтишади:

*«Баъзи нарсаларнинг кўзга кўринмаслиги сабаби одатда Аллоҳ таоло уларни кўришни бизда яратмайди. Демак, уларни кўрмаслигимизнинг сабаби кўз билан кўриш маҳол бўлгани учун эмас ва мухолифларимизнинг бу борада айтганлари эса шунчаки бу масалани эҳтимолдан йироқ деб билмоқликдир».*<sup>9</sup>

Ашъария гуруҳи ушбу жавобни Аллоҳнинг жамолини кўриш мумкинлиги ҳақидаги ўз ақлий далилларини мукаммаллаштириш ва уни ҳимоя қилиш учун келтирадилар.

### **Ушбу тоифанинг ақлий далиллари қуйидагича баён қилинган:**

Нарсаларни кўришимизнинг сабаби ўша нарсаларнинг мавжудлигидир. Вужуд ва мавжудлик вожиб ва мумкин бўлган мавжудотлар ўртасидаги умумий хусусиятдир ва шунга кўра, ҳар бир мавжудотни кўриш мумкин бўлиши керак.

---

9. Масуд бин Умар бин Абдуллоҳ, Саъиддин Тафтазоний номи билан танилган (вафот этган сана: 793-ҳижрий йил), «Шарҳул Мақосид», 4-жилд, 191-бет.

Бу кўз билан кўрмоқлик дунёда баъзи мавжудотларга нисбатан амалга ошган ва уларни кўриш одатий бўлмаган бошқа мавжудотларга нисбатан эса ҳали амалга ошмаган, лекин ақлий нуқтаи назардан уларни кўришнинг имкони ўз ўрнида қолади ва зора, Аллоҳ таоло охиратда қандайдир йўсинда уларни кўз билан кўришга рухсат этар ва шулардан бири Аллоҳнинг жамолини кўз ила кўриш бўлар. Ашъария тоифаси ўзларининг ушбу далил-исботларини Аллоҳнинг жамоли охиратда кўзга кўринишига зоҳирий маънода далолат қилувчи оятлар ва ҳадислар билан тўлдиришга ҳаракат қиладилар.<sup>10</sup>

Демак, шу ергача юритган баҳсимиздан маълум бўлдики, Аллоҳни кўз билан кўриш масаласига оид энг биринчи низо ва келишмовчилик Аллоҳни кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасидаги алоқани таҳлил қилиш ва ўрганишга қайтади, яъни моддий ва жисмоний бўлмаган нарсаларни кўз билан кўриш маҳолми ёки мумкинми?

Ашъария тоифасининг назариясига кўра, Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриш мумкин деб қабул қилинган, лекин соф танзеҳ назарияси эса бу нарсанинг маҳол ва имконсиз эканлигини кўрсатади. Бу масалада ҳақиқатни таниб олиш биздан шуни талаб қиладики, кўз ила кўриш билан кўринадиган нарса ўртасидаги боғлиқликни чуқур таҳлил қилиб, уни ўрганиб чиқишимиз керак. Шунда биз бу масаланинг маҳол ёки мумкин эканлигига сабаб бўлиши мумкин бўлган нарсани қўлга кирита оламиз. Барча баҳс-мунозаралар Ашъария гуруҳининг ўз ақидаси учун келтирган энг муҳим ақлий далилга қаратилиши керак.

Ашъария гуруҳининг ақлий далили қуйидагича келтирилган:

Кўз билан кўриш мумкинлигига сабаб бўлган нарса вужуд ва борлиқ бўлиб, бу бор бўлиши мумкин ва вожиб бўлган мавжудотлар ўртасидаги умумий нарсадир. Демак, биз албатта, ҳар иккала мавжудотларни ҳам кўришимиз керак, ҳам бор бўлиши мумкин бўлган мавжудотларни ҳамда бор бўлиши вожиб бўлган мавжудни кўз билан кўришимиз керак. Ҳар иккала ақиданинг тўғрилиги ушбу далилнинг тўғри ёки нотўғрилигига боғлиқ. Биз бу ерда ушбу далилнинг икки изоҳ ва шарҳини келтирамиз, бири Саъдиддин Тафтозонийга ва иккинчиси эса Ибн Таймияга тааллуқлидир.

Тафтозоний ўз китобида айтади:

---

10. Юқоридаги манба, 4-жилд, 189-192-бетлар, озгина ихчамлаштириб келтирилди.

*«Аҳли суннатнинг аввалги уламолари Аллоҳни кўз ила кўриш мумкинлигини исботлаш учун ақлий далилга асосланганлар ва ушбу далил қуйидагича:*

*Биз – барча мухолифларнинг иттифоқи назарига кўра, жисмлар каби жавҳарларни [сабстенсларни]<sup>11</sup> ҳамда ёруғлик ва ранг каби аразларни [акседентларни]<sup>12</sup> кўрамыз.*

*Улар жавҳар ва аразни кўз билан кўриш учун шундай далил-исбот келтирганлар:*

*Биз ўз кўзимиз билан дарахтлар ва тошлар каби турли жисмларни ҳамда оқ ва қора сингари турли рангларни кўриб, уларнинг бирортаси кўз ўнгимизда бўлмаса-да, уларни бир-биридан ажрата оламиз. Демак, бу иккисини, яъни жавҳар ва аразни кўз билан кўриш мумкин бўлгани учун ва бошқа томондан эса кўриш зарурат топган вақтдагина амалга ошадиган ва зарурат топмаганида юзага келмайдиган нарса бўлгани учун, кўриш амалининг сабаби бўлиши керак. Зероки, афзалликни юзага келтирувчи бўлмай туриб, афзал кўриш маҳолдир.*

*Шунингдек, ушбу сабаб жавҳар ва араз ўртасида умумий бўлиши керак. Чунки, олдин айтиб ўтилганидек, бир маълул [яъни юзага келган нарса] иккита том ва комил сабабга эга бўла олмайди. Бу сабаб ё вужуд ва борлиқдир ёки ҳудус ва пайдо бўлмоқликдир. Чунки, ҳеч бир учинчи нарса сабаб бўлиш қобилиятига эга эмасдир. Ҳудус ва пайдо бўлмоқлик ҳам холис назарга олмоқлик бўлмиш йўқлик бўлгани туфайли ёки илгари йўқ бўлган вужуд ва борлиқдан олинган нарса бўлгани учун кўришнинг сабаби бўла олмайди. Зероки, йўқликнинг ҳеч қандай роли ва таъсири йўқ. Демак, кўз билан кўришнинг сабаби вужуд ва борлиқдир ва Вожибул-вужуд [яъни вужуди ва борлиги зарур бўлган Аллоҳ таоло] ҳам ушбу сабабда бошқалар билан муштарак, яъни иштирок этувчидир. Бу масаланинг далили вужуд ва борлиқ мавзусида «Вужуднинг йўқликдан кейин юзага келиши» унвони остида зикр*

---

11. Ўзгаришлар ва ҳодисаларни қабул қилиб олган асосий феноменаларнинг зотий моҳияти ва табиатига фалсафа фанида «жавҳар» ёки «сабстенс» дейилади.

12. Бир нарсанинг моҳияти учун зарур бўлмаган хусусиятга фалсафа фанида «араз» ёки «акседент» дейилади. Ранглар, турли шакллар ва ҳолатлар «араз» ва «акседент» ҳисобланади.

қилинган. Шунга биноан, Аллоҳ таолонинг жамолини кўз билан кўриш имкони зарурийдир».<sup>13</sup>

Ибн Таймия бу ҳақда қуйидагича ўз далил-исботини келтиради:

«Кўз билан кўриш мумкин бўлган нарсалар борасида ихтилоф бор. Баъзиларнинг айтишича, кўз билан кўриш мумкин бўлишига сабаб бўлган нарса фақат соф вужуд ва борлиқ бўла олади. Демак, ҳар бир нарсанинг вужуд ва борлиги комилроқ бўлса, ўша нарса кўз билан кўринишга лойиқроқдир. Бошқа баъзилар бу борада айтганлар: Балки кўз билан кўриш мумкин бўлишига сабаб бўлган нарса номукаммал ва нуқсонли вужудга хос бўлиб, бундай вужуд йўқликка лойиқроқдир. Мисол тариқасида; пайдо бўлувчи ва бор бўлишдан олдин йўқ бўлган нарса бўлса ёки мумкин ва йўқ бўладиган нарса бўлса, кўз билан кўришга сабаб бўлади.

Аммо кўз билан кўриш мумкин бўлишига сабаб бўладиган нарса қадим, ҳодис<sup>14</sup>–пайдо бўлувчи, Вожибул-вужуд<sup>15</sup> ва мумкинул-вужудлардан<sup>16</sup> иборат бўлган умумий бир нарсадир, деб айтганларнинг фикри аввалги билдирилган фикрдан кўра яхшироқ ва устунроқдир. Чунки, кўз билан кўриш соф борлиқ ва вужуд бўлиб, фақат мавжуд бўлган нарсага тааллуқлидир, йўқ нарсага эмас. Демак, вужуд ва мавжуд бўлмоқлик нуқтаи назаридан мукаммалроқ бўлган ҳар бир нарса ёки Унинг вужуди ва борлиги вожиб ва зарур бўлган нарса, йўқлик унга боғлиқ ва у билан бирга бўлган нарсага нисбатан кўз билан кўринишга лойиқроқдир. Шунинг учун ҳам нур – зулмат билан таққосланганда вужуд ва борлиққа нисбатан муносиброқ бўлгани сабаб кўриш учун зарур. Қуёш каби шиддатли нурни кўз билан кўриш зотан ва табиатан маҳол [имконсиз] эмас, балки кўзларнинг заиф ва нотавонлиги туфайли уни кўриб бўлмайди. Худди шу тарзда биз кўзларимиз заифлиги сабабли Аллоҳни кўра олмаймиз ва шунинг учун ҳам ҳазрати Мусо (алайҳис салом) дунёда Аллоҳни кўришга

---

13. Масуд бин Умар бин Абдуллоҳ, Саъиддин Тафтазоний номи билан танилган (вафот этган сана: 793-ҳижрий йил), «Шарҳул Мақосид», 4-жилд, 189-бет.

14. «Ҳодис» сўзи арабча бўлиб, аввал мавжуд бўлмай, кейин вужудга келиб пайдо бўлган нарсага айтилади.

15. «Вожибул-вужуд» ибораси, вужуди ва борлиги зарур бўлган ҳамда барча замонлар ва маконларда бор бўлиб, ҳамма жойни ва ҳамма нарсаларни қамраб олган чексиз борлиқ эгаси бўлмиш Аллоҳ таолога нисбатан фалсафа фанида қўлланади.

16. «Мумкинул-вужуд», деганда фалсафа фанида вужуди ва борлиги унинг учун зарур бўлмаган, балки борлиқ ва йўқлик унинг учун тенг ва баробар бўлган мажудотлар тушинилади.

бардош бера олмади. Лекин Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриш имконсиз ва маҳол иш эмас ва Аллоҳ таоло бизнинг кўзларимизни Уни кўришимиз учун қувватлай олади.

Агар: «Кўз билан кўриш учун ранг, томон, йўналиш ва шунга ўхшаш нарсалар шарт, ваҳоланки, булар Аллоҳ таоло учун имконсиз ва маҳол бўлган нарсалардир», дейилса, бу сўзга жавобан: «Кўз билан кўриш учун зарур бўлган барча нарсалар Аллоҳ учун имконсиз ва маҳол эмасдир», деб айтилади ва агар бирор киши: «Агар Аллоҳ таоло кўз билан кўринса, у ҳолда шундай ва шундай нарсалар бўлиши керак бўлади ва ҳолбуки, бу нарсалар рад этилган ва инкор қилинган», деса, унга жавобан: «Унинг келтирган далилининг икки муқаддама ва асосидан бири нотўғри», деб айтилади. Худди шундай, кимдаким: «Мўминлар қуёш ва ойни кўрганларидек, Парвардигорларини кўрурлар», деган ҳадисларни ақл ҳукмига зид ва қарама-қарши деб ўйласа, шак-шубҳасиз, бундай кимсанинг келтирган далилининг муқаддама ва асосларидан бири ақл ҳукмига биноан ботил ва яроқсиздир.

Агар яна: «Агар Аллоҳ кўз билан кўринса, унда жой ва маконга эга бўлиши керак ёки маълум бир ранги бўлиши керак ёки муайян йўналиш ва томонда турган бўлиши керак. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммаси Аллоҳдан йироқдир», деб айтилса, унга жавобан: «Бу сўзларнинг ҳаммаси умумий ва ноаниқ маъноли сўзлар бўлиб, шарият қонунларининг бирортаси уларнинг маъно ва тушунчасини инкор этмаган ва шунинг учун бу сўзлар шарият томонидан тақиқланган, балки бу сўзларни Аллоҳ таолога нисбатан қабул қилмаганлар уларни ақл билан инкор этадилар». Демак, уларнинг кўзлаган маъно-мазмунни ҳақида савол қилиниши керак. Зероки, баҳсимиз ақлий тушунчалар ҳақидадир, шунчаки сўзлар борасида эмас.

Агар улар кўзга кўринадиган нарсада мавжуд йўналиш ва томонда жойлашганликни шарт деб билсалар, бу шарт яроқсиз ва ботилдир. Чунки, оламнинг сатҳи [сирти] кўзга кўришиб туради ва агар улар йўқликни йўналиш ва томон қилиб олсалар, унда биз айтаемиз: Агар Яратувчи оламдан жудо ва алоҳида бўлиб, У билан бирга ҳеч бир мавжуд нарса бўлмаса, у ҳолда У мавжудлик тарафида турган бўлмайди ва агар у ерда бор бўлган нарсани

*йўналиш ва томон деб атаб, ушбу тахмин билан Яратувчи муайян томонда турганини айтишса, биз бу шарт рад этилиши номумкиндир ҳамда ақл ва нақл [Куръон оятлари ва ҳадислар] бу шартнинг барқарорлигига далолат қилади, унинг инкор этилишига эмас, деймиз».<sup>17</sup>*

Ибн Таймия келтирган далил-исботининг хатоси ва заифлиги шундаки, у аниқ ва қатъий далил келтирмай туриб, шунчаки мумкинул-вужуднинг [яъни вужуди мумкин бўлган нарсанинг] ҳукмини Вожибул-вужудга [яъни вужуди вожиб ва зарур бўлган мавжудга] умумлаштириб нисбат берган. Зеро, маълумки, Вожибул-вужуд билан мумкинул-вужуднинг шунчаки вужуд ва борлиқда бирга бўлишлари кўзга кўриниш ҳукмини умумлаштириб, Вожибул-вужудга ҳам нисбат бериш учун етарли далил бўла олмайди. Чунки, ҳеч бўлмаганда, ушбу масалада Вожибул-вужуд мумкинул-вужуднинг ҳукмидан бошқа бир ҳукмга эга эканлигининг эҳтимоли бор бўлиб, у ҳолда Вожибул-вужуд ушбу далил-исботнинг доирасидан ташқарида бўлади ёки келтирилган далил Вожибул-вужудни ўз ичига қамраб олишда заиф ва нотавон эканлиги натижасида суст ва асосиз деб баҳоланади.

Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриш мумкинлиги хусусида келтирилган далил-исботларнинг заиф ва асосиз эканлиги бизни Ашъария тоифасининг бошқа даъвосини ҳам ўрганиб чиқишга ундайди. Уларнинг бу борада билдирган фикрига кўра, баъзи мавжудотларни кўз билан кўра олмасликнинг сабаби уларни кўз билан кўриш имконсиз ва маҳол бўлгани учун эмас, балки бизнинг кўзларимиз шундай яратилган ва тузилганки, улар фақат баъзи мавжудотларни кўрадилар ва агар бу тузилма ўзгариб, бошқача тарзда тузилса, у ҳолда илгари кўра олмаган нарсани кўриш мумкин бўлади.

Ибн Таймия ўзининг изоҳида ҳар иккала даъвони ҳам келтирган, лекин уларнинг ҳеч бирига бирор далил-исбот кўрсатмаган. У Тафтазонийнинг сўзларига шундай қўшимча қилган: *«Кўз билан кўриш соф вужуд ва борлиқдан иборат бўлиб, мавжуд нарсага тааллуқ топади, йўқ нарсага эмас.»* Унинг бу сўзида ҳеч бир баҳс-мунозара йўқ. Баҳсимиз унинг кейинги сўзида бўлиб, у бу ҳақда айтади: *«Вужуд ва борлиқ жиҳатидан комилроқ бўлган ҳар бир мавжуд, ҳатто вужуди вожиб ва зарур бўлган мавжуд йўқлик билан ҳамроҳ ва боглиқ бўлган мавжудотдан кўра кўзга кўринишга лойиқроқдир.»* Баҳсимиз унинг ушбу сўзидадир. Ибн Таймия вужуди комилроқ бўлган борлиқ вужуди ноқис

---

17. Аҳмад ибн Таймия Ал-Ҳарроний, «*Ар-Радду ʼлал-мантиқийийн*», Байрут – Ливан, 238-бетдан 240-бетларгача.

бўлган нарсадан кўра кўзга кўринишга лойиқроқ ва устунроқ эканлигини қайси далил билан исботлайди?

Балким бирор нарсанинг вужуди комилроқ бўлиши ўша нарсанинг кўзга кўринишдан муназзаҳ ва йироқ эканлигини талаб қилар, кўзга кўринишни эмас, уни кўз билан кўришни устунроқ деб билишимиз у ёқда турсин. Чунки, жисмонийлик, маконга эга бўлмоқлик ва кўрувчининг кўз ўнгида туриш каби қусур ва нуқсонлар кўз билан кўришнинг талабларидан ҳисобланади. Маълумки, руҳ жисм ва танадан кўра комилроқ бўлган бир мавжуддир ва шунга қарамай, уни кўз билан кўриб бўлмайди, лекин жисм ва танани кўз билан кўрамиз. Худди шундай, ақл ҳам миядан кўра комилроқдир, аммо уни кўз билан кўриб бўлмайди ва мияни эса кўз билан кўрамиз ёки хурсандчилик, ғам-қайғу, оғриқ, изтироб ва ранжимоклик каби руҳий ва ички кечинмаларни кўз билан кўриб бўлмайди, аммо жисм ва танамизни эса кўз билан кўрамиз. Бинобарин, ушбу мавжуд айний намуналарга кўра, комилроқ бўлмоқлик кўзга кўринмаслик билан чамбарчас боғлиқдир. Қайси далилга асосланиб, Вожибул-вужуднинг вужуди ва борлиғи комилроқ бўлгани сабаб, мумкинул-вужуддан кўра кўзга кўринишга лойиқроқ ва устунроқ, деб айта оламиз?! Ҳолбуки, биз бу ақиданинг акси учун бир неча айний намуналар кўрсата оламиз.

Қайси далилга асосланиб, биз руҳ ва ақлнинг кўзга кўринмаслигини «*ҳозирги кўз бу иккисини идрок этишдан ожиздир, лекин Аллоҳ таоло охирадда мўминларга руҳ ва ақлни, ҳатто буюк Яратгувчининг Ўзини кўра оладиган илгор кўз ато этади*», деб оқлаймиз?! Ушбу ақиданинг тўғри эканлигига аниқ далил ва исбот келтириш керак ва бу исботланмаган нарсани далил қилиб кўрсатишга ўхшайди. Зероки, бутун баҳсимиз моддий ва жисмоний бўлмаган ҳақиқатларни ўз-ўзидан кўз билан кўриш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида юритилмоқда ва бундай ҳақиқатларни кўз билан кўрмасликни кўзнинг заиф ва нотавонлигига йўйиб оқламоқлик эса ўша ҳақиқатларни кўз билан кўриш мумкин деб билишга асосланади. Ҳолбуки, бу исботланиши керак бўлган дастлабки масала ва баҳсимизнинг асоси бўлиб, Ашъария гуруҳи ушбу ақидани исботлаш учун бирор бир далил-исбот келтирмагани, балки уни исботлашдан ожиз эканлиги маълум бўлди. Аллоҳни кўз билан кўриш мумкин деб билган ақидани исботлаш учун Қуръон оятлари ва ҳадислардан иборат нақлий далиллар келтириш баҳсимизнинг бу босқичида бефойдадир. Чунки, дастлаб Аллоҳни кўз билан кўриш мумкин эканлигини ақлий далиллар билан исботлаш керак ва ундан кейин нақлий далиллар келтириш мумкин. Бинобарин, ушбу

ақидани ақлий далиллар билан исботламай туриб нақлий далиллар келтириш асл мавзуни четлаб ўтиш демакдир.

Демак, ушбу баҳс-мунозарада бизнинг далилимиз соф ақлий бўлиши муқаррар, ваҳоланки, Ашъария гуруҳининг даъвосига ақлий далил келтиришнинг имкони йўқ. Чунки, ақл кўргувчи билан кўринадиган нарса ўртасидаги алоқани таҳлил қилиш асосида ва ҳозирги борлиқ тизимига мувофиқ ҳукм қилади. Ҳолбуки, Ашъария тоифаси бошқа бир борлиқ тизими ҳақида сўз очиб, унда мўминлар учун Аллоҳ таолонинг жамолини ҳеч қандай маконсиз, ҳеч бир кайфиятсиз-ҳолатсиз ва жисмонийликсиз кўриш мумкинлигини даъво қилишади. Шунингдек, улар кўзга кўриниш билан жисмонийлик ўртасидаги боғлиқлик фақат мавжуд яратилиш тузуми уни талаб қилган нарсадир, ҳеч бир шароитда яратилиш тузумидан ажралмас бўлган муқаррар ва зарурий нарса эмас, балки охиратда юзага келадиган бошқа бир яратилиш тузумида эса ушбу боғлиқлик ўртадан кўтарилади, деб даъво қилишади.

Шу боис, Ашъариянинг ақида ва ғояларини тадқиқ қилиб ўрганиб чиққан ҳар бир киши уларнинг Аллоҳни кўз билан кўриш ҳақидаги ақидаларининг ақлий томони бир мустаҳкам ақлий далилга асосланмаганини, балки улар бир нарсани ё эҳтимолдан узоқ деб билганларини ёки улар тахминий нарсаларга таянганларини ёки бирор нарсани аниқ ва қаъий деб билиб, ўша нарсани далил сифатида илгари сурганларини англаб етади. Ашъариянинг ушбу ғоясини сўзимизнинг далили сифатида зикр этамиз:

*«Фақат вужуд ва борлиқдирки кўз билан кўришни мумкин этади ва биз кўз ила кўрмайдиган нарсалар эса уларни кўриш маҳол ва имконсиз бўлгани учун эмас, балки ишлар одатда шундай жорий бўлгани сабаблидир. Аммо охиратда Аллоҳнинг жамолини кўриш учун жой-макон, жисм кўринишида бўлмоқлик, томон ва йўналиш керак бўлмайди, балки ҳамма нарса дунёга зид равишда амалга ошади».*

Ашъария гуруҳи баъзан ўз даъволарига зид бўлган сўзларни айтадилар. Мисол тариқасида, бошқа оламда юз берадиган кўз ила кўриш ҳақида гапирадилар ва уни исботлаш учун эса бу дунёнинг ўзидан айний намуналар ва мисоллар келтирадилар. Қуйидаги гаплар каби:

*«Қадим бўлган зот [Аллоҳ] Ўзидан бошқани кўра олгани учун, демак, Ўзи ва бошқаларга кўз ила кўринадиган бўлмоқлиги зарур».*<sup>18</sup>

Уларнинг ушбу сўзи кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасидаги боғлиқликка ишониш натижасидир. Ҳолбуки, масаланинг фарази шундан иборатки, улар кўз ила кўриш билан жисмонийлик бир-биридан ажралган бошқа бир оламдаги кўрмоқлик ва унда Вожибул-вужуд билан мумкинул-вужуднинг кўзга кўриниши баробар ҳолда мумкинлиги ҳақида сўз юритганлар. Шунга биноан, улар ё бу дунёдаги кўз ила кўриш қоидаларига содиқ бўлишлари лозим ёки уларнинг ҳеч бирини қабул қилмай, рад этишлари керак. Зероки, бу қоидалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг баъзиларини қабул қилиш қолганларини ҳам қабул этмоқликни талаб қилади.

Кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасини ажратиш ҳақида сўз очмоқлик худди бурчаксиз тўрт бурчак ҳақида гапиришга ўхшайди ва ушбу икки нарсанинг ўртасини ажратиш содир бўладиган охиратдаги ўзгача яратилиш тузуми ҳақида гапириш эса қуруқ бир иддао бўлиб, уни исботлаш талаб қилинади. Аниқроқ қилиб айтганда, борлиқ ва яратилиш тузуми охиратда бошқача бўлиб, у ерда Аллоҳнинг жамолини кўриш мўминларга муяссар бўлади деган баҳона билан даъво қилмоқлик аниқ ва қабий далил-исбот келтиришдан қочишнинг бир услуби ҳисобланади ва бу эса ҳар қандай асоссиз ва ғалати даъволарга йўл очади.

Тўғри, борлиқ тузуми охиратда бошқа шакл ва кўринишга эга бўлади, лекин бунинг маъноси охиратдаги борлиқ ва яратилиш тузуми ҳозирги мавжуд тузумдан кўра комилроқ ва устунроқ бўлади дегани, у ерда қонун-қоидалар буткул бошқача бўлиб, мумкин бўлган нарса маҳолга айланади ва маҳол бўлган нарса эса мумкин бўлади дегани эмас. Масалага янада кўпроқ ойдинлик киритадиган бўлсак, комилроқ тузумда иссиқлик оловдан ажралган эмас, балки унинг даражаси янада юқорироқ ва ошиқроқ бўлади. Охиратда қўл ва оёқлар бу дунёда қандай бўлса, худди шундай бўлади, аммо фарқи шундаки, улардан ҳаёти дунёда қилган ишлари ва амаллари ҳақида хабар беришлари сўралганда, улар тилга келиб, ҳамма нарсани айтиб берадилар. Қуръони Карим оятларига кўра, борлиқ оламнинг асослари ва умумий қонунлари дунё ва охиратда ўзгармас ва бардавомдир, фақат фарқи шундаки, улар охиратда янада комилроқ ҳолатга эга бўладилар. Агар шундай бўладиган бўлса, унда охиратда масалан, иссиқлик оловдан ажралади, сабаби бу дунёда улар ўртасидаги боғлиқлик

---

18. Шарху ал-усул ал-хомсаҳ, 272 ва 273-бетлар, Миср-Қоҳира чопи. Шунингдек, Ал-Муғний, Ат-Тавҳид вал-Адл боби, 4-жилд, 176 ва 178-бетлар.

одатда шундай бўлиб келганлиги учундир ва охиратда эса ҳар бир нарса бошқа ҳолат ва кўринишда бўлади, деган баҳона билан шундай даъво қилиш мумкинми?!

Ашъария гуруҳи ўз ақидасини исботлаш учун келтирган ақлий далилларида тақрибий ва ноаниқ нарсаларни асос қилиб кўрсатишлари ва етарлича ақлий далиллардан холи бўлганлигининг сабаби, ушбу ақидада ақл билан исботлаб бўлмайдиган нарса даъво қилинганидир, яъни кўз билан кўришнинг жисмонийликдан ажралиши ушбу ақидада даъво қилинган. Ушбу даъвонинг ўзи кўз билан кўришни жисмонийликдан ажратиш маҳол ва имконсиз эканлигига ишонадиган соф танзеҳ ақидасининг тўғрилигини кўрсатади ва биз баҳсимизда соф танзеҳ ақидасини батафсил ўрганиб чиқиб, муҳокама қиламиз.

Шояд Ашъария гуруҳининг Аллоҳни кўз билан кўриш ақидаси учун келтирган ақлий далиллари заиф ва нуқсонли бўлгани Шаҳристониининг «*Ниҳоятү ал-Ақдом*» китоби<sup>19</sup> ва Фаҳриддин ар-Розийнинг «*Ал-Муҳассол*» китоби<sup>20</sup> каби ушбу ақида тарғиботчилари ва тарафдорларини нақлий далилларга таянишга ёки Тафтозонийнинг «*Шарҳул Мақосид*» китоби<sup>21</sup> каби нақлий далилларни ақлий далиллардан устун кўриб олдинга суришга ундагандир ва албатта, Сайфиддин Омудий (вафот этган сана: 631-ҳижрий йил)<sup>22</sup> каби уларнинг оз сонли олимлари ақлий далил келтириш йўлини танлаб, нақлий далилларни эса фақат онгга яқинлаштирувчи омил ўрнида кўриб, ўрганиб чиққанлар.

Аҳли суннатдан бўлган Ашъария гуруҳининг ушбу ақидасини ўрганиб чиқаётган тадқиқотчи Ашъариянинг Аллоҳни кўз билан кўриш ҳақидаги қарашини ақл билан исботлаб бўлмайдиган, деган хулосага келганида, у нақлий далилларни ўрганиб чиқишга эҳтиёж сезмайди. Чунки, Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримда ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳадиси шарифларида ақлий нуқтаи назардан номумкин ва маҳол бўлган нарса ҳақида сўз очилиб айтилган бўлиши маъқул ва мантиқий эмас. Ҳатто фараз қилайлик, Аллоҳ таолони охиратда кўришга далолат қилувчи Қуръоннинг айрим оятлари мавжуд бўлса ҳам, лекин Қуръоннинг беҳуда ва ботил нарсалардан сақланган ва йироқ эканлиги ушбу оятларни муташобех оятлардан деб ҳисоблашимизни тақозо этади. Оли Имрон сурасининг 7-оятига кўра, биз муташобех оятларнинг зоҳирий ва ташқи маъносини ушлаб

19. Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристониий, «*Ниҳоятү ал-Ақдом*», 369-бет.

20. Хожа Насириддин Тусий, «*Талхийсу ал-Муҳассол*», Байрут-Ливан чопи, 319-бет.

21. Масуд бин Умар бин Абдуллоҳ, Саъиддин Тафтозоний номи билан танилган, «*Шарҳул Мақосид*», 4-жилд, 181-бет.

22. Жаъфар Субҳоний, «*Бухусун фил-милали ван-ниҳал*», 2-жилд, 194-бет.

олмаслигимиз керак, балки уларни киноя ва мажоз услубида таъвил қилишимиз керак. Масалани чуқурроқ англаб етиш учун мазкур оятни бу ерда кўздан кечиришни ўринли деб биламиз:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرُ مُتَشَابِهَاتٌ ۚ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ ۗ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ ۗ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا ۗ وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿٧﴾

«Сенга Китобни [Қуръонни] туширган Удир. Унда [Қуръонда] муҳкам [аниқ ва равшан] оятлар ҳам бор; улар Китобнинг аслидир ва муташобеҳ [бир неча маъноларни англатувчи тушуниш қийин бўлган] (оят)лар ҳам бор. Қалбларида огиш бўлган кимсалар фитна уйдирмоқ мақсадида ва уни [ўз истакларига мувофиқ] таъвил қилмоқ мақсадида ундан [Қуръондан] муташобеҳ бўлганига эргашадилар. Ҳолбуки, унинг таъвилини Аллоҳ ҳамда илмда теранлашган кишилардан бошқа ҳеч ким билмас. Улар унга [Китобга] иймон келтирдик, [муҳкам ва муташобеҳ оятларнинг] барчаси Раббимиз ҳузуридан дир, дерлар. Ва ёлғиз ақл эгаларигина идрок этурлар».

Демак, ушбу оятга кўра, Қуръони Каримда икки хил оятлар мавжуд; биринчиси оятларнинг аксарини ўз ичига олган Муҳкам оятлар бўлиб уларнинг маъноси очик-ойдин ва бошқа ёққа буриб бўлмайдигандир. Лекин шунга қарамай, бундай оятлар тафсир қилиниши керак. Тафсир қилиш деганда, оятнинг ўша аниқ ва равшан маъносини кенгайтириб ва очикроқ қилиб тушунтириш тушунилади. Иккинчиси эса муташобеҳ оятлардир. Бундай оятларнинг сони муҳкам оятларга нисбатан анча камроқдир. Муташобеҳ оятлар бир неча ўхшаш маъноларни англатадиган, уларни бир-бирдан ажратиш ва тушуниб олиш қийин бўлган оятлардир. Муташобеҳ оятларга мисол қилиб, гуёки Аллоҳни кўз билан кўриш мумкиндек деб келган оятларни, Аллоҳнинг қўли ва оёғи каби аъзоси бор, Унинг ўтирадиган курсиси бор ва шунга ўхшаш тушунчаларни англатадиган бўлиб туюлган оятларни Муташобеҳ оятлар деб келтириш мумкин.

Тафсирчи олимларнинг айтишларича, Муташобеҳ оятларни аниқ ва равшан маънога эга бўлган Муҳкам оятлар ёрдамида ёритиш ва шарҳлаш мумкин. Ва бу ишни кўпгина муфассирлар амалган оширганлар ва бу ишга таъвил қилиш деб айтилади. Албатта, таъкидлаш лозимки, муфассирлар бу ишни ўз ёнларидан ва ўзлари билганларича амалга оширмайдилар, балки улар

пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва ул зотнинг ҳақиқий ворислари бўлмиш ўн икки маъсум имомдан Муташобех оятлар борасида ривоят қилинган ҳадислар ёрдамида мазкур оятларни таъвил қиладилар.

Аллоҳ таолони кўз билан кўриш маҳол ва имконсиз эканлиги ҳақидаги далилларда ушбу масалани кўпроқ ўрганиб чиқамиз. Аммо шунга қарамай, биз ушбу илмий баҳсимизда Ашъария гуруҳи охиратда Аллоҳни кўз билан кўришни исботлаш учун далил қилиб келтирган оятларни ўрганиб чиқишни ва Қуръони Каримда Аллоҳни кўз билан кўришга аниқ далолат қиладиган ва уни бошқа бир маънога таъвил қилиб бўлмайдиган бирор бир оят бор ёки йўқлигини билишни лозим топдик.

Ашъария тоифаси мўминлар охиратда Аллоҳ таолони кўз билан кўришларини исботлаш учун қуйидаги оятларни далил қилиб келтирганлар:

1. *وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾*

«У кунда [қиймат куннда] яшнаб турувчи юзлар, Парвардигорларига назар солгувчидирлар». (Қиймат сураси, 22 ва 23-оятлар)

2. *كَلَّا إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَمَّحْجُوبُونَ ﴿١٥﴾*

«Йўқ! Уларнинг ўйлаганидек эмас. Шубҳасиз, улар ўша кунда [қиймат куннда] ўз Парвардигорларини кўришдан тўсилгувчидирлар». (Мутаффифин сураси, 15-оят)

3. *لِّلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ ﴿٥٠﴾*

«Эзгу амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалик бордир». (Юнус сураси, 26-оят)

4. *﴿هُمْ مَا يَشَاءُونَ فِيهَا وَلَدَيْنَا مَزِيدٌ﴾*

«Жаннат аҳли учун у ерда хоҳлаган нарсалари бор. Ва Бизнинг ҳузуримизда эса ортиқроғи бор». (Қоф сураси, 35-оят)

5. *﴿وَاسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ ۖ وَأِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ ﴿٤٥﴾﴾* *﴿الَّذِينَ يَظُنُّونَ أَنَّهُمْ مُلَاقُوا رَبِّهِمْ وَأَنَّهُمْ إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿٤٦﴾﴾*

«[Ишларингизда Аллоҳдан] сабр [рўза] ва намоз ила мадад сўрангиз. Ва чиндан ҳам, бу [намоз ўқиш] худотарслардан бошқаларга жуда оғир [иш]дир. [Ўша худотарслар] шундай зотларки, [Қиёматда] Парвардигорларини мулоқот қилувчи эканларига ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига қайтувчи эканликларига аниқ ишонадилар». (Бақара сураси, 45 ва 46-оятлар)

Ашъария гуруҳи мўминлар охиратда Аллоҳ таолони кўз ила кўришларини исботлаш учун далил қилиб келтирган оятларнинг ҳаммаси шулардир. Бу оятлар Ашъария гуруҳи билан соф танзеҳ ақидаси тарафдорлари ўртасида баҳс-мунозара майдонига айланган бўлиб, бу ҳақда ҳар икки тоифанинг каломий ва тафсирий манбаларида, айниқса, биринчи оят устида иккала гуруҳ томонидан кўп тортишилгани ва таъкидланганини батафсил кўриш мумкин. Ушбу баҳс-мунозара шу даражага етиб борганки, тадқиқотчининг онгида қуйидаги саволни туғдириши табиий ҳолат:

Ушбу ояти кариманинг сўзлари шу қадар мураккаб ва ноаниқмикан, унинг борасида кенг кўламли фикрий тортишувларга асос бўлган?

Бу савол бизни икки тоифадаги илоҳиётчи ва муфассир олимлар босиб ўтган йўлдан ойдинроқ ва қисқароқ йўл топишга ва бу борада қуйидагича ўз назаримизни билдиришимизга сабаб бўлди: Ашъариянинг юқоридаги оятларни далил қилиб келтиришлари, қачонки ушбу оятлар кўз билан кўришга аниқ ва қатъий тарзда далолат қиладиган бўлса, шу даражадаки, улар ҳақида бошқа ҳеч қандай эҳтимол ёки маънога ўрин қолмаса, у ҳолда тўлиқ ва комил бўлади. Шунга биноан, Ашъария гуруҳининг муҳолифлари ўз ақидаларини исботлаш учун ушбу оятнинг кўз билан кўришга зид бўлган биргина эҳтимолий маъноси борлигини айтишлари керак.

Бу икки йўл ўртасидаги фарқнинг сири шундаки, Ашъария гуруҳи одатий бўлмаган нарсани, яъни охиратда кайфиятсиз кўриш амалга ошишини даъво қилмоқдалар ва шунинг учун зид ва тескари томоннинг эҳтимоли бўлмаган аниқ ва қатъий далил-исбот келтиришлари керак бўлади. Шундай экан, агар Ашъария гуруҳининг муҳолифлари тескари бир эҳтимолни айта олсалар, шунинг ўз Ашъария гуруҳининг даъвосини бекор қилиш учун кифоядир ва бу даъво бекор қилиш билан эса танзеҳ ақидаси тарафдорларининг назарияси, яъни Аллоҳни кўз билан кўришни инкор этиш ақидаси исботланади. Демак, асос шундан иборатки, жисм ва моддий бўлмай, ҳеч бир кайфият ва ҳолатга бўлмаган нарсани кўз билан кўриб бўлмади ва кимки бу асос ва тамойилга қарши даъво қиладиган бўлса, унда далил келтириши керак. Агар у ўз далилини

ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган тарзда келтирса, унинг муддаоси исботланади ва агар унинг келтирган далилида шак-шубҳа туғиладиган бўлса, гўёки у ҳеч қандай далил келтирмагандек ва ўз даъвосини далил билан эмас, куруқ бир даъво қилиш билан исботламоқчи бўлгандек бўлади. Файласуфлар айтадилар:

«إذا جاء الاحتمال، بطل الاستدلال»

*«Агар эҳтимол юзага келса, келтирилган далил-исбот бекор ва асоссиз бўлади».*

Ва далилнинг бекор бўлиши билан биз ўша Аллоҳ таолони кўз билан кўриш мумкин эмас деган тамойилга қайтамиз. Биз бу усул билан икки томон ўртасидаги баҳслашувни қисқартира оламиз. Зероки, Ашъария гуруҳи бу оятларни қанчалик далил сифатида келтиришга уринмасинлар, яна бу оятлар кўз билан кўришдан бошқа маънони акс эттирмайди, деб даъво қила олмайдилар. Уларнинг даъво қилиши мумкин бўлган охириги нарса шуки, ушбу оятларда кўз билан кўришнинг эҳтимоли кучлироқ ва мақбулроқдир. Аммо бу сўзнинг ўзи Аллоҳ таолони кўз билан кўришни исботлаш учун етарли эмас ва улар Қуръондан далил келтирганлар деб бўлмайди. Чунки, мазкур оятларда ушбу маънога қарши бир қанча эҳтимоллар бор. Албатта, биз бу ерда бағрикенглик юзасидан ва қаттиққўлликдан сақланиш мақсадида юқоридаги оятларнинг кўз билан кўришдан бошқа маъноларини эҳтимоллар деб тилга олаяпмиз, акс ҳолда соф танзеҳ ақидасининг тарафдори бўлганлар фақат шу маъноларнигина мазкур оятларнинг тўғри ва кўзда тутилган маъноси деб билишади. Биринчи оятдан:

﴿۲۲﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿۲۳﴾

*«У кунда [қиймат куниди] яшнаб турувчи юзлар, Парвардигорларига назар солгувчидирлар».* (Қиймат сураси, 22 ва 23-оятлар) кўзланган маъно Аллоҳ таолонинг фазлу-рахматига ва ато этадиган ажр-савобига интизор бўлмоқлик эканининг эҳтимоли бор. Бундан ташқари, кўплаб Қуръон оятлари ва луғавий намуналар қараш ва назар солиш билан кўз ила кўриш ўртасидаги боғлиқлик йўқлигини тасдиқлайди, балки баъзан бу иккаласи бир-бири билан бирга бўлиб, гоҳида эса бир-биридан ажралиб туради. Зероки, қаради ва назар солди деганда, кўзини ва нигоҳини бир нарса томонга бурди хоҳ уни кўрсин ёки кўрмасин маъноси тушинилади.

Демак, ушбу ингичка масалага диққат қилмоқлик лозимки, нафақат назар қилиш-қараш ва кўз билан кўриш бир маънога эмаслар, балки улар ҳар доим ҳам бир-бирига ҳамроҳ ва боғлиқ бўлиб туравермайди. Зероки, кўз ила кўриш қарашнинг натижасидир. Араб тилида бу борада шундай дейилади:

«نظرت إلى الهلال فلم أراه»

«Мен ярим ойга қарадим, лекин уни кўрмадим».

Шунинг учун бирини тилга олиш билан иккинчисини хулоса қилиб бўлмайди.<sup>23</sup>

Бошқа таъбир билан айтганда, ушбу ояти карима:

وَجُوهٌ يُؤْمِنُ بِناَصِرَةٍ ﴿٢٢﴾ إِلَى رَبِّهَا ناظِرَةٌ ﴿٢٣﴾

«У кунда [қийёмат кунда] яшнаб турувчи юзлар, Парвардигорларига назар солгувчидирлар». (Қийёмат сураси, 22 ва 23-оятлар) Аллоҳни кўз билан кўриш мумкинлигига ишонганларнинг энг муҳим далилларида бири бўлиб, бу ҳақда турли китобларида муҳокама қилганлар. Бу оятни далил қилиб келтириш «إلى» кўмакчиси [предлоги] билан қўлланган «Наазироҳ» сўзига асосланади ва ушбу ҳолатда бу сўз кўрмоқ маъносини англатади.<sup>24</sup> Ва шунингдек, қуйидаги оят:

كَلَّا إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمِئِذٍ لَمَّحْجُوبُونَ ﴿١٥﴾

«Йўқ! Уларнинг ўйлаганидек эмас. Шубҳасиз, улар ўша кунда [қийёмат кунда] ўз Парвардигорларини кўришдан тўсилгувчидирлар». (Мутаффифун сураси, 15-оят) ҳам Аллоҳни кўз билан кўриш масаласига далил қилиб келтирилган. Зероки, Ашъария тоифаси муфассирларининг фикрича, ушбу оят кофирларни Парвардигори оламнинг дийдоридан тўсилганлар деб танитади ва

23. Шайх Тусий Муҳаммад ибн Ҳасан, «Ат-Тибён», тадқиқотчи: Аҳмад Ҳабиб Қасийр ал-Омилий, исломий тарғибот идораси нашриёти, 1409-ҳижрий йил, 10-жилд, 197-бетдан 200-бетларгача ва шунингдек, Аминул Ислому Табарсий, Фазл ибн Ҳасан, «Мажмаъул Баён», Байрут-Ливан, муассасатул-аъламиий лил-матбуот нашриёти, 1415-ҳижрий йил, 10-жилд, 196-бетдан 199-бетларгача.

24. Ушбу оятни далил қилиб келтирган манбалар қуйидагилардан иборат:

- ✓ Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушжий, «Шарҳу Тажридил ақоид», Маншурот Разий, Қум, Бийто, босма чоп, 332-бет.
- ✓ Абдурахмон бин Муҳаммад Саъолибий ал-Моликий, «Ал-Жавоҳир ал-Ҳисон фий тафсирил Қуръон», «Тафсири Саъолибий» номи билан танилган, Байрут-Ливан, Дору ихёи ат-Турос ал-Араби нашриёти, 1418-ҳижрий йил, 2-жилд, 523-бет.
- ✓ Муҳаммад бин Аҳмад Ал-Ансорий Ал-Қуртубий, «Ал-Жомийъу ли-аҳқомил Қуръон», Байрут-Ливан, муассаса ат-Тарих ал-Арабий нашриёти, 1405-ҳижрий йил, 19-жилд, 107-бетдан 110-бетларгача.
- ✓ Ибн Касир ал-Қураший ад-Дамашқий, Абул Фадо Исмоил, «Тафсирул Қуръонил Азим», Байрут-Ливан, Дорул маърафаҳ нашриёти, 1412-ҳижрий йил, 4-жилд, 479 ва 480-бетлар.

шунинг учун, Аллоҳ таолони кўз билан кўриш қабул қилинган бир масала бўлади.<sup>25</sup>

Бироқ Қиёмат сурасининг ﴿إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ﴾ 23-оятининг эътиқоди қуйидагича:

Ушбу оятдаги «Назар» сўзидан кўзланган маъно ва мурод ё интизор бўлмоқ ва кутмоқ маъносидир, у ҳолда ояти карима: «Мўминлар Аллоҳ таолонинг ажру-савоби ва фазл-раҳматининг интизоридадирлар» маъносидадир ёки «Назар» сўзининг маъноси ўша ўзининг асл маъносида келган бўлиб, назар солмоқ ва қарамоқ деган маънони англатади, лекин бу Худога қараш ва назар солиш дегани эмас, балки Аллоҳнинг ажр-мукофоти ва неъматларига назар солиш ва қараш кўзда тутилган.

«Назар» сўзи «إلى» кўмакчиси билан бирга араб шеъриятида баъзи ўринларда интизор бўлмоқ ва кутмоқ маъносида қўлланилган. Ҳазрати Сулаймон пайғамбар қиссасида ҳам «Наазироҳ» сўзи кутиш ва интизор бўлиш маъносида келган:

وَإِنِّي مُرْسَلَةٌ إِلَيْهِمْ بِهَدِيَّةٍ فَنَظِرَةٌ بِمَ يَرْجِعُ الْمُرْسَلُونَ ﴿٣٥﴾

«Мен уларга бир ҳады юборурман ва элчилар нима билан қайтар эканлар, деб кутмоқдаман». (Намл сураси, 35-оят)

Бунга қўшимча, мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ҳадисларида Қиёмат сурасининг 23-оятдаги «Назар» сўзидан кўзланган маъно Аллоҳ таолонинг ажр-савобига назар солиш эканлиги айтилган.<sup>26</sup>

Аҳли суннатнинг ишончли муфассир олимлари орасида улар наздидаги машҳур ақидага зид равишда мазкур оят учун шиа тафсирига ўхшаш тафсири айтиб ўтганлар ҳам бор. Мужоҳид, Абу Солиҳ, Ҳасан, Саид ибн Жубайр ва ҳоказо каби кишилар оятнинг шиа тафсирига ўхшаш тафсири баён

25. Ушбу оятни далил қилиб кўрсатган манбалар қуйидагилардан иборат:

- ✓ Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушжий, «Шарҳу Тажридил ақоид», 333-бет.
- ✓ Муҳаммад бин Аҳмад Ал-Ансорий Ал-Қуртубий, «Ал-Жомийъу ли-аҳқомил Қуръон», 19-жилд, 261-бет.
- ✓ Ибн Касир ал-Қураший ад-Дамашқий, «Тафсирул Қуръонил Азим», 4-жилд, 518-бет.

26. Файз Кошоний Мавло Муҳсин, «Тафсир ас-Софий», Тадқиқотчи: Ҳусайн Аълабий, Техрон, Садр кутубхонаси, 1416-ҳижрий йил, иккинчи чоп, 256-бет.

қилганлар.<sup>27</sup> Тафсирчи олимлар орасидаги ушбу фарқ Аҳли суннатнинг ўз китобларида ҳам қайд этилган.<sup>28</sup>

Аҳли-Байт мактабининг буюк тафсирчи олими Аллома Таботабой Аллоҳ таолони кўз билан кўришни ифодалайдиган барча оятларни қалб кўзи билан кўришга тааллуқли ва унинг билан боғлиқ деб билган ва қуйидаги оятларни:

﴿مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَى﴾

«Қалб кўрганини инкор этмади.» (Нажм сураси, 11-оят)

﴿كَلَّا ۚ بَلْ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِم مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ﴾ ﴿١٤﴾ ﴿كَلَّا ۚ إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَمَّحْجُوبُونَ﴾ ﴿١٥﴾

«Ундай эмас! Балки уларнинг қалбларига қилиб юрган ножўя ишлари занг бўлиб ўрнашган, холос. Йўқ! Уларнинг ўйлаганидек эмас. Шубҳасиз, улар ўша кунда [қиёмат кунда] ўз Парвардигорларини кўришдан тўсилгувчидирлар». (Мутаффифин сураси, 14 ва 15-оятлар) шу маъно ва тушунчага гувоҳ ва далил сифатида келтирган. Негаки бу икки оятда қалб кўзи билан кўриш назарда тутилган. Чунки, оятларнинг бирида кўриш қалбга нисбат берилган ва иккинчисида эса кўришга тўсқинлик қиладиган нарса қалб занги деб айтилган. Ва маълумки, ушбу омил, яъни қалбни қоплаб олган занг қалб билан кўришнинг олдини олади ва кўз билан кўришга ҳеч қандай алоқаси йўқ.<sup>29</sup>

Демак, юқоридаги далилларга кўра, агарда Ашъария гуруҳи қарамоқ билан кўрмоқлик ўртасидаги боғлиқликка оёқ тираб олсалар ҳам, уларнинг бу даъвоси кўз билан кўришга қатъиян далолат қилмайди. Чунки, қиёматда Аллоҳни кўриш деганда, мўминларнинг дунёда ҳам, охиратда ҳам хусусиятларидан бири бўлган қалб билан кўриш назарда тутилган бўлиши мумкин. Қиёмат кунда Аллоҳни қалб билан кўриш мўминлар учун тиниқроқ ва аниқроқ бўлиши мумкин ва бу эса улар баҳраманд бўладиган энг улғу неъматлардан биридир.

Ҳатто агар Ашъария гуруҳи Қуръон оятлари ҳамда луғий намуна-далиллар ёрдамида Аллоҳнинг жамолини кўриш маъносини исботлашга муваффақ

27. Шайх Тусий Муҳаммад бин Ал-Ҳасан, «ат-Тибён», Тадқиқотчи: Аҳмад Ҳабиб Қосийр ал-Омилий, Мактабу ал-Иъломил Исломиий нашриёти, 1509-шамсий йил, 10-жилд, 199-бет.

28. Муҳаммад ибн Жарийр ат-Табарий, «Жомеъ ал-Баён», Байрут-Ливан, Дорул-фикр, 1415-ҳижрий йил, 29-жилд, 239-бет ва шунингдек, Муҳаммад бин Аҳмад Ал-Ансорий Ал-Қуртубий, «Ал-Жомийу ли-аҳкомил Қуръон», 19-жилд, 108-бет.

29. Саййид Муҳаммад Ҳусайн Таботабой, «Ал-Мийзон фий тафсирил Қуръон», Қум-Эрон, Исмоилиён матбуот муассасаси нашриёти, 1371-шамсий йил, бешинчи чоп, 8-жилд, 238-бет.

бўлсалар-да, бироқ оятнинг маъноси қалб билан эмас, кўз билан кўриш эканлигини сира исботлай олмайдилар.

Аммо соф танзеҳ ақидасига ишонадиганлар эса Аллоҳ таолони қалб билан кўришни исботлашга сира эҳтиёж сезмайдилар. Зеро, улар Аллоҳни кўз билан кўриш маҳол ва номумкин эканлигини ақл билан исботлаганлар ва уларнинг эътиқодига кўра, ушбу масала ақлийдир, нақлий эмас. Шунинг учун, Қуръони Каримда Аллоҳ таолони кўриш мумкинлигини ифодаловчи оятлар келганда, бошқа томондан эса Аллоҳ таолони кўз билан кўриш маҳол ва имконсиз эканлиги ақлий далиллар билан исботлангани сабаб, бу оятларнинг тафсири фақат Аллоҳни қалб билан кўриш маъносида эканлиги маълум бўлади ва ушбу маънонинг олдини оладиган ҳеч бир ақлий ёки нақлий тўсиқ йўқ.

Ҳолбуки, Ашъария гуруҳи икки босқични исботлашлари керак бўлади. **Биринчи босқич:** Оятнинг маъноси Аллоҳни кўриш ҳақида эканлиги. **Иккинчи босқич:** Оятда назарда тутилган кўрмоқлик қалб билан эмас, кўз билан кўриш эканлиги. Бу борада юритган олдинги баҳсларимиздан Ашъария тоифасининг иккала босқичда ҳам ожиз ва нотавон эканлиги маълум бўлди. Танзеҳ ақидасига ёндашганларнинг Ашъария гуруҳи билан қилган кўп баҳс ва мунозаралари Аллоҳ таолони кўз билан кўришни исботлаш учун келтирилган оятларнинг маъноси ҳақида бўлган. Ашъария гуруҳининг илоҳиёт ва тафсир манбаларидан маълум бўлишича, улар кўпинча ушбу оятларнинг маъноси Аллоҳ таолонинг жамолини кўриш ҳақида эканлигини баён қилишга киришадилар (биринчи босқич), ваҳоланки, агар охирада Аллоҳ таолони кўриш мўминларга мумкин эканлиги исботланган тақдирда ҳам, яна бунинг ўзи Ашъария тоифаси кўзлаган мақсадни исботлаш учун етарли эмас, балки улар охирада Аллоҳни кўриш қалб билан эмас, кўз билан эканлигини исботлашлари керак. Ҳолбуки, бундай нарсани исботлаш улар учун имконсиздир. Чунки, улар Аллоҳ таолонинг жамолини кўришга далолат қилади деб даъво қилган оятларнинг ҳеч бири кўз билан кўришга ишора қилмаган ҳам ва бундай ишоранинг йўқлиги билан улар қандай қилиб Аллоҳни кўз билан кўришни исботлаб, қалб билан кўришни эса инкор эта оладилар?

Ҳар икки босқичда кўтарилган мавзулар ва баҳслар йиғиндисидан шундай хулоса чиқариладики, ақл ҳам, нақл ҳам Аллоҳ таолони қиёмат кунда кўз билан кўришни исботлашдан ожиз ва нотавондир. Шунинг учун ҳам Мўътазила ва Имомийя танзеҳ назариясини фақат ўзларига хос деб биладилар ва Ашъариянинг танзеҳ ақидаси ҳақидаги даъвосини қабул қилмайдилар. Зероки, танзеҳ ақидасига ишониш учун Аллоҳнинг жисм эканлигини оғзаки инкор

этишнинг ўзи кифоя эмас, аксинча, улар ушбу инкор билан боғлиқ бўлган мантикий ва ақлий тамойил ва талабларга риоя қилишлари керак. Агар бирор киши Аллоҳнинг жисм эканлигини инкор этса-ю, лекин бунинг тамойил ва талабларини инкор қилмаса, агарчи бошқалар уни «*Мужассима*» деб аташларини рад этиб, бу ҳақда қатъий туриб олса ва бу номни ўзига нисбатан қалбида инкор этадиган бўлса ҳам, аслида у «*Мужассима*» тоифасига киради. Зероки, Аллоҳ таолони кўз билан кўриш масаласида икки ақида ва қарашни илгари суриш мумкин: тажсим ақидаси ёки танзеҳ ақидаси ва бу иккиси ўртасида учинчи бир ақидани илгари суришнинг имкони йўқ ва аслида бундай оралиқ ақиданинг эҳтимоли ҳам мумкин эмас. Шунинг учун, «*Мужассима*» тоифаси [яъни Аллоҳ таолонинг жисми ва танаси борлигига ишонадиганлар] Аллоҳ таолони охиратда кўз билан кўришга эътиқод қилишади. Чунки, уларнинг қарашига кўра, Аллоҳ таоло жисмлардан биридир ва агар У жисм бўлмаса, Уни кўриш ҳам мумкин бўлмайди. Улар ўз назарларига кўра, Аллоҳни кўз билан кўришга далолат қиладиган оятларни Аллоҳнинг жисм ва жисмоний эканлигининг далиллари қаторида деб ҳисоблаганлар.

Юқорида айтилганларга кўра, танзеҳ ақидасига ёндашадиганлар Ашъария тоифаси ва уларнинг издошларини «*Мужассима*» тоифасидан деб ҳисоблаганлар ва шунинг учун бир тадқиқотчи Ашъариянинг йирик олимларини тажсим ақидасида айблаган танзеҳ ақидаси тарафдорларининг китобларини ўқиганда ва кейин эса танзеҳ ақидасини баралла кўтариб чиқиб, тажсим ақидасини қоралаган ва уни танқид қилган Ашъариянинг китобларини ўқиганда, у ҳайратланиб қолиши мумкин. Бу зиддият ва қарама-қаршиликнинг сабаби биз айтган нарсадир. Албатта, Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳамда Уни қиёмат кунида кўз билан кўришнинг исботи ҳақида муфассал китоб ёзиб, унда Аллоҳ таолонинг узунлиги, кенглиги, соқоли, юзи ва қўли ҳақида сўз юритган кишиларга нисбатан тажсим ақидаси айблови шиддатлироқ бўлади. Бу борада қуйидаги шахслар ва уларнинг китобларини келтириш мумкин:

Жумладан, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбалга нисбат берилган «*Китобус-Суннаҳ*» китоби, Ибн Баттанинг «*Ал-Ибонаҳ*» китоби ва Усмон ибн Саид Ал-Доримийнинг китоблари, Абу Яълонинг «*Ибтол ат-Таъвил*» китоби, Ибн Манданинг «*Ал-Иймон*» китоби, Ибн Абий ал-Иззинг «*Шарҳ ал-ақийда ат-Таҳовийя*» китоби, Ибн Хузайманинг «*Ат-Тавҳид*» китоби ҳамда Ибн Таймия ва унинг шогирди Ибн Қайюм ал-Жавзийянинг баъзи китоблари, Заҳабийнинг «*Ал-Улуву*» китоби ва Хошиш ибн Асрамнинг «*Ал-Истиқомаҳ*» китоби.

Диққатга сазовор бўлган ўта аҳамиятли ва ингичка масала шундан иборатки, агарчи биз ушбу илмий асаримизда Ашъария тоифасини Аллоҳ таолонинг жамолини охиратда кўриш ақидасининг тарафдори сифатида келтирган бўлсак-да, лекин эндиликда ушбу ақида деярли Аҳли суннатнинг барча ақидавий ва фикҳий мазҳаблари орасида кенг тарқалган ва улар ушбу ақидани бир овоздан қабул қилишган. Бироқ мусулмонлар орасида илк бор шаклланган ақидавий мактаблардан бири бўлган Ашъария гуруҳи ушбу ақидани кўтариб чиқиб, уни кенг тарғиб қилгани ва унга ўзининг далил-исботларини келтиргани учун биз ҳам ўзимизнинг илмий асаримизда ушбу ақиданинг дастлабки тарафдори сифатида Ашъариянинг номини такрор тилга олдик.

### **Учинчи ақиданинг танзех назариясига ва Аллоҳни кўз билан кўришнинг имкони йўқлигига далил-исботлари**

Мўътазила, Имомия ва Зайдия учинчи ақиданинг тарафдори бўлиб, улар Аллоҳ субҳаанаҳу ва таолони кўз билан кўришнинг имкони йўқлигига ва бу нарса маҳол эканлигига ишонишади ва бунинг учун ақлий ва нақлий далиллар келтирганлар:

#### **Аллоҳ таолони кўз билан кўришнинг имкони йўқлигига ақлий далиллар:**

Аллоҳ таолони кўз билан кўришнинг имкони йўқлигини исботлаш учун кўп далиллар келтирилган бўлиб, уларнинг барчаси бир нарсанинг турли томон ва қирраларини баён қилиб очиб беришдан иборат ва бу эса кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасидаги ўзига хос ва чамбарчас боғлиқликнинг борлигидан дарак беради.

Жисмга эга бўлиш Вожибул-вужуд [яъни вужуди ва борлиғи зарур] бўлмоқликка зиддир ва Вожибул-вужуднинг жисм ва танага эга бўлиши маҳол ва номумкин дир. Чунки, жисм бўлаклардан ташкил топган бўлиб, у ўзининг бўлакларига ва шунингдек, жойлашган маконига муҳтождир ва бу эса Вожибул-вужуднинг эҳтиёжмандлиги ва чекланганлигини билдиради. Ҳолбуки, Вожибул-вужуд заруратан муҳтожмас ва чексиздир. Шунинг учун Вожибул-вужуд жисм бўлмаслиги ва натижада кўз билан кўринадиган бўлмаслиги керак. Демак, Аллоҳ таолони кўз билан кўришнинг имконсиз ва маҳол эканлигини исботлаш учун айтилган барча ақлий жиҳатлар, аслида кўз ила кўришлик билан жисмонийлик ўртасидаги боғлиқликка қайтади.

Ушбу жиҳатлардан баъзилари қуйидагилардир: Фақат кўрувчининг кўз олдидаги муайян йўналиш ва маконда жойлашган объектларнигина кўз билан кўриш мумкин. Кўз билан кўринадиган нарсага эса кўз ишораси билан ишора

қилиш мумкин ва ҳолбуки, фақат жисмга эга бўлган нарсага ишора қилиш мумкин ва кўз билан кўриш учун кўрувчи билан кўринадиган нарса ўртасида ёруғлик бўлиши керак ва бу эса жисмларнинг хусусиятларидан биридир. Аллоҳ таолонинг жамолини кўриш мавзусида айтилиши керак бўлган яна бир масала шуки, Аллоҳ таолони кўз билан кўрганда, Унинг бутун вужудини кўриш мумкинми ёки Унинг фақат баъзи қисмини кўз билан кўриб бўладими? Агар Аллоҳнинг бутун вужуди кўзга кўринса, бунинг маъноси У кўз қамраб олган ҳудуд ва миқдорга чекланиб қолган, дегани ва агар Унинг айрим вужуди кўзга кўринса, бунинг маъноси У маълум бир бўлак ва қисмлардан ташкил топган бўлиб, мавжуд бўлмоқликда уларга мухтож бўлади, дегани. Масаланинг ҳар иккала томони тажсим ва мужассамалик эътиқодига мувофиқ келади, танзех ақидасига эмас.

Демак, Ашъария гуруҳи олдида турган энг асосий муаммо аслида кўз ила кўриш билан жисмонийлик ўртасидаги узвий ва чамбарчас боғлиқлик бўлиб, агар улар уни енгиб ўта олсалар, у ҳолда улар бу ақлий далилларни рад этишлари мумкин бўлади ва агар бунга жавоб бера олмасалар, унда бу муаммоларни рад этишга ҳам ожиз бўладилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўз ила кўриш билан жисм бўлиш ўртасидаги боғлиқликни ҳеч бир ақл-идрокли инсон инкор эта олмайди, ҳатто Ашъария нуқтаи назаридан ҳам ушбу боғлиқликни исботлашга ҳожат йўқ, балки уларнинг даъвосига кўра, бу боғлиқлик охирада ўртадан кўтарилади ва мўминлар ўз Парвардигорларининг жамолини бирор кайфиятсиз-ҳолатсиз ва жисмонийликсиз кўрадилар. Биз уларнинг бу даъвосини исботлаш учун унга далил келтиришнинг имкони борлиги ёки йўқлигини ўрганиб чиқиб, бунга ҳеч қандай ақлий далил келтириб бўлмаслигини айтдик. Чунки, Ашъария гуруҳи ўзларининг мазкур иддаосини исботлаш учун келтирган ақлий далилларнинг ўзи ҳам бошқа даъволардан иборат бўлиб, уларни ҳам исботлаш керак ва шунинг учун уларнинг келтирган далилларини ҳақиқий далиллар сифатида қабул қилиб бўлмайди ва ушбу масала эса Ашъария назариясининг ақлий қисмида очиқ-ойдин бир бўшлиқ пайдо бўлишига сабаб бўлган ва уларни ўз иддаоларини исботлашга ожиз ва нотавон қилиб қўйган.

Ушбу ақидавий масала ҳам ақлий, ҳам нақлий йўналишга эга бўлиб, биз бу ерда дастлаб фалсафий ва ақлий далилларга қисқача тўхталамиз ва кейин эса ушбу масалага доир ақлий далилларни келтирамиз.

Фалсафий далиллардан олинган натижага кўра, Аллоҳ таоло ҳар қандай жисмонийлик ва моддийликдан мутлақо йироқ ва пок бўлиб, ҳаттоки У ҳар

қандай имконий жиҳатга эга бўлишдан ҳам йироқ ва муназзахдир. Натижада Аллоҳ таолонинг жисм ва жисмоний эканлигини рад этиш билан Уни кўз билан кўриш имкони мутлақо йўқлиги ошкора маълум бўлади.<sup>30</sup>

Аллоҳ таолонинг ушбу сифатлари кўпгина Аҳли суннат уламолари томонидан ҳам қабул қилинган бўлиб, сунний илоҳиётчи олим Қўшжий ҳам «*Тажридул-эйтиқод*» китобига ёзган ўз шарҳида уларни қабул қилган.

Ушбу масалада асос қилиб келтириш мумкин бўлган яна бир далил – бу Аллоҳ таолонинг зоти басийт эканлиги, яъни бўлак ва қисмлардан ташкил топмаганлигидир. Бу далилнинг изоҳида шуни айтиш лозимки, агар Аллоҳни зоҳирий ва моддий кўз билан кўриш мумкин бўлса, у ҳолда кўз билан кўринган нарса ё Аллоҳнинг бутун зоти ва вужуди бўлади ёки Унинг бир қисмигина кўзга кўринган бўлади. Худонинг бутун зоти ва вужудини кўз билан кўришнинг маъноси Худодан бошқа Худони ихота қилди, яъни Уни қамраб олди, деганидир ва бу эса имконсиз ва маҳолдир. Зеро, Аллоҳ таолонинг зоти ва вужуди чексиз ва бепоён бўлиб, Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким Унинг зотини ихота қила олмайди. Худонинг бир қисмини ёки бир бўлагини кўз билан кўриш эса Унинг зоти ва вужуди қисмлар ва бўлақлардан ташкил топганлигини англатади ва бу ҳам маҳол ва имконсиздир. Чунки, қисмлар ва бўлақлардан ташкил топган нарса албатта, нобуд бўлувчидир. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло абадий ва азалийдир.<sup>31</sup>

Юқоридаги далилларга нисбатан қуйидаги шубҳани илгари суриш мумкин: Бу далилларнинг барчаси ақлий маълумотларга асосланган, ваҳоланки, охират олами эса инсон ақли етмайдиган масалалардан иборат. Ушбу шубҳага жавобан шуни айтишимиз керакки, ақлий қоидалар бу дунёга хос бўлмай, балки улар ҳар бир оламда ўз кучига эга. Охират оламининг ташқи идроклардан ва шунингдек, баъзи бир ақлий қоидалардан йироқ бўлиши ақлий қоидаларнинг ҳеч бири у ерда ўтмаслигини англатмайди. Мисол тариқасида, у дунёда маълул, яъни таъсир сабабга муҳтож эканлик қоидаси у ерда ўртадан кўтарилса ёки парадокс, яъни икки зид ва қарама-қарши нарсанинг бирлашиши мумкин эмаслиги қоидаси барҳам топса. Балки ақл меъёр сифатида унинг қоидалари барча замонлар ва маконларда ўз кучига эга ва ҳамма ерда ботиний чирок бўлиб инсонларга тўғри йўлни кўрсатади. Ва биз ақл нуқтаи назаридан моддий ва

---

30. Аллома Ҳиллий, «*Кафишул-мурод*», тадқиқотчи: Ҳасан Ҳасанзода Омулий, Ан-Нашр ал-Исломиий муассасаси нашриёти, Қум-Эрон, тўққизинчи чоп, 1422-ҳижрий йил, 405-бетдан 414-бетларгача.

31. Жафар Субҳоний, «*Рисаалатун ҳавла руъйати Аллаҳ субҳонаҳу*», яъни Аллоҳ Субҳонаҳу ва таолони кўриш ҳақидаги рисола, Ал-Имом Ас-Содиқ муассасаси нашриёти, Қум-Эрон, 1424-ҳижрий йил, 63 ва 64-бетлар.

зоҳирий кўз ила кўриш имкони билан жисмонийлик ўртасидаги боғлиқлик катъий, аниқ ва инкор этиб бўлмас ҳақиқат эканлигини биламиз.

Шайх Муҳаммад Абу Зухра ушбу масалани шарҳлар экан, Ибн Таймиянинг фикрини юмшоқ таъбир ва мулойимлик билан рад этиб шундай ёзади:

*«Бизнинг ақлимиз Аллоҳ томонга бармоқ билан ишора қилиб, Аллоҳнинг осмон ва Аршни эгаллаб уларнинг устида қудрати борлигига ишонишга, бир томондан ва бошқа томондан эса Унинг ҳар қандай жисмонийликдан ҳамда нарсаларга ўхшашиликдан пок ва муназзах эканлигига ишонишга қодир бўлмай, бу нарсаларни бир жойда ва биргаликда тушуна олмайди. Бундан ташқари, ушбу масалада таъвил қилиш, яъни бу борадаги каломни мажоз ёки киноя деб билиш, шубҳасиз, уни инсон онгига ва тушунишига яқинлаштиради ва бошқа томондан эса одамларга уларнинг кучи етмаган нарсаларни юклаб бўлмайди. Агар Ибн Таймиянинг ақл- идроки ҳиссий ишора қилиш билан бирор жой- маконда ўрнашмаслик ҳамда мутлақ танзеҳни бир жойда жамлай олган бўлса яхши, лекин одамларнинг ақл-идроки унинг ақл-идроки уфқининг кенглигига эга эмас, албатта, агар унинг айтганлари рост бўлса».*<sup>32</sup>

У яна айтади: «Агарчи улар ташбеҳни [яъни Аллоҳни бошқа мавжудотларга ўхшатишни] инкор қилиш учун саъй-ҳаракат қилсалар-да, лекин ундан қутула олмайдилар. Ибн Таймия бу баҳсдан бир аср ўтгач: Бу бир лафздаги иштирокдир, ҳақиқий ва маънавий иштирок эмас, деган. Агар улар Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилган «истиво»<sup>33</sup> сўзининг зоҳирий маъносини олсалар, унда ночор ҳолда Унинг учун Аршининг устида ўтириш ва жисмонийлик маъноси келиб чиқади ва агар улар мазкур сўзни сезги аъзолари идрок эта олмайдиган номоддий нарса деб тафсир қилсалар, дарвоқеъ, бу сўзни таъвил қилган бўладилар, ваҳоланки, улар бу ишдан қайтарилганлар ва ҳар икки ҳолатда улар илгаригиларнинг йўли бўлган тўхташлик ва эҳтиёт қилишликка қарши чиққан бўладилар».<sup>34</sup>

32. Шайх Муҳаммад Абу Зухра, «Ибн Таймия, унинг ҳаёти ва асри», 270-бет.

33. Қуръони Каримнинг бир неча оятларида истиво сўзи Аллоҳ таоло ҳақида ишлатилган. Мисол тариқасида:

﴿ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ﴾

«Сўнгра Аллоҳ Аршга ўтирди [унга эга бўлди]». (Раъд сураси, 2-оят)

34. Шайх Муҳаммад Абу Зухра, «Ибн Таймия, унинг ҳаёти ва асри», 272 ва 273-бетлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Аллоҳ таолони кўз билан кўришни инкор этувчининг бу ҳақда далил-исбот келтиришга ҳожати йўқ, чунки унинг сўзи асл-асосга мувофиқ бўлиб, бу асоснинг тўғрилиги ва шунингдек, қарши томоннинг ўз даъвосини исботлашга ожизлиги инкор этувчининг гапи тўғри эканлигини исботлаш учун етарлидир. Бу асл-асосни чуқурроқ изоҳлаш ва шунингдек, Ашъариянинг ожизлигини ошкор этиш учун бу ҳақда шундай дейиш мумкин: Кўз билан кўриш учун бўлган асосий қоида тўртта асосий элементга асосланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Кўз билан кўриш фақат кўриш ҳисси орқали амалга ошади. Албатта, бундай кўриш инсонлар ҳақида улар жисмоний бўлгани учун шундай бўлади, лекин Аллоҳ таоло Ўз банд ва махлуқотларини қай тарзда кўриши эса бошқа бир масала бўлиб, биз ундан огоҳ эмасмиз. Зероки, Аллоҳ таоло материядан юқорида бўлиб, унга муҳтож эмас ва шу боис, Унинг кўриш учун кўриш сезгисига эҳтиёжи йўқдир. Бизнинг суҳбатимиз инсоннинг кўриши ҳақида бўлиб, бу иш фақат кўз билан ва кўриш ҳисси орқали мумкин бўлади.

2. Кўз билан кўриш шундай бир ишдирки, агар унинг имкони бўлса, амалга ошиши албатта, зарур бўлади. Бунинг маъноси, агар бирор нарсани кўришнинг кўз учун имкони бўлса ва бунинг учун керакли шарт-шароитлар муҳайё бўлиб, ҳеч бир тўсиқ ҳам бўлмаса, у ҳолда кўз уни албатта кўради. Демак, кўз унинг олдида турган нарсаларни улар орасида ҳеч бир тўсиқ бўлмаган тақдирда кўрамаслигининг иложи йўқ. Бинобарин, агар Аллоҳ таоло ва моддий оламдан юқори турган бошқа номоддий мавжудотлар кўз билан кўриб бўладиган нарсалар қаторидан жой олганида эди, шак-шубҳасиз, уларни кўриш зарур ва қатъий бўларди ва на кўрувчи, на кўринадиган нарса унинг олдини ололмасди.

3. Кўриш мумкин бўлган ҳар бир нарсани ҳамма кўра олади ва шу боис, уни кўришни фақат бир тоифагагина хос деб билишга ҳеч бир асос йўқ. Демак, ҳар икки томон учун баробар ҳолда кўз билан кўришнинг шарт-шароитлари муҳайё бўлиши биланок, ушбу дарахтни Аҳмад кўради, лекин Амр уни кўрмайди, деб айтиш мумкин эмас.

4. Кўз билан кўриш мумкин бўлган нарса ҳамма вақт кўзга кўринади ва уни кўришни маълум бир вақтга хос деб билиш учун ҳеч қандай далил йўқ. Шундай экан, маълум бир дарахтни бугун кўз билан кўриб бўлмайди, эртага кўзга кўринади, деб айтишга ўрин йўқ, албатта, агар кўз билан кўришнинг шарт-шароитлари ҳар икки замонда бир хил ва баробар ҳолда мавжуд бўлса.

Булар кўз билан кўришнинг энг муҳим қоидалари ва тамойилларидир. Энди бизнинг муҳокамамизда ушбу тамойиллар нимани талаб қилишини кўришимиз керак:

Биринчи қоидага кўра, кўриш ҳисси ва сезгиси билан кўрилган нарса, албатта, сезиларли ва моддий бўлиши керак. Ҳолбуки, бу ҳолат Унинг жисм эмаслиги ҳақида ҳамма бир овоздан қабул қилган Вожибул-вужудга мувофиқ ва уйғун эмас.

Иккинчи қоидага кўра, агар Аллоҳ таолони кўз билан кўриш имкони бўлганида, биз Уни бирор бир қийинчиликсиз кўра олардик ва Уни кўришдан тийилишга қодир бўлмасдик. Аммо биз Худони кўзимиз билан кўра олмаганимиз учун, Худо кўз билан кўриш мумкин бўлмаган мавжудотлардандир.

Учинчи қоидага кўра, агар Аллоҳ таоло кўз билан кўриладиган бўлса, у ҳолда Уни мўминлар ҳам, кофирлар ҳам кўришлари шарт ва натижада Ашъария уламолари Аллоҳни кўришни фақат мўминларга хос деб билишларининг маъноси йўқ.

Тўртинчи қоидага кўра, агар Аллоҳ таоло кўз билан кўриш мумкин бўлган мажудотлардан бири бўлса, у ҳолда кўрувчи Уни хоҳлаган вақтда кўра олиши керак. Демак, Ашъария гуруҳи Худони кўришни фақат охират кунига хос деб билиши маъно ва маниққа эга эмасдир.

Аммо Ашъариянинг охиратдаги вазият бу дунё вазиятидан фарқли бўлади, деган даъвосини уч эҳтимол шаклида ўрганиб чиқиш лозим:

1. Ҳозирги борлиқ тузумининг асосларида шундай ўзгариш рўй берадики, бу дунёда имконсиз ва маҳол бўлган нарсалар охиратда мумкин бўлади ва мумкин бўлган нарсалар эса маҳол бўлиб қолади.
2. Борлиқ тузумининг бўлимлари ўртасидаги боғлиқликларда ўзгариш содир бўлади, яъни бу дунёда ўрнатилган алоқа ва боғлиқликлар охиратда барҳам топади. Масалан, олов ва иссиқлик ёки ширинлик ва шакар ўртасидаги боғлиқлик ўртадан кўтарилади.
3. Ўзгариш деганда борлиқ оламнинг ҳозирги даражадан мукамалроқ ва юқорироқ босқичга кўтарилиши тушунилади.

Булар суҳбатимизда тасаввур қилиниши мумкин бўлган эҳтимоллар бўлиб, Аллоҳ таолони кўриш масаласини ушбу эҳтимоллар доирасида кўриб чиқишимиз керак. Энди бу ерда шундай савол туғилади: Агар охиратда

Аллоҳни кўриш рўй бергудек бўлса, ушбу уч эҳтимолдан қайси бири рўёбга чиқади? Бошқа таъбир билан айтганда, Ашъариянинг қиёмат кунида Аллоҳ таолони кўз билан кайфиятсиз-ҳолатсиз ва йўналишсиз кўриш мумкин бўлади, деган ақидасига биноан, ушбу ўзгариш эҳтимолларининг қайси бири содир бўлади? Ашъария гуруҳининг ушбу ақидаси ҳақида фикр юритар эканмиз, олдин айтиб ўтганимиздек, бу ақида кўришнинг тўрт қондасига зид эканлигини ва агар бу ақида тўғри бўлса, у ҳолда ушбу қоидаларнинг охиратда бекор ва пуч бўлиши кераклигини тушунамиз. Бу қоидаларнинг бекор бўлиши эса учинчи эҳтимолга тўғри келмайди. Зеро, ушбу эҳтимолга кўра, борлиқ оламининг тузуми ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолиши билан биргаликда унинг камолотини оширадиган бошқа янги хусусиятларни ҳам касб этади.

Шунингдек, ушбу ақида борлиқ оламининг ҳақиқатлари орасидаги боғлиқликнинг барҳам топишини кўрсатувчи иккинчи эҳтимолга ҳам монанд эмас. Чунки, агар боғлиқликларнинг барҳам топиши моҳиятан маҳол ва имконсиз бўлса ёки маҳол нарсани талаб қилса, унда биринчи эҳтимолга қайтади ва агар моҳиятан мумкин бўлиб, бироқ маҳол ва имконсиз бўлган нарсани келтириб чиқарадиган бўлса, у ҳолда иккинчи эҳтимолга қайтади.

Агар оловнинг иссиқликдан ажралишини кўзга кўринишнинг жисмонийликдан ажралиши билан қиёсласак, бу иккиси ўртасида асосий фарқ борлигини кўрамиз. Оловнинг иссиқликдан ажралиши зотан ва табиатан мумкин бўлиб, ҳеч бир маҳол ва имконсиз нарсани юзага келтирмайди ва у фақат бу борлиқ оламининг қонунларидан бири бўлган иссиқлик билан олов ўртасидаги маълум бир алоқанининг бекор этилишини талаб қилади. Бу муайян алоқа ва боғлиқлик ҳазрати Иброҳим *(алайҳис салом)* учун ёқилган оловда амалда барҳам топди. Шунга биноан, ушбу қонуннинг бекор этилиши тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳолатдир, ваҳоланки, кўз билан кўришнинг жисмонийликдан ажралиши эса ақлга сиғмайдиган нарсадир ва Абу Зухранинг сўзларида келганидек, ақл уч бурчакли квадратни тасаввур қила олмаганидек, худди шундай кўз билан кўриш ила жисмонийликдан йироқ ва муназзаҳ бўлишни биргаликда ва бир вақтнинг ўзида тасаввур эта олмайди. Бундай номумкинлик ҳолати маҳол ишларда мавжуддир, мумкин бўлмаган ишларда эмас.

Бинобарин, кўз билан кўришни жисмонийликдан ажратиш биринчи эҳтимол туридаги ўзгаришни талаб қилади ва биринчи эҳтимол туридаги ўзгариш маҳол бўлгани учун ва маҳол нарса эса зотан ва табиатан имконсиз бўлгани боис, бундай нарса ҳақида келажакда амалга ошади, деб айтишнинг маъноси йўқ. Зероки, бундай сўздан сафсата ва беҳудалик юзага келади. Куръони Каримда

ҳам биринчи эҳтимолнинг охирада дунёдаги каби имконсиз ва маҳол эканлигига ишора қилиб шундай дейилади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَاسْتَكْبَرُوا عَنْهَا لَا تُفَتَّحُ لَهُمْ أَبْوَابُ السَّمَاءِ وَلَا يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ حَتَّى يَلِجَ الْجَمَلُ فِي سَمِّ الْخِيَاطِ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُجْرِمِينَ﴾

«Албатта, оятларимизни ёлгонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганларга осмон эшиклари очилмас ва улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмаслар. Жиноятчиларни мана шундай жазолаймиз». (Аъроф сураси, 40-оят)

Маҳол бўлган нарса ҳар доим маҳол ва имконсиздир ва уни муайян шарт-шароитлар билан чеклаб қўйишнинг маъноси йўқ. Чунки, бир нарсанинг маҳол ва имконсиз эканлигининг сабаби вақт масаласи ёки бажарувчининг кучидаги қусур ва нуқсонлик эмас, балки ўша нарсанинг зоти ва асл-асоси имконсиз эканлигидадир.

Юқоридаги тушунтиришлар билан ушбу эҳтимоллар орасидаги фарқ қуйидагича ойдинлашади:

**Биринчи эҳтимол** маҳол бўлиб, биз муҳокама қилаётган масала, яъни охирада Аллоҳ таолони кўз билан кўзиш масаласи шунга қайтади.

**Иккинчи эҳтимол** зотан ва табиатан мумкиндир, лекин у борлиқ оламнинг бузилиши ва тартибсизлигига олиб келади ва уни исботлаш учун эса далил керак. Ҳолбуки, бунга ҳеч қандай далил кўрсатиб бўлмайди.

**Учинчи эҳтимол:** Ақл ва шариат қабул қилган ва мумкин бўлган ҳолат бўлиб, ушбу эҳтимол борлиқ олам учун кўпроқ комиллик ва етуқлилики олиб келади.

Айтилганларга кўра, охирада содир бўладиган ўзгариш ва эволюция ё иккинчи эҳтимол турига ёки учинчи эҳтимол турига тегишли бўлиб, бу борада фақат нақлий далиллар қатъий ва яқуний фикрни баён эта олади. Айтиб ўтилганидек, нақлий далиллар учинчи эҳтимолни қўллаб-қувватлайди.

Қуръони Каримда айтилишича, қиёмат куни ғофил ва жоҳил қалблар жаҳолат ва ғафлат уйқусидан уйғонади, оловнинг ҳарорати кучаяди ҳамда жим ва сокин турган бадан аъзолари сўзлайди. Бу айний намуналар борлиқ оламининг охирада камолотнинг энг чўққисига етишига очик далилдир. Бундай масала албатта, ақл ва ҳикматга [доноликка] мос келади, аммо иккинчи эҳтимол эса ҳикматга зиддир. Учинчи эҳтимолга кўра, охирадаги юксак ҳақиқатлар

инсонларга тўлиқ намоён бўлади. Аллоҳ таоло бу борада марҳамат қилиб айтади:

﴿لَقَدْ كُنْتُمْ فِي غَفْلَةٍ مِّنْ هَذَا فَكَشَفْنَا عَنْكَ غِطَاءَكَ فَبَصَرُكَ الْيَوْمَ حَدِيدٌ﴾

[Қиёмат куни инсонга айтилади:] «Ҳақиқатдан ҳам, сен бундан гафлатда эдинг. Бас, Биз пардангни [кўзингдан] олиб ташладик ва бугун кўзинг ўткирдир». (Қоф сураси, 22-оят)

Мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)* бу ҳақда шундай деганлар:

﴿لَوْ كُشِفَ لِي الْغِطَاءُ مَا أَزِدْتُ يَقِينًا﴾

«Агар кўзимдан пардалар олинса-да, менинг ишончим сира ошмас».<sup>35</sup>

Шак-шубҳасиз, ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг қалбий қараш ва нигоҳлари ҳатто шу дунёда ҳам шу даражада ўткир ва кучли эдики, барча ғайбий ҳақиқатлар у зотнинг дил кўзгуси ва ёруғ қараши қаршисида ойдин ва равшан турарди, шу даражадаки, охиратдаги ишлар ва ҳолатларнинг ошкор бўлиши билан ҳам ул ҳазратнинг ишончига ҳеч нарса қўшилмайди. Бу ҳақиқат янги кўриш сезгиси орқали эмас, балки чуқур қалбий огоҳлик орқали очилади. Зероки, бу моддий кўз ғайб оламининг сир-асрорлари ва ҳақиқатларини идрок этишга қодир эмас ва ғайб олами эса материя даражасига тушмайди. Бундан ташқари, охират камолотининг тақозосига биноан, инсон юксакроқ ва комилроқ мартабага етади, шу даражадаки, инсониятга юқори даражали ғайбий ҳақиқатлар намоён бўлади, лекин материядан юқорида бўлган ғайб олами оддий кўз билан идрок этиладиган моддий дунё даражасига тушмайди.

Шунга биноан, охиратда содир бўладиган ва Ашъария гуруҳи даъво қилган хусусиятларга мос келадиган нарса – айнан қалб билан кўришдир. Ашъариянинг ақидасига кўра, Аллоҳни кўриш фақат мўминларга хос бўлиб, у ҳам бўлса, маълум бир вақтда, яъни охиратда рўй беради ва бу мўминга энг ёқимли қувонч ва завқ бағишлайди. Ва албатта, бундай кўриш бошқа бир сезги билан кайфиятсиз-ҳолатсиз ва йўналишсиз ҳолда содир бўлади. Ашъариянинг айтган ушбу хусусиятлари кўз билан кўришга эмас, қалб билан кўришга хосдир. Хўш, Ашъария гуруҳи Аллоҳ таолони кўз билан кўришга эътиқод қилиш учун қандай асос кўрсата олишади?

35. Ибн Шаҳр Ошуб, «Ал-Маноқиб», 2-жилд, 38-бет ва шунингдек, Шайх Муфид, «Иршодул-қулуб», 2-жилд, 14-бет.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Аллоҳ таолони қалб билан кўриш ақл ва нақлга [яъни Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларга] мувофиқдир. Ҳолбуки, кўз билан кўриш бир томондан маҳол ва имконсиз бўлиб, нотўғри ақлий натижаларга олиб келса, иккинчи томондан эса Аллоҳ таолони кўз билан кўришни бир ақида сифатида қабул қилиш учун нақлий далиллар ҳам уни тасдиқламайди. Агарда Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримда ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳадиси шарифларида ушбу ақидани тасдиқловчи бирор маълумот келган бўлса-да, бироқ биз бу ақидани қабул қила олмаймиз ва ўша маълумотларни қалб билан кўришга таъвил қилиш бу ақиданинг маҳол эканлиги муаммосига ҳамда нотўғри фикрий натижаларга дуч келгандан кўра ва Қуръоннинг Аллоҳни кўз билан кўришни ошкора инкор этувчи оятларига қарши чиқишдан кўра афзалроқдир. Шубҳасиз, Қуръони Карим ушбу ақидани қўллаб-қувватламайди, аксинча уни инкор этади ва биз баҳсимиз давомида бу ҳақда муфассал сўз юритамиз.

#### **Аллоҳ таолони кўз билан кўришни инкор этувчи оятлар:**

Ушбу масалада мезон ва меъёр ақлий далиллар эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Зероки, нақлий далиллар маҳол ва имконсиз нарсани баён қила олмайди, балки нақлий далиллар мумкин бўлган ишнинг баён эта олади, бироқ фақат ақл бир нарсанинг мумкин ёки номумкин эканлиги ҳақида ҳукм қила олади. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, агар ақл парадокс, яъни икки зид ва қарама-қарши нарсанинг бирлашиши маҳол ва имконсиз, деб ҳукм қилса, у ҳолда Қуръон ва Суннатда бундай икки нарсанинг бирлашиши мумкинлигини ифодаловчи бирор нарсани топишимиз мантиққа тўғри келмайди. Агарда бирор киши шундай нарсани Қуръон ва Суннатда бор, деса-да, унда биз Қуръон ва Суннатда назарда тутилган зоҳирий маънодан бошқа томонларни, масалан киноя, истиора ва мажоз кабиларни излашимиз керак бўлади.

#### **Бизнинг суҳбатимизга тааллуқли бўлган оятлар икки қисмдан иборат:**

1. Худони кўз билан кўриш маҳол эканлигини ошкора ифодаловчи оятлар.
2. Ташқи ва зоҳирий маъноси ушбу масаланинг ҳар икки томонини ифодаловчи муташобеҳ оятлар.

Лекин Ашъария тоифаси қанчалик уринмасинлар, ушбу муташобеҳ оятлар фақат уларнинг кўзлаган маъносигагина чекланган бўлиб, бошқа маънони буткул рад этганлигини исботлай олмайдилар. Биз Ашъария гуруҳининг далилларини ўрганиб чиқишнинг иккинчи босқичида, яъни Қуръоний далиллар қисмида ушбу муташобеҳ оятларни келтириб баҳс юритдик, лекин Аллоҳ

таолони кўз билан кўришни очикдан-очик инкор этувчи оятлар куйидагилардан иборат:

﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У латиф ва [ҳар нарсадан] хабардор зотдир». (Анъом сураси, 103-оят)

Сайид Абдулхусайн Шарафиддин бу оятни далил ва асос қилиб келтиришни яхши изоҳлаб, уни рад этиш учун айтилган сўзларга ҳам чиройли жавоб берган. Шунинг учун, бу олимнинг сўзларини бу ерда келтириш ўринлидир. У айтади:

«Кўз билан идрок этиш таъбири тилга олинганда, ундан фақат кўз билан кўриш тушунилади ва шунингдек, ушбу таъбир қулоқларга нисбатан ишлатилиб, мен уни қулогим билан идрок қилдим, дейилса, ундан фақат эшитиш тушунилади ва худди шу тарзда, идрок этиш таъбири сезгилардан бирига нисбат бериб ишлатилса, ўша ҳис ва сезгининг ўйнаган роли ва англаши маъносида бўлади. Шунга биноан, мен уни оғзим билан идрок қилдим, дейилса, маъноси: унинг таъмини татиб кўрдим дегани ёки уни бурним билан идрок этдим, дейилса, маъноси: унинг ҳидини ҳидладим дегани».

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло икки хусусият туфайли барча мавжудотлардан устун эканлиги баён қилинган. Зеро, тирик одамлар каби баъзи мавжудотлар ҳам кўрадилар ҳамда кўзга кўринадилар, жонсиз нарсалар ва кўзга кўринадиган аразлар [акседентлар] каби баъзи мавжудотларни кўз билан кўриб бўлади, лекин уларнинг ўзи кўрмайди, кўзга кўринмайдиган аразлар [акседентлар] каби баъзи мавжудотлар эса на кўради на кўзга кўринади. Аллоҳ таоло бу мавжудотларнинг ҳаммасини яратиб, уларнинг устидан ҳукмронлик ва устунликка эга ва Унинг Ўзи фақат кўрадиган, лекин кўзга кўринмайдиган ушбу хусусиятларга эга бўлиб, У Ўзини юқоридаги оятда бу икки хусусият билан мақтаган. Шунингдек, У Ўзини: «يُطْعَمُ وَلَا يُطْعَمُ» «У ризқи-рўз бериб таомлантиради, лекин таомлантирилмайди» ва «يُجْرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيْهِ» «У паноҳ беради, лекин Унга паноҳ берилмайди» деган иборалар билан мақтаган.

Ушбу оятнинг тафсирида буюк тафсирчи олим Айёший Самарқандий ривоят қилган ҳадисни келтириш кифоядир: Фазл ибн Саҳл Зур-раёсатайн саккизинчи пешвоимиз Имом Али ибн Мусо ар-Ризо (алайҳис салом)дан одамлар ихтилофга

борган Аллоҳни кўз билан кўриш масаласи ҳақида сўради. Имом унинг саволига жавобан дедилар: «Ким Аллоҳни У Ўзи учун баён қилган сифатларига зид бўлган хусусиятлар билан тилга олса, Аллоҳга катта ёлгон нисбат берибди». Сўнгра Имом ушбу оятни:

﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этур. У латиф ва [ҳар нарсадан] хабардор зотдир» ўқиб сўзларини шундай давом эттирдилар:

«Ўй-хаёллар Унга ета олмайди ва Унинг қандайлигини [ҳолатини] идрок эта олмайди, яъни англай олмайди».

Аҳли суннатнинг буюк тафсирчи ва илоҳиётчи олими Фахриддин Ар-Розий Анъом сурасидаги ушбу оятнинг тафсирида ғалати бир гапни айтган. Унинг фикрича, Ашъария тоифаси Аллоҳни кўриш мумкинлигини ва мўминлар Уни қиёмат куни кўз билан кўришларини исботлаш учун ушбу оятни далил қилиб келтиришган. У ўзининг узун, тушунарсиз, такаллуфли ва мураккаб нутқида ушбу оятни далил қилиб келтиришнинг тўрт жиҳатини Ашъарийлар сўзидан келтирган. Ким унинг бу сўзининг нотўғрилиги ҳамда бўш ва бемаънилигини билмоқчи бўлса, унинг гапларига мурожаат қилиши керак. Биз бу ерда ушбу тўрт жиҳатнинг қисқача мазмуни келтирамыз:

**Биринчи жиҳат:** Аллоҳ таоло ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ оятида Ўзини мақтаган ва Аллоҳ таолони кўз билан кўриш мумкин бўлган тақдирдагина ушбу мақтов ўринли ва муносиб бўлади, яъни Аллоҳ таоло кўзга кўриниши мумкинлиги билан ҳамда Ўзининг хайратланарли қудрати билан одамларни Ундан қайтарган ва бундай куч-қудрат мақтовга сазовордир. Лекин агар Худони кўз билан кўриш ўз-ўзидан имконсиз ва маҳол бўлса эди, мақтовга ўрин бўлмасди, аксинча бундай мақтов номаъкул бўлиб, ҳикматли Зот бўлмиш Аллоҳга ярашмасди. Зероки, Худонинг кўзга кўринмаслиги йўқ нарса, таъм, ҳид, ирода ва қудратнинг кўринмаслигига ўхшаш бўлиб, агарчи бундай нарсаларни кўз билан кўриб бўлмаса-да, лекин ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ оятини улар учун мақтов деб ҳисоблаб бўлмайди. Демак, ушбу ояти карима Аллоҳни кўз билан кўриш зотан мумкинлигини баён қилади.

**Бунга жавобан айтамыз:** Кўриниб турибдики, ушбу оятдаги мақтов фақат ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ ибораси билан ифодаланмай, балки оятда зикр қилинган ҳар икки

хусусият биргаликда мақтовни ифодалайди. Аллоҳ таоло бу икки хусусиятга эга бўлиши натижасида барча махлуқотларидан устун бўлиб, бу устунлиги билан Ўзини мақташга лойиқдир. Аллоҳни кўз билан кўришнинг имкони йўқлигига оятнинг далолат қилишини изоҳлаганда ҳам бу фикрни баён қилдик.

Бундан ташқари, Аллоҳ таолонинг буюклиги ва жалолу-азаматини ихота қилишнинг имкони йўқлиги ва мавжудотлар Унинг зотини идрок этиш ва англашдан ожиз эканлиги учун Уни кўз билан кўриб бўлмасликнинг ўзи мақдовга сабаб бўлиб, Ўзини мақташ манбаидир. Бинобарин, Ҳай-Тирик ва Қаййум-доим Турувчи Зот бўлмиш Аллоҳни йўқ нарса ва шунга ўхшашлар билан таққослаш ноўрин ва номуносиб қиёслаш бўлиб, Аллоҳ таоло бундан пок ва муназзаҳдир. Фахриддин Ар-Розий ва унинг тарафдорлари бу ингичка масаладан хабардорлар.

Куйидаги ояти карима ҳам сўзимизнинг далилидир:

﴿وَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُنْ لَهُ شَرِيكٌ فِي الْمُلْكِ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ وِليٌّ مِنَ الدُّلَىٰ ۗ وَكَبِّرْهُ تَكْبِيرًا﴾

*«Ҳамду мақтов фарзанд тутмаган, ҳукмронликда шериги бўлмаган ва хорлик юзасидан Унга ёрдамчи бўлмаган Аллоҳ учундир, дегин. Ва Уни мудом улуғлагин».* (Исро сураси, 111-оят)

Ушбу маънодаги оятлар ва ҳадислар Фахриддин Ар-Розийнинг юқоридаги гапини ошқора рад этади. Негаки ушбу оятдаги ҳамду мақтов фарзанди бўлмаслик, ҳукмронликда шериги бўлмаслик ва хорлик юзасидан дўст-ёрдамчига зор бўлмасликка асосланган. Бу айтилганларнинг барчаси Аллоҳ таоло учун зотан маҳол ва имконсиз эканлигини эътиборга олиб, Фахри Розий бу ҳамду мақтовни ўринсиз ва маъносиз деб айта оладими? Ёки у фарзанд, шерик ва дўстга эга бўлишни Аллоҳ таоло учун зотан ва табиатан мумкин деб биладими?! Йўқ, у ҳеч қачон бу икки нарса ҳақида сўз очмайди ҳам.

**Иккинчи жиҳат:** Аллоҳ таоло Ўзини идрок этади, чунки ояти каримада айтилишига биноан: ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас», ушбу оятнинг маъно-мазмунидан Аллоҳ таоло Ўзини кўриши мумкин бўлиб, шунга биноан, мўминлар ҳам қиёмат кунида албатта, Аллоҳни кўрадилар, деган хулоса келиб чиқади. Зероки, мусулмонлар бу масалада икки тоифага бўлинган бўлиб, учинчи тоифа мавжуд эмас: Бир тоифа мусулмонлар Худони кўз билан кўриш мумкинлигига ва қиёмат кунида мўминлар Аллоҳнинг жамолини кўришларига эътиқод қилишади. Иккинчи тоифа мусулмонлар эса Аллоҳни ҳеч ким кўра олмайди ва Уни кўз билан кўриш номумкин ва маҳол, деб эътиқод

қилишади. Ҳеч ким «Аллоҳни кўриш ўз-ўзидан мумкиндир, лекин Аллоҳ зотининг ҳақиқатини Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким англай олмайди», деб айтмаган. Шунинг учун, ушбу ақида мураккаб, яъни бирлашган ижмога кўра кўра ботилдир.

**Бунга жавобан айтиш керакки:** Фахр Розий ушбу билдирган фикрида асл масаладан буткул четга чиқиб кетган. Негаки асл масала шундаки, Аллоҳдан ўзга бирор ким Аллоҳ зотининг ҳақиқатини англай оладими ёки йўқми? Аллоҳ таоло Ўз зотининг ҳақиқатини англаб етиши ҳақида ҳеч ким шак-шубҳага бормаган. Ҳеч бир мусулмон ва шунингдек, бошқа динларга эътиқод қилувчиларнинг ҳеч бири Аллоҳ таоло Ўз зотининг ҳақиқатини идрок этиши маҳолдир, деган ақидага ёндашмайди, балки Таврот, Инжил ва Қуръони Каримга эргашувчи барча инсонлар ﴿وَسِعَ كُلُّ شَيْءٍ عِلْمًا﴾ «У барча нарсани ўз илми билан қамраб олгандир» (Тоҳо сураси, 98-оят) деган тушунчага бир овоздан қўшиладилар ва ушбу масала ойдин бўлиб, унга далил-исбот келтиришга ҳожат ҳам йўқ. Шунга қарамай, Фахриддин Ар-Розий Аллоҳ таолони кўз билан кўриш мумкинлигини исботлаш учун ушбу оятни: ﴿وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ﴾ «У кўзларни идрок этур» далил қилиб келтирган. Аммо бундай далил келтириш хато ва нотўғридир. Чунки, ушбу оятдаги «أَبْصَارَ» яъни “кўзлар” сўзи Аллоҳ таолодан қайтарилиб, кўз эгалари бўлган мавжудотларга қаратилган. Зеро, ушбу оятда ошқора айтилишича, Аллоҳ идрок этадиган кўзлардан оятнинг биринчи қисмида келган ва Худони идрок этолмайдиган кўзлар назарда тутилган. Ушбу ояти каримадан биринчи бўлиб инсон фикрига келадиган нарса айнан шу тушунча бўлиб, бундай тушунча Фахр Розийнинг илму-идрокидан яширин эмас, лекин барибир у бу борада шак-шубҳа туғдирмоқчи бўлган. Акс ҳолда мураккаб ижмо қаерда-ю ушбу оятнинг: ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этур» маъно-мазмунни қаерда? Ва «кўз эгалари бўлган кўрувчиларнинг ҳеч бири Аллоҳни кўра олмаслар ва Аллоҳ эса уларнинг ҳаммасини идрок этади», деган маънони баён қилиш учун, хоҳ арабча бўлсин ёки бошқа тилда, бу оятдан ҳам аниқроқ ва тушунарлироқ қандай таъбир ва сўз келтириш мумкин?

Бундан ташқари, бу ердаги ижмо, қабул қилинган деб фараз қилсак-да, мураккаб бўладими ёки басийтми [оддийми], далил бўла олмайди. Ва албатта, Фахр Розий ҳам бу масаладан хабардор бўлса ажаб эмас.

**Учинчи жиҳат:** «أَبْصَارُ» сўзи кўплик бўлиб, оятда унинг бошида Алиф-Лом келган ва Алиф-Лом билан келган кўплик сўз эса умумийлик ва қамраб олиш маъносини англатади. Бинобарин, оятдаги ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас» жумласининг маъноси: «Ҳамма кўзлар ҳам Уни кўра олмас», дегани. Яъни умумий ҳолдаги кўзларни эътиборга олиб умум кўзлар учун Худони кўриш имкони инкор қилинган ва умум кўзлар учун Аллоҳни кўриш инкор этилганидан эса баъзи кўзлар учун Худони кўришнинг исботланиши тушунилади. Масалан, ҳамма одамлар Зайдни урдилар, десак, баъзи одамлар уни урди, деган маънода бўлади. Худди шундай ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас» оятининг маъноси: Ҳамма кўзлар Уни кўра олмайди, лекин баъзи кўзлар албатта, Уни кўради, дегани.

**Бунга жавобан айтамыз:** Бу оятда келган инкор умумий инкор маъносини англатади, умумийликни инкор этиш эмас. Зероки оятнинг умумийлиги ва кенг қамровлигидан араб тилида инсонг фикрига келадиган илк нарса умумий инкордир. ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ ояти ушбу жумла ва таъбирларга ўхшайди:

«لَا تَشْتَبِهْ عَلَيْهِ الْأَصْوَاتُ وَاللُّغَاتُ»

«Овозлар ва тиллар Унга аралашиб кетмайди».

«وَلَا تَغْشَاهُ الظُّلُمَاتُ وَالسِّنَاتُ»

«Зулматлар ва уйқулар Уни қамраб олмайди».

«وَلَا يُرِيهِ الْمَلْحُونُ عَلَيْهِ بِالْحَاجَاتِ وَالطَّلَبَاتِ»

«Одамлар ўз ҳожат ва талаблари амалга ошиши учун оёқ тираб олишлари Уни толиқтирмайди» ва шуларга ўхшаш сон-саноксиз мисолларда инкор умумий бўлиб келган ва инкор контекстида қарор топган Алиф-Ломга эга кўплик сўзи ифодаловчи барча кишиларни ўз ичига қамраб олади. Ва шунингдек, қуйидаги намуналарда:

﴿وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ﴾

«Аллоҳ фасод қилувчиларни яхши кўрмайди». (Моида сураси, 64-оят)

«لَا يَكْرَهُ الْمُصْلِحِينَ»

«У ислоҳ қилувчиларни ёмон кўрмайди».

«لا يَنْسَى مِنْ فَضْلِهِ الْمُحْسِنِينَ»

«У ўз фазлу-марҳаматидан яхшилик қилувчиларни унутмайди» ва бошқа мисолларда худди шунга ўхшаш услубда баён қилинган.

**Тўртинчи жиҳат:** Аллоҳ таолони кўз билан кўриб бўлмайди, балки Аллоҳ таоло қиёмат кунида яратадиган олтинчи ҳис этувчи сезги билан кўзга кўринади ва ушбу ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ ояти шу маънони ифодалайди. Зеро, ушбу оятда Аллоҳни идрок этишнинг инкор қилиниши кўзларга хос деб айтилгани ва бир ҳукми бирор нарсага хос этиб айтилиши бошқа нарсалардаги вазият ўша ҳукмга зид эканлигидан далолатдир. Бинобарин, Аллоҳни кўздан бошқа сезги билан кўриш мумкин бўлиши керак ва бу дунёдаги бор бўлган сезгилар билан Аллоҳни кўриб бўлмагани учун Аллоҳ таоло олтинчи сезгини яратиши ва у билан Аллоҳни кўриш амалга ошиши исботланади. Кейин Фахриддин Ар-Розий сўзини давом эттириб айтади: Мўминлар қиёмат кунида Аллоҳни кўришларини исботлаш учун ушбу оятдан олинган мана шу тўрт жиҳатни асос қилиб келтириш мумкин...

Имом Фахриддин Ар-Розий тўртинчи жиҳатни баён қиларкан, бизнинг қарашимизни қабул қилиб, Аллоҳ таолони кўз билан кўриб бўлмайди ва бу дунёдаги бошқа сезги аъзолар ҳам бу иш учун муносиб эмас, деб очиқ айтган. У ушбу ҳақиқатни тўғри эътироф этиб, уни қатъий қабул қилинганлардан деб билган ва ўзи ҳам ишонч билан уни қабул қилган ва шу тариқа ўзининг аввалги уч жиҳатда барпо этган ҳамма нарсасини бузиб ташлаб, ўша уч жиҳат сохта ва ҳақиқатдан йироқ эканлигини эътироф этган. Аммо Аллоҳ таоло қиёматда олтинчи сезги билан кўринади, деган иддао эса бизнинг суҳбатимиз мавзусидан ташқарида бўлиб, бундай иддаога ҳеч бир далил йўқлигига қўшимча, Фахр Розий бу гапни ўзидан тўқиб айтганки: ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас» оятининг далолат қилишича, Аллоҳни идрок этишнинг инкор қилиниши кўзларга хос деб айтилгани ва бир ҳукми бирор нарсага хос этиб айтилиши бошқа нарсалардаги вазият ўша ҳукмга зид эканлигидан далолатдир.

Бу асосиз далилнинг пучлиги очиқ-ойдиндир. Зероки, ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ оятида бундай хос этиб айтилган ҳукмнинг ўзи йўқ ва худди шунга ўхшаш бошқа таъбирларда ҳам жумладан:

«ما كلمته بفي»

«Мен мен унга оғзим билан гапирмадим».

«ولا شمت عرفه بأنفي»

«Мен унинг атирини бурним билан ҳидламадим».

«ولا وطأت برجلي أرضه»

«Унинг ерини оёғим билан босмадим» бирор бир хос этиб айтилган ҳукм йўқ. Демак, «унинг ерини оёғим билан босмадим» деган гапнинг маъноси оёқсиз унинг ерига кирдим, дегани эмас. Худди шундай ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ ояти Аллоҳнинг кўздан бошқа бир сезги билан кўрилишига далолат қилмайди. Аллоҳга қасамки, Имом Фахр Розий қандай ҳам фалсафа тўқишларга берилиб, уларни ўзича кўтариб чиққан?! Ҳолбуки, Фахр Розий ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этур» оятининг ошкора баёнидан араб тили аҳлининг фикрига келадиган маънодан жуда йироқ бўлиб, гўё у араб тилидан анча узоқлашган кўринади. У Қуръони Карим оятларининг зоҳир ва очиқ-ойдин маъноларини ўзининг фалсафа ва тушунчаларига зид бўлган ҳолларда уларни далил деб билмайди. У ўзининг имомлик кадр-қимматини бундай нарсалардан юқори деб билса эди, нақадар чиройли бўларди.

### **Аллоҳ таолони мутлақо кўз билан кўриб бўлмасликни баён қилувчи иккинчи оят:**

﴿يَوْمَنَدِّ لَا تَنْفَعُ الشَّفَاعَةُ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ الرَّحْمَنُ وَرَضِيَ لَهُ قَوْلًا \* يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ عِلْمًا﴾.

«У кунда [ҳеч кимнинг] шафоати фойда бермас, фақат Раҳмон унга рухсат берган ва [бошқаларга шафоат қилиш ҳақида] унинг сўзидан рози бўлган кишининг шафоатигина фойда берур. У Зот уларнинг олдиларидаги нарсаларни ҳам, ортларидаги нарсаларни ҳам билур. Улар эса У Зотни илм ила иҳота қила олмаслар». (Тоҳо сураси, 109 ва 110-оятлар)

Ушбу оятнинг хусусияти шундаки, унда охират ҳақида сўз юритилган, яъни Ашъарияларнинг мўминлар охиратда оламлар Парвардигорини кўзлари билан кўрадилар, деб қилган даъвосининг ўша замон шароитлари ҳақида сўз борган. Гўёки ушбу ояти карима Ашъария тоифасининг ақидасини очиқ ва ошкора рад этиб, Аллоҳ таоло Ўз яратганларининг зоҳирий ва яширин ҳолатларидан хабардор эканлигини ва уларни ҳар томонлама қамраб олганини, лекин Аллоҳ таолонинг ўша адолатли ва улкан маҳкамасида ҳозир бўлиб, Парвардигори

оламнинг муқаддас ҳузурида турадиган махлуқотларнинг ҳеч бири бу адолатли ҳукм қилувчи Зотни илм ва танимоқ ила ихота қила олмасликларини, яъни қамраб ололмасликларини айтган, агарчи ҳукм қилувчи ҳам, маҳкум ҳам [яъни ҳукм қилинувчи ҳам] ўша маҳкамада ҳозир бўлсалар-да.

Юқоридаги оятнинг ﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ عِلْمًا﴾ «Улар эса У Зотни илм ила ихота қила олмаслар, яъни қамраб ололмаслар», деган ушбу ибораси қиёмат кунида Аллоҳ таолони кўз билан кўришни инкор этиш учун айтилиши мумкин бўлган энг нозик ва энг аниқ таъбирдир. Агар бу оятдаги ушбу баён ва таъбир қиёмат кунида Аллоҳ таолони кўз билан кўришни инкор қилишга далил бўлмаса, бас унда қайси баён ва таъбир бунга далил бўла олади? Кўз билан кўришнинг маъноси кўрувчи кўринадиган нарсага нисбатан билимга эга бўлиши демакдир ва натижада кўринадиган нарса кўрувчига ҳиссий нуқтаи назардан маълум бўлади. Юқоридаги ояти карима эса Аллоҳ таолога нисбатан бундай илм ҳосил қилишни қатъиян инкор этади ва шу йўсинда Худони қиёмат куни кўз билан кўришни рад этади.

**Аллоҳ таолони мутлақо кўз билан кўриб бўлмасликни баён қилувчи  
учинчи оят:**

﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ يَا قَوْمِ إِنَّكُمْ ظَلَمْتُمْ أَنفُسَكُمْ بِاتِّخَاذِكُمُ الْعِجْلِ فَتُوبُوا إِلَىٰ بَارئِكُمْ فَاقْتُلُوا أَنفُسَكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ عِنْدَ بَارئِكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ ۗ إِنَّهُ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ \* وَإِذْ قُلْتُمْ يَا مُوسَىٰ لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَى اللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْكُمُ الصَّاعِقَةُ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ﴾

«Ва Мусонинг ўз қавмига: «Эй қавмим, шубҳасиз, сизлар бузоққа сизинишингиз билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди Яратувчингиз томон қайтингиз [Унга тавба қилингиз] ва ўзингизни ўлдиридингиз [тавба қилиб, нафсингизни машаққатли ишларга ундаш билан нафсингизнинг ҳою-ҳавасини ўлдиридингиз ёки бузоққа сизинмаган гуноҳсизларингиз бузоққа сизиниш билан яккахудолик динидан юз ўгирганларингизни ўлдиришсин]. Бу ишингиз Яратувчингиз наздида сизлар учун яхшироқдир», деган вақтни эсланг. Шунда [Аллоҳ таоло] тавбангизни қабул қилди. Зероки, У жуда кўп тавбаларни қабул қилувчи, раҳмлидир». Ва «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-ойдин кўрмагунимизча сенга асло имон келтирмаймиз», деганингиз замонни эслангиз. Шунда сизларни ўзингиз қараб турган ҳолингизда чақмоқ урди [ва сизларни ҳалок қилди]». (Бақара сураси, 54 ва 55-оят)

Бу борада сўз юритганлардан Саййид Абдулҳусайн Шарафиддин *(рахматуллоҳи алайҳи)* ушбу икки оятнинг асл масалага далолат қилиши ва маъно-мазмунини чиройли тарзда баён қилиб, бу борада билдирилган эътирозларга яхши жавоб берганлар. Шунинг учун, бу ерда у олимнинг сўзларини келтириш ўринлидир:

«Бу икки ояти карима бир-бирига боғлиқ бўлгани учун у иккаласини бирга келтирдик ва агарчи биз кўзлаган масалага, яъни Аллоҳ таолони кўз билан кўриб бўлмасликка иккинчи оят далил бўлса-да, лекин биз биринчи оятни ҳам келтирдик. Зероки, биринчи оят иккинчи оятни далил ва асос қилиб келтиришни ойдинлаштиради, ушбу тартибдаки, биринчи оятда бузоқни ўзларига илоҳ қилиб олиб унга сизинганлар бир-бирларини ўлдириш билан жазоланишлари кераклиги, иккинчи оятда эса Аллоҳни кўз билан кўришни очиқдан-очиқ талаб қилганларнинг жазоси, улар қараб турган ҳолларида уларни чақмоқ уриб нобуд қилиниш эканлиги ошкора айтилган. Юқорида келган икки оятдаги шу баёнотнинг ўзи бу икки жиноят, яъни бузоққа сизиниш ва Аллоҳни кўз билан кўришни талаб қилиш куфр жиҳатидан тенг эканлигини исботлаб, бу ҳақда бизга ишонч бағишлайди. Чунки, улар адолатли ҳукмдор бўлган Аллоҳ таоло томонидан уларга берилган жазо жиҳатидан тенг ва баравар эдилар. Бу мавзу Аллоҳ таолони кўз билан кўриш маҳол ва имконсиз эканлиги ва Аллоҳнинг жамолини кўриш мумкинлигига иношувчиларни рад этиш зарурлиги учун энг кучли ва энг аниқ далилдир. Агар Аллоҳни кўз билан кўриш маҳол ва номумкин эканлиги ҳақида ҳужжат ва асос қатъий тарзда баён этилгач, яна айримлар ўжарлик ва қайсарлик юзасидан ўша ботил ақидаларида қаттиқ туриб олишса, ушбу айтилган далилга асосан уларнинг куфри муқаррардир. Ҳазрат Мусо *(алайҳис салом)* қавмининг бошига бало ва азоб келганидек:

Бани Исроил қавми ҳазрат Мусо *(алайҳис салом)*дан Аллоҳни кўз билан кўришни сўрашганда, у зот уларга бунинг имкони йўқлигини айтдилар, лекин улар ўз истакларининг амалга ошишини сўраб, бўйин товлашда қатъий туриб олишди. Ҳазрат Мусо *(алайҳис салом)* уларга Аллоҳни кўз билан кўриш Унинг жой-маконга эга эканлигини, бирор кайфият-ҳолатни қабул қилишини ва Унга ишора қилиш мумкинлигини талаб қилишини, ваҳоланки, Аллоҳ таоло бу нарсалардан пок ва муназзаҳ эканлигини билдирдилар. Шунингдек, ул ҳазрат

кимда-ким Аллоҳ таолони кўз билан кўришни мумкин деб билса, Уни танимаганлигини, Уни жисм ва жисмонийлар қаторида кўрганлигини айтиб тушунтирдилар. Бироқ улар қайсарлик ва ўжарлик юзасидан итоатсизлик қилиб, ўз истаклари амалга ошишида қаттиқ оёқ тираб олишиди ва шу тариқа улар Сомирий бузоқига сизинувчиларга ўхшаб қолишиди. Ва шунинг учун ҳам улар Аллоҳнинг амри билан бир-бирларини ўлдирганларидек, Аллоҳнинг амри билан уларни чақмоқ уриб нобуд қилди. Негаки уларнинг ҳар иккала жинояти тенг эди. Булар мен ушбу икки оятдан Аллоҳ таолони кўз билан кўришнинг маҳол ва имконсиз эканлигига далил келтиришни изоҳлаш учун қўлга киритган масалаларим эди».<sup>36</sup>

Бундан ташқари, Аллоҳни кўз билан кўришнинг маҳол ва имконсиз эканлигининг яна бир далили шуки, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда қаерда Аллоҳни кўз билан кўришни талаб қилиш ҳақида сўз очса, уни хавфли ва даҳшатли нарса деб атаган. Бу борада қуйидаги оятни кўздан кечирамиз:

﴿يَسْأَلُكَ أَهْلُ الْكِتَابِ أَنْ تُنَزِّلَ عَلَيْهِمْ كِتَابًا مِنَ السَّمَاءِ ۚ فَقَدْ سَأَلُوا مُوسَىٰ أَكْبَرَ مِنْ ذَلِكَ فَقَالُوا أَرِنَا اللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْهُمُ الصَّاعِقَةُ بِظُلْمِهِمْ﴾

«Аҳли китоблар сендан уларга осмондан [дарҳол] бир китоб туширишингни сўрайдилар. Албатта, улар Мусодан бундан ҳам каттароқ нарсани сўраган эдилар: «Бизга Аллоҳни ошкора кўрсат», дейишганди. Шунда зулмлари туфайли уларни чақмоқ урди». (Нисо сураси, 153-оят)

Аллоҳ таоло уларнинг бу сўровини зулм деб атаб, уларни дарҳол чақмоқ уриши билан жазолади ва шунингдек қуйидаги оятда ҳам бу борада шундай дейилган:

﴿وَقَالَ الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَاءَنَا لَوْلَا أُنزِلَ عَلَيْنَا الْمَلَائِكَةُ أَوْ نَرَىٰ رَبَّنَا ۗ لَقَدْ اسْتَكْبَرُوا فِي أَنفُسِهِمْ وَعَتَوْا عُتُوًا كَبِيرًا﴾

«Биз билан учрашишни умид қилмайдиганлар: «Нега фаришталар бизга тушмади ёки Парвардигоримизни [ўз кўзимиз билан] кўрмаймиз?», дедилар. Дарҳақиқат, улар ўзларидан кетдилар ва катта тугён-ла бўйин товладилар». (Фурқон сураси, 21-оят)

36. Саййид Абдулхусайн Шарафиддин «Калиматун ҳавлар-руғъйаҳ», яъни кўриш ҳақидаги сўз китоби, Нажаф чоппи, 20-бет.

Агар Аллоҳни кўз билан кўриш мумкин бўлса эди, уни сўраш итоатсизлик, ўзидан кетиш ва катта туғён ила бўйин товлаш ҳисобланмасди, айниқса, Аллоҳ таолони кўришга ишонадиганлар айтганидек, Аллоҳни кўз билан кўриш Аллоҳ таоло бандаларига ато этадиган энг улкан ва энг лаззатли неъмат бўладиган бўлса. Мўътазиланинг йирик олимларидан баъзилари Аллоҳ таолони кўз билан кўриш маҳол ва номумкин эканлигини исботлаш учун шундай далил келтирганлар: Агар Худони кўз билан кўриш мумкин бўлса эди, бу ишни ҳазрат Мусо (а.с)дан талаб қилганлар у ҳазратга қуйидаги гапларни айтган кишилардек бўлардилар:

﴿وَإِذْ قُلْتُمْ يَا مُوسَىٰ لَنْ نَصْبِرَ عَلَىٰ طَعَامٍ وَاحِدٍ فَادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُخْرِجْ لَنَا مِمَّا تُنْبِئُ الْأَرْضُ مِنْ بَقْلِهَا وَقِثَّائِهَا وَفُومِهَا وَعَدَسِهَا وَنَصَبِهَا﴾  
قَالَ أَتَسْتَبْدِلُونَ الَّذِي هُوَ أَدْنَىٰ بِالَّذِي هُوَ خَيْرٌ ﴿﴾

«Эй Мусо, бир хил таомга сира сабр қила олмаймиз, демак, биз учун Парвардигорингдан илтижо қилиб сўра, токи, бизларга ер [ўзидан] ундирадиган нарсалар; сабзавот, бодринг, саримсоқ, мош, пиёзлардан чиқариб берсин», деган вақтингизни эсланглар. Мусо: «Яхшироқ нарсани пастроқ нарсага алиштирмоқчимисиз?», деди». (Бақара сураси, 61-оят)

Яҳудийларнинг бу талаби учун уларни на чақмоқ урди, на ҳатто ундан ҳам пастроқ азоб уларнинг бошига ёғилди, аксинча уларнинг ушбу талабида ҳеч қандай муаммо йўқ эди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Аллоҳ таолони кўз билан кўришни катта ва хавфли нарса деб билиб, уни рад этиш ва уни талаб қилганларга чақмоқ юбориш ақлнинг Аллоҳ таолони кўз билан кўриш маҳол ва номумкин эканлиги ҳақидаги ҳукмини тасдиқлайди.

Фахриддин Ар-Розий ушбу далилларни ўзича рад этаркан, шундай бир жавоб берганки, ўзининг шаън-ҳурматини бундай жавоб беришдан устун кўрса яхшироқ бўларди. Унинг айтишича, бу масалаларга бир неча жиҳатдан жавоб бериш мумкин эмиш: **Биринчидан**; Аллоҳни кўз билан кўриш фақат охиратда амалга ошади ва шунга кўра, Аллоҳни кўз билан кўришни бу дунёда талаб қилиш қабоҳатли, хунук ва маломатлашга арзийдиган ишдир.

**Бу жавобнинг радияси:** Агарда Ашъариялар Фахр Розийнинг Аллоҳни кўриш фақат охиратда амалга ошиши ҳақидаги сўзини қабул қилишса-да, лекин бу ишнинг дунёда амалга ошишини сўраш койишга лойиқ эканини қабул қилмайдилар, аксинча Ашъария гуруҳининг нуктаи назаридан уни бу дунёда сўраш фақат жаҳолат ва нодонлик бўлиб, натижада зулм, кибр ва туғён ила бўйин товлаш деб аташга сабаб бўладиган ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди. Ва

шунингдек, чакмоқ уриши билан жазолашга ёки бошқа ҳар қандай азобга сабаб бўлмайди.

**Иккинчидан;** Аллоҳ таолонинг ҳукми шундан иборатки, банда Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўрганда, унинг зиммасидан вазифа кўтарилади. Шунга биноан, Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўришни талаб этмоқлик аслида вазифанинг ўртадан кўтарилишини сўрашдир.

**Бу жавобнинг радияси:** Бу ҳукм Қуръоннинг қайси оятида ёки Суннати Набавиянинг қайси қисмида келган ва бу ҳақда ким хабар берган? Бундай гаплар бузиб кўрсатиш ва сохталаштиришдан бошқа нарса бўла оладими?

**Учинчидан;** Пайғамбарликни даъво қилувчи ҳазрат Мусо *(алайҳис салом)*нинг тўғри сўз ва ростлигига тўлиқ ва етарли белгилар мавжуд бўлгани учун, яҳудийларнинг Аллоҳни кўз билан кўриш сингари кўпроқ оят-белгиларни сўраши нодуруст, ўжарлик ва сурбетлик ҳисобланиб, улар койилиш ва қаттиққўллик қилинишга лойиқ эдилар.

**Бу жавобнинг радияси:** Бу гап тўғри, лекин Фахр Розийга ўхшаган шахсларга сир эмаски, қаттиққўллик билан муомала қилиш, чакмоқ уриши ва шиддатли азоб тушиши каби ишлар фақат қайсарлик учунгина эмас, балки ўжарлик ҳамда маҳол ва номумкин бўлган нарсани талаб қилиш (ҳар иккала иш) туфайли эди ва юқоридаги оятларни инсоф билан фаҳмлаш мана шундай маънони талаб этади.

Ва Нисо сурасининг 153-оятида айтиб ўтганимиздек, аҳли китоб пайғамбаримиз Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан уларга осмондан бир китоб туширишни сўрашди ва аҳли китобнинг бу талаби улардаги ўжарлик белги-нишонаси бўлса-да, бироқ чакмоқ уларни урмади, фақат Сарвари олам уларнинг шиддатли жаҳолати ва аҳмоқликлари туфайли улардан юз ўгирдилар. У зот қуйидаги ояти каримага:

﴿وَأَعْرَضَ عَنِ الْجَاهِلِينَ﴾

«Ва жоҳиллардан юз ўгир» (Аъроф сураси, 199-оят) амал қилиш учун Қурайшнинг ўжар мушриклари билан ҳам худди шундай муносабатда бўлганлар. Агар ҳазрат Мусо *(алайҳис салом)* қавми уларга етарли далиллар келтирилганидан кейин ақл нуқтаи назаридан маҳол ва имконсиз бўлган нарсани сўрамаганида, уларни ўзлари йўл қўйган зулм туфайли чакмоқ уриб ҳалок қилмаган бўларди.

**Тўртинчидан;** «Агар биз одамлар бу дунёда Аллоҳни кўз ила кўра олмаслиги уларнинг маслаҳати ва фойдаси учундир ва Аллоҳ таологина ушбу маслаҳатдан хабардордир ва шунинг учун ҳам Уни кўз билан кўришни номаъқул кўриб, маломат қилган», десак, маҳол бўлмайди.

**Бу жавобнинг раддияси:** Бу гап шунчаки хатога элтувчи бир алдов ва сафсата сотиш бўлиб, оятларнинг умумий маъносидан инсон фикрига келадиган ҳақиқатга зиддир ва гўё Фахр Розий Аллоҳнинг китоби Қуръони Карим ва Пайғамбар (с.а.в) суннатлари ҳамда бошқа араб тилидаги сўзлашув сўзларидан кўра ўз фалсафасини устун қўйган кўринади.<sup>37</sup>

### **Аллоҳ таолони мутлақо кўз билан кўриб бўлмасликни баён қилувчи тўртинчи оят:**

﴿وَلَمَّا جَاءَ مُوسَىٰ لِمِيقَاتِنَا وَكَلَّمَهُ رَبُّهُ قَالَ رَبِّ أَرِنِي أَنظُرْ إِلَيْكَ ۗ قَالَ لَن تَرَانِي وَلَكِنِ انظُرْ إِلَى الْجَبَلِ فَإِنِ اسْتَقَرَّ مَكَانَهُ فَسَوْفَ تَرَانِي ۗ فَلَمَّا تَجَلَّىٰ رَبُّهُ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكًّا وَخَرَّ مُوسَىٰ صَعِقًا ۗ فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ سُبْحَانَكَ تُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Қачонки Мусо ваъдалашган жойимизга [Тур тоғига] келиб, Парвардигори у билан сўзлашгач, у: «Эй Раббим, Ўзингни менга кўрсатгин, токи Сенга қарай», деди. Аллоҳ унга: «Мени зинҳор кўра олмасан. Лекин мана бу тоғга қарагин, агар у ўз жойида мустаҳкам турса, сен ҳам Мени кўргайсан», деди. Бас Парвардигори у тоғга зоҳир бўлганида, уни парчалаб ташлади ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди. У ҳушига келгач: «Сен [кўзга кўринишдан] поксан, Сенинг даргоҳингга қайтдим-тавба қилдим ва мен мўминларнинг биринчисиман», деди». (Аъроф сураси, 143-оят)

Ҳар икки гуруҳ ўзининг хос тафсири ва изоҳи билан ушбу оятни далил ва асос қилиб келтирганлар.

**Танзех ақидасига ёндашувчиларнинг тафсири:** Ҳазрати Мусо (алайҳис салом)нинг қавми у ҳазратдан Аллоҳни очиқ-ойдин кўришни сўрашганида, ҳазрати Мусо (алайҳис салом) уларга бунинг имкони йўқлиги ва маҳол эканлигини исботлаш учун Аллоҳ таолога хитоб қилиб: ﴿رَبِّ أَرِنِي أَنظُرْ إِلَيْكَ﴾ «Парвардигорим, Ўзингни менга кўрсатгин, токи Сенга қарай», деди. Парвардигори оламнинг жавоби икки инкорни ўз ичига олганди: Биринчи инкор ﴿لَن تَرَانِي﴾ «Мени зинҳор

37. Саййид Абдулхусайн Шарафиддин «Калиматун ҳавлар-руъйаҳ», яъни кўриш ҳақидаги сўз китоби, Нажаф чопи, 20 ва 22-бетлар.

кўра олмассан» ва иккинчи инкор эса тоғнинг майдаланиб парчаланиши ҳамда Мусо пайғамбарнинг ҳушидан кетиб йиқилиши эди. Аллоҳ таоло тоққа зоҳир ва намоён бўлганида, юзага чиққан ҳақиқат ҳазрати Мусо *(алайҳис салом)*ни ўз қавмига Аллоҳ кўзларга кўринишдан пок ва муназзаҳ эканлигини айтишга ундади. Шунда ҳазрати Мусо *(алайҳис салом)*:

﴿سُبْحَانَكَ ثُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Сенинг даргоҳингга қайтдим-тавба қилдим ва мен мўминларнинг биринчисиман», яъни мен Сенинг кўзларга кўринмаслигингга иймон келтирган биринчи кишиман, деди.

Аммо Ашъария тоифаси эса ушбу оятни ўз ақидаларини қўллаб-қувватлайдиган тарзда изоҳлайдилар. Уларнинг айтишича, ҳазрати Мусо пайғамбар Аллоҳ таолодан Уни кўз билан кўришни сўраши, у зот бу ишнинг мумкинлигига ишонганига ишорадир ва агар Аллоҳ таолони кўз билан кўриш маҳол ва номумкин бўлиб, бу иш Унинг парвардигорлигининг шаъни-мартабасига зид бўлса эди, ҳазрати Мусо *(алайҳис салом)*дек бир Улул-Азм [янги шариат соҳиби бўлган] пайғамбар уни талаб қилмаган бўларди. Шунга биноан, Худони кўз билан кўришни талаб қилиш бу ишнинг мумкинлигига ишорадир ва оятдаги инкор этиш сўзи эса бу дунёга қаратилган бўлиб, ушбу иш охиратда мумкиндир.

Шу тариқа, ҳар икки гуруҳ ўз ақида ва қарашини юқоридаги ояти карима орқали баён этади ва биз бу ерда ҳар икки томоннинг манбаларига асосланиб, ушбу ақидавий масалани жуда қисқа ва лўнда шаклда тақдим этдик. Икки гуруҳнинг ушбу оятни тушунишлари ўртасидаги ошкора зиддиятни эса қуйидаги икки услубдан бири орқали баргараф этиш мумкин.

1. Ички далилларга таяниб, тортишувни икки томондан бирининг фойдасига тугатиш.
2. Ташқи далилларга таяниш.

Биринчи услуб қатъий ва мустаҳкам эмас. Зероки, Аллоҳ таолони кўз билан кўришнинг имкони йўқлигига ёндашадиганлар ўзлари хоҳлаган масалани исботлаш учун оятнинг ичидан ҳар қандай луғавий ёки тузилмавий далиллар келтирмасинлар, қарши томон ўша далилларни бу дунёга тааллуқли деб билиб, ушбу далиллар охиратни ҳам ўз ичига олиши учун ҳеч бир асос йўқлигини даъво қилиши мумкин.

Фақат иккинчи йўл, яъни ташқи далиллар орқали аниқ ва қабий бир хулосага келиш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, Қуръони Карим имконсиз ва маҳол нарсани баён эта олмаслигига ёки зотан маҳол бўлган нарсани қабул қилишга ундай олмаслигига таяниб, ушбу ҳақиқатни эътироф этиш лозимки, агар ақлий далиллар билан исботлаганимиздек Қуръони Каримдан олдинги ақлий босқичда Аллоҳни кўз билан кўриш маҳол ва номумкин эканлиги исботланса, у ҳолда Қуръон оятларини ўрганаётганда, ушбу оятни Аллоҳни кўз билан кўриш маъносига суриб бўлмайди деган якуний бир хулоса чиқаришимиз учун бу ақлий ҳақиқатни эътиборга олишимиз керак. Чунки, бу иш зотан номумкиндир. Демак, натижа соф танзех назариясига чекланади.

Бунга қўшимча, Ашъария тоифасининг охиратда Аллоҳ таолони ҳеч бир йўналиш ва жисмонийликка эҳтиёж сезмай кўз билан кўриш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари асл-асос ва тамойилга зиддир. Зероки асл-асос ва тамойилга кўра, кўз билан кўриш жисмонийлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу айнан соф танзех ақидасига ёндашувчиларнинг фикрига мувофиқдир. Демак, агар оятнинг зоҳирий маъноси кўз ила кўришни исботлаш ва уни инкор этиш ўртасида иккаланиб турувчи бўлса, асл-асосга мувофиқ бўлган томон қабул қилинади. Магар асл-асосга муҳолиф томон эса қатъий далил билан исботлансагина, у ҳолда уни қабул қилиш мумкин. Ушбу ингичка масалани эътиборга олиб, Аллоҳни кўз билан кўришни инкор қилувчилар баҳс юритилаётган ояти каримани далил қилиб келтира оладилар, ҳатто агар бошқа бир эҳтимол унинг зоҳирида мавжуд бўлса ҳам. Модомики, мазкур оятнинг зоҳиридан тушуниладиган маъно бошқа бир эҳтимолни англатар экан, Ашъариялар уни далил сифатида келтира олмайдилар, балки улар оятнинг маъноси фақат ўзлари кўзлаган нарсага далолат қилишини исботлашлари керак. Ҳолбуки улар бундай нарсани исботлай олмайдилар ва улар кўпи билан ушбу оят уларнинг раъй-фикри эҳтимолини ҳам кўтара олишини исботлашлари мумкин, бироқ улар оятда бошқа бир эҳтимол йўқлигини исботлай олмайдилар ва бу эса биз аввал айтиб ўтган Ашъария назариясининг фикрий ожизлигидир.

Агар бирор киши танзех ақидасига ёндашувчилар ҳам оятдаги бошқа эҳтимолни инкор этишдан ожизлар, деса, биз унга жавобан айтамыз: Танзех назарияси аҳлининг раъй-фикри асл-асосга мувофиқ эканлиги уларнинг ожизлигини қоплайди. Негаки бу ақлий аслият бошқа ақидани мантиқий ва ақлий жиҳатдан инкор этади ва шунинг учун юқоридаги ояти каримани фақат соф танзех ақидасигагина татбиқ этиш мумкин. Лекин Ашъарияларнинг раъй-ақидаси ақлий аслиятга зиддир ва бу эса уларнинг бошқа фикр ва қарашлардан

устун келишга ҳамда оятнинг ўз ақида-назарларига хос ва чекланганлигини исботлашга ожиз эканликларини тасдиқлайди.

Бинобарин, соф танзеҳ ақидаси мустаҳкам ва барқарор бўлиб, уни ҳеч бир ақлий ва нақлий далил билан рад этиб бўлмайди. Шундай қилиб, Ашъария тоифасининг ўз даъволарини исботлаш учун юқоридаги ояти каримани далил қилиб келтиришга уринишлари бефойда бўлиб, уларга ҳеч бир фойда келтирмайди. Ҳолбуки, танзеҳ ақидасига ёндашувчилар эса ушбу оятдан фойдаланиб, унинг зоҳирдан тушуниладиган маъно билан ўзларининг кўзлаган масалаларини исботлайдилар ва ақлий далилга асосланиб, Ашъария гуруҳининг даъвоси маҳол ва номумкин эканлигини исботлайдилар ва натижада уларнинг ақидасини рад этадилар. Бу эса Ашъарияларнинг суҳбатлари, баҳс-мунозаралари ва уларнинг шак-шубҳаларини рад этиш унинг атрофида айланадиган меҳвардир [яъни ўқдир] ва бунга яққол намуна ва мисол сифатида буюк ҳадисчи олим Шайх Садуқ ўзининг «*Ат-Тавҳид*» номли китобида «*ما جاء في الرؤية*» «*Аллоҳни кўз билан кўриш ҳақида келган ҳадислар*» бобида Али ибн Муҳаммад ибн Жаҳмдан ривоят қилган ҳадисни шу ерда келтирамиз. Али ибн Муҳаммад ибн Жаҳм ривоят қилиб деди:

*«Мен Маъмун мажлисига кириб бордим, ваҳоланки унинг ёнида Имом Али ибн Мусо ар-Ризо (алайҳис салом) бор эдилар. Маъмун у ҳазратга: Эй Аллоҳ Расулининг ўгли, сиз пайгамбарларнинг маъсумлигига ишонмайсизми? деди. У ҳазрат: «Ҳа, ишонаман», дедилар. Шунда Маъмун у ҳазратдан бир неча оятлар ҳақида сўраб, шундай деди: Аллоҳ таолонинг ушбу каломининг маъноси:*

﴿وَلَمَّا جَاءَ مُوسَى لِمِيقَاتِنَا وَكَلَّمَهُ رَبُّهُ قَالَ رَبِّ أَرِنِي أَنْظُرْ إِلَيْكَ ۗ قَالَ لَنْ تَرَينِي وَلَكِنْ أَنْظُرْ إِلَى الْجَبَلِ فَإِنِ اسْتَقَرَّ مَكَانَهُ فَسَوْفَ تَرَينِي ۗ فَلَمَّا تَجَلَّى رَبُّهُ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكًّا وَخَرَّ مُوسَى صَعِقًا ۗ فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ سُبْحَانَكَ تُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

*«Қачонки Мусо ваъдалашган жойимизга [Тур тоғига] келиб, Парвардигори у билан сўзлашгач, у: «Эй Раббим, Ўзингни менга кўрсатгин, токи Сенга қарай», деди. Аллоҳ унга: «Мени зинҳор кўра олмассан. Лекин мана бу тоғга қарагин, агар у ўз жойида мустаҳкам турса, сен ҳам Мени кўргайсан», деди. Бас Парвардигори у тоғга зоҳир бўлганида, уни парчалаб ташлади ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди. У ҳушига келгач: «Сен [кўзга кўринишдан] поксан, Сенинг даргоҳингга қайтдим-тавба қилдим ва мен мўминларнинг биринчисиман», деди». (Аъроф сураси, 143-оят) нима? Қандайига ҳазрати*

Мусо Калимуллоҳ Аллоҳ таолони кўз билан кўриш мумкин эмаслигини билмайди? Имом Ризо (алайҳис салом) унга дедилар: «Калимуллоҳ Мусо ибн Имрон Аллоҳ таоло кўзга кўринишдан устун эканлигини билар эди».<sup>38</sup> Лекин Аллоҳ таоло у билан сўзлашгач ва уни сирдош кўриб Ўзига яқинлаштиргач, у ўз қавми томон қайтиб, уларга Аллоҳ таоло у билан сўзлашгани ва уни Ўзига яқинлаштириб, у билан сирли суҳбат қилгани ҳақида хабар берди. Унинг қавми: «Биз ҳам Аллоҳнинг каломини сен эшитганингдек эшитмагунимизча, сенга зинҳор ишонмаймиз», дейишди. Ҳазрати Мусо (алайҳис салом) улардан етмиш кишини Парвардигори олам билан мулоқот қилиш учун танлаб, уларни «Тури Сино» тоғига олиб келди ва Аллоҳ таолонинг каломини уларга эшиттириш учун У Буюк Зотдан ўзи билан сўзлашишини сўради. Аллоҳ таоло ҳазрати Мусо (алайҳис салом) билан сўзлашди ва у кишилар Худонинг каломини олти томондан эшитдилар. Зероки Аллоҳ азза ва жалла Ўз каломини дарахтда яратиб, ундан бутун атрофга тарқатди ва натижада улар Аллоҳнинг каломини ҳар томондан эшитдилар. Улар: «Эшитганларимиз Аллоҳ таолонинг каломини эканлигига ишонмаймиз, магар Аллоҳни очик-ойдин кўрсак, ўшандагина ишонамиз», дейишди. Улар бу катта ва оғир сўзни тилга келтириб, такаббурлик ва ўжарлик қилишганида, Аллоҳ таоло уларга бу қилган зулмлари сабабли чақмоқ юборди ва натижада улар ҳалок бўлишди. Шунда Мусо (алайҳис салом) ўз Парвардигорига юзланиб: «Эй Раббим, мен бани Исроил ёнига қайтганимда: «Сен уларни ўзинг билан олиб кетдинг ва Аллоҳнинг сен билан сирли суҳбат қилиши ҳақидаги иддаоларинг рост бўлмагани учун сен уларни ўлдиринг», дейишса, уларнинг бу сўзига жавобан нима деб айтай?», деди. Шунда Аллоҳ таоло уларни тирилтириб, ҳазрати Мусо (алайҳис салом) билан бирга бани Исроил қавми томон юборди. Улар Мусо (алайҳис салом)га: «Агар сен Аллоҳдан Уни кўришинг учун Ўзини сенга кўрсатишини сўрасанг, У қабул қилади ва ушбу ҳолда сен бизни Унинг қандайлигидан хабардор этасан. Шунда биз Аллоҳни керакли даражада таниб оламиз», дейишди. Мусо пайгамбар уларга: «Эй қавмим, Аллоҳни кўз билан кўриб бўлмайди ва У ҳеч бир кайфият-ҳолатга эга эмас. У аломат ва белгилари

---

38. «Ал-Ихтижож» китобида ушбу сўзнинг ўрнига шундай ёзилган: «جَلَّ أَنْ يُرَى» «Аллоҳ таоло кўзга кўринишдан буюкдир» ва Ал-бўюн китобида: «Аллоҳ таоло кўзга кўринишдан пок ва муназзаҳдир», дейилган ва ушбу китобнинг бошқа нусхасида эса шундай битилган: «Аллоҳ таоло кўзга кўринишдан азизроқ ва юксакроқдир».

билан танилади», деди. Улар: «Сен Аллоҳдан бу иш амалга ошишини сўрамагунингча биз иймон келтирмаймиз», дейишди. Шунда ҳазрати Мусо (алайҳис салом): «Эй Раббим, сен бани Исроилнинг сўзларини эшитдинг ва уларнинг хайру-маслаҳатини ҳаммадан кўра билувчиरोқсан», деди. Аллоҳ таоло унга ваҳий қилиб деди: «Эй Мусо, уларнинг айтган талабларини мендан сўра! Мен сени уларнинг жоҳилликлари боис жазоламайман». Айнан шу ерда Мусо (алайҳис салом) деди:

«Парвардигорим, Ўзингни менга кўрсатгин, токи Сенга қарай». Аллоҳ унга: «Мени зинҳор кўра олмассан. Лекин мана бу тоғга қарагин, агар у ўз жойида мустаҳкам турса, сен ҳам Мени кўргайсан», деди. Бас Парвардигори у тоғга [Ўзининг белги-аломатларидан бир билан] намоён бўлганида, уни парчалаб ташлади ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди. У ҳушига келгач: «Сен [кўзга кўринишдан] поксан, Сенинг даргоҳингга қайтдим-тавба қилдим [яъни қавмимнинг жоҳиллигидан юз ўгириб, Сени ўзим таниганим томон қайтдим] ва мен [Сенинг кўз билан кўрилмаслигингга] биринчи иймон келтирувчиман», деди».

Маъмун деди: *Офарин, эй Абул Ҳасан...* »<sup>39</sup>

Аҳли суннатнинг буюк тафсирчи олими Замахшарий ўзининг «*Ал-Кашиш*» номли тафсир китобида саккизинчи пешвоимиз Имом Али ибн Мусо ар-Ризо (алайҳис салом) баён қилган ҳақиқатни англаб етиб, бу ҳақда ёзади:

Агар: «Қандай қилиб Мусо (алайҳис салом) Аллоҳ таолодан бундай нарсани сўраганлар, ваҳоланки у ҳазрат нима нарсалар Аллоҳ таоло ҳақида мумкин ва нималар мумкин эмаслигини бошқалардан кўра яхшироқ билардилар? Ва шунингдек Аллоҳ таоло кўзга кўришдан устун эканлигини ҳам яхши билардилар. Зеро, кўриш амали сезги аъзоларидан бири орқали амалга ошадиган идрок этиш бўлиб, у муайян томонда турган нарсаларга нисбатан содир бўлади, лекин жисм ва жисмоний [араз-акседент] бўлмаган нарсалар эса бирор томон ва йўналишга эга бўлиши маҳол ва номумкин дир. Ва бу нарсанинг ақлан маҳол эканлигини [яъни мантиқий имконсизлигини] жабр ақидаси

39. Юқоридаги ҳадиснинг манбаи:

- Шайх Садуқ, «*Ат-Тавҳид*», «*ما جاء في الرؤية*» «Аллоҳни кўз билан кўриш ҳақида келган ҳадислар» боби, 122-бет.
- Абу Мансур Аҳмад ибн Али ибн Абу Толиб Ат-Табарсий, «*Ал-Ихтижож*», 2-жилд, 220-бет.
- Аллома Муҳаммад Боқир Мажлисӣ, «*Биҳорул анвор*», 13-жилд, 218-бет.

[детерминизм] тарафдорларига эслатиш шарт эмас. Негаки улар биринчи марта хатога йўл қўйиб, қайсарлик кўрсатаётгани йўқ.

Қандайига Мусо (алайҳис салом) бу нарсани Аллоҳ таолодан сўраган бўлиши мумкин, ваҳоланки у ҳазратнинг қавми: «Аллоҳни бизга очиқ-ойдин кўрсат», деганидан кейин уларни зилзила тутгач, Мусо пайғамбар Аллоҳга деди:

﴿قَالَ رَبِّ لَوْ شِئْتَ أَهْلَكْتَهُمْ مِنْ قَبْلُ وَإِيَّايَ أَهْلَكْنَا بِمَا فَعَلِ السُّفَهَاءُ مِنَّا إِنَّ هِيَ إِلَّا فِتْنَتُكَ تُضِلُّ بِهَا مَنْ تَشَاءُ وَتَهْدِي مَنْ تَشَاءُ﴾

«Эй Раббим, агар хоҳласанг, буларни ҳам, мени ҳам бундан олдин ҳалок қилардинг. Фаросатсизларимиз қилган иш туфайли бизни ҳалок қиласанми? Бу Сенинг синовингдан бошқа нарса эмас. У ила кимни хоҳласанг, йўлдан оздирасан ва кимни хоҳласанг, ҳидоят қиласан». (Аъроф сураси, 155-оят)

Шу тариқа, ҳазрати Мусо пайғамбар уларнинг қилмишларидан бешиб, уларни ақлсизлар ва адашганлар деб атади?», деб айтилса,

**Бунга жавобан айтамыз:** Ҳазрати Мусо (алайҳис салом) томонидан Аллоҳни кўз билан кўришни сўрамоқлик, ақл-фаросатсиз ва йўлдан озганлар деб аталган кимсаларга танбеҳ бериш ва улардан безор эканлигини билдириш ҳамда уларни қаноатлантириб тинчлантириш учун эди. Улар Аллоҳни кўз билан кўришни сўрашганида, ҳазрати Мусо (алайҳис салом) уларнинг бу истагини рад этиб ва катта хатога йўл қўйганларини уларга айтиб, ҳақиқатни уларга ошкор қилдилар. Бироқ улар ўжарлик қилиб, ўз истакларида қаттиқ туриб олиб: «Биз Аллоҳни очиқ-аён кўрмагунимизча, сенга зинҳор иймон келтирмаймиз», дедилар. Ҳазрати Мусо (алайҳис салом) ҳам улар бу ишнинг маҳол ва номумкин эканлигини Аллоҳнинг Ўзидан ﴿لَنْ تَرَانِي﴾ «Мени зинҳор кўра олмасан» ибораси билан эшитиб, ишонч ҳосил қилишлари ва шак-шубҳалар улардан бартараф бўлиши учун Аллоҳ таолога юзланиб деди:

﴿رَبِّ أَرِنِي أَنْظُرْ إِلَيْكَ﴾

«Эй Раббим, Ўзингни менга кўрсатгин, токи Сенга қарай».

Агар дейилса: «Нега Мусо пайғамбар: «أَرِهِمْ يَنْظُرُوا إِلَيْكَ» «Эй Раббим, Ўзингни уларга кўрсатгин, токи улар Сенга қарасинлар», деб айтмади?

**Бу сўзга жавобан айтамыз:** Зероки Аллоҳ таоло Мусо (алайҳис салом) билан гапирди ва улар ҳам эшитдилар. Улар Парвардигори оламнинг каломини

эшитгач, Мусо пайғамбар Аллоҳнинг зотини кўришини ва улар ҳам у ҳазрат билан бирга Аллоҳни кўришни хоҳлашди. Бинобарин, уларнинг талаби эшитиш билан кўриш ўртасида нотўғри таққослаш асосида эди. Шунинг учун Мусо *(алайҳис салом)* деди: ﴿رَبِّ أَرِنِي أَنظُرْ إِلَيْكَ﴾ «Эй Раббим, Ўзингни менга кўрсатгин, токи Сенга қарай». Бошқа томондан Мусо *(алайҳис салом)* пайғамбарлик мавқеига эга бўлиши ва Аллоҳ таолога яқинлигига қарамай, у ҳазратнинг истаги қабул қилинмай, унга: «Бу сўраганинг зинҳор бўлмайди», деб айтилганда, бошқалар талабининг рад этилиши ошкора маълум. Бунга қўшимча, пайғамбарлар ўз умматининг раҳнамоси бўлиб, ҳар бир ишда уларга хитоб қилинса ёки улар кимгадир мурожаат қилсалар, буларнинг ҳаммаси умматга қайтади. Ҳазрати Мусо *(алайҳис салом)*нинг ﴿أَنْظُرْ إِلَيْكَ﴾ «Сенга қарай» деган ушбу нутқи юзма-юз бўлиш ҳамда ташбеҳ [яъни Аллоҳни бошқа мавжудотларга ўхшатиш] ва соф тажсим маъносини ўз ичига олган бўлиб, бу талаб Мусо *(алайҳис салом)* қавмининг таклифи ва истагини баён қилиш учун айтилганидан дарак беради. Бу сўзларни айтувчи Мусо пайғамбар Аллоҳ таолони кўзга кўринадиган деб билиб, У буюк Зотни инсонларнинг кўз ўнгида қўйишдан йироқдир. Аллоҳ таолони танишда Восил ибн Ато, Умар ибн Убайд, Ан-Наззом, Абу Ҳузайл, Шайхайн ва бошқа илоҳиётчилардан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлган киши қандай қилиб бундай гапни айтиши мумкин?!

Агар «لَنْ» калимаси бу оятда нима маънони англатади? деб сўралса,

**Ушбу саволга жавобан айтамыз:** «لَنْ» калимаси «لَا» англатадиган инкор маъносини таъкидлайди. «لَا» сўзи келажакни инкор этади. Масалан: «لَا أَفْعَلُ غَدًا» «Мен (бу ишни) эртага қилмайман», деймиз. Агар ушбу гапнинг инкорини таъкидламоқчи бўлсак, «لَنْ أَفْعَلُ غَدًا» «Мен зинҳор эртага бу ишни қилмайман», деб айтамыз. Бунинг маъноси у ишни бажариш менинг шаън-ҳурматим ва мавқеимга тўғри келмайди, дегани ва худди шундай оятда келган:

﴿لَنْ يَخْلُقُوا ذُبَابًا وَلَوْ اجْتَمَعُوا لَهُ﴾

«Агар барчалари [яратиш учун] тўплансалар-да, зинҳор ҳатто бир дона чивинни ярата олмаслар». (Ҳаж сураси, 73-оят)

Бинобарин, ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас» ояти келажакда кўз билан кўришни инкор этиш бўлиб, ﴿لَنْ تَرَانِي﴾ «Мени зинҳор кўра олмассан» ояти

эса инкорни таъкидлаб, кўзга кўриниш Аллоҳ таолонинг сифатларига мос келмаслигини баён қилади.

Агар ﴿وَلَكِنْ انظُرْ إِلَى الْجَبَلِ﴾ «Лекин у тоғга қарагин» гапидаги қўшимча ибора ўзидан олдингисига қандай алоқаси бор? деб айтилса,

**Саволга жавобан айтамыз:** Унинг ўзидан олдингисига алоқаси «Менга қараши маҳол ва номумкиндир, демак уни Мендан сўрама.

Аммо унинг ўрнига тоғга қарашинг мумкинки, у тоғ сени ва сен улар учун Аллоҳни кўз билан кўришни сўраган кишиларни силкитади. Мен ўша тоғни нима қилишимни ва Мени кўз билан кўриш сўралгани туфайли тоғни қандай парчалаб юборишимни кўргин, токи сенга кўрсатганим бу буюк ишлар ва белги-нишонлар таъсирида ўз сўраганингни хатарли ва катта талаб деб билгин», деган маънони англатишдан иборат. Гўё Аллоҳ таоло Унга фарзанд нисбат берганда мисол қилиб келтирган нарсани Уни кўз билан кўришни сўраганда амалга оширган:

﴿وَنَحَرُ الْجِبَالُ هَذَا \* أَنْ دَعَوْا لِلرَّحْمَنِ وَلَدًا﴾

«Тоғлар парчаланиб қулай, дейди. Роҳманнинг боласи бор, деганларга». (Марям сураси, 90 ва 91-оятлар)

﴿فَإِنْ اسْتَفْرَّ مَكَانَهُ﴾ «Агар тоғ ўз жойида мустаҳкам турса», илгари ўз ўрнида собит ва мустаҳкам турганидек, ﴿فَسَوْفَ تَرَانِي﴾ «Сен ҳам Мени кўргайсан». Оятининг бу қисми Аллоҳни кўз билан кўришни тоғнинг ўз ўрнида собит ва мустаҳкам қолишига боғлиқ ва шарт қилиб қўйган. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло уни парчалаб ташлаб, ер билан яксон қилди. Ушбу оятдаги иборалар бир-бирига боғланиб бириккан ҳолда ажойиб ва ўзига хос тарзда баён этилган.

Масалан, истидрок маъносини [яъни ўзидан кейинги ибора ундан олдинги иборанинг маъносига зид бўлган маънони] англатувчи «لكن» сўзи билан гапни бир қарашдан Аллоҳ таолога ва бошқа қарашдан эса тоғга йўналтирган. Шунингдек, тоғнинг парчаланиб кетганлиги таҳдидини эса ушбу баёнот билан очиклайди:

﴿فَإِنْ اسْتَفْرَّ مَكَانَهُ فَسَوْفَ تَرَانِي﴾

«Мени зинҳор кўра олмассан. Лекин мана бу тоғга қарагин, агар у ўз жойида мустаҳкам турса, сен ҳам Мени кўргайсан».

﴿فَلَمَّا تَجَلَّىٰ رَبُّهُ لِلْجَبَلِ﴾ сўзининг маъноси, Аллоҳ таолонинг куч-қудрати тоғда намоён бўлиб, Унинг фармони ва иродаси шунга қарор топганида, ﴿جَعَلَهُ دَكَّاءً﴾ тоғни парчалаб майда-майда қилиб ташлади. Бу ерда «دَكَّاءً» сўзи «مَدْكُوًّا» маъносида бўлиб, «صَرَبَ الْأَمِيرِ» каби масдар [яъни феълнинг ўзаги, инфинитив] мафъул-бажарилмиш маъносида келган. «دَكَّ» ва «دَقَّ» сўзлари ҳам «شَكَّ» ва «شَقَّ» каби бир хил маънони англатади. Ушбу ояти каримадаги «دَكَّاءً» сўзи «دَكَاءٌ» деб ҳам ўқилган. «دَكَاءٌ» ер юзасидан юқорироқда ўрнатилган байроқнинг номидир ёки «أَرْضًا دَكَاءً» мисолида текис ва силлиқ ер маъносига эга.

﴿حَرَّ مُوسَىٰ صَعِقًا﴾ «Мусо кўрган нарсасининг даҳшат ва қўрқувидан ҳушидан кетиб йиқилди». صَعِقَ сўзи فَعَلْتَهُ فَفَعِلَ бобидан бўлиб, صَعِقْتَهُ فَصَعِقَ дейилади. Бу сўзнинг келиб чиқиш ўзаги صَاعِقَةٌ «чақмоқ» калимасидан бўлиб, унга صَاعِقَةٌ ҳам дейилади: صَعِقَةٌ феълнинг маъноси, унинг бошига урди ва натижада у ўлик одам каби ҳушдан кетиб ерга йиқилди. Ҳадисда айтилишича, ҳазрати Мусо (алайҳис салом) беҳуш ҳолда ётганида фаришталар унинг ёнидан ўтаётиб, оёқлари билан уни тепиб: «Эй ҳайз кўрувчи аёлларнинг ўгли, Парвардигорингни кўришни тамаъ қилдингми?», дейишди. У ўзига келиб: «Сен пок ва муназзаҳсан, Мен сени кўз билан кўриш ва ҳоказолар каби Сенга номумкин бўлган нарсалардан пок ва йироқ деб биламан. Сени кўз билан кўришни сўрашдан даргоҳингга тавба қилдим ва мен Сени кўз билан кўриб бўлмасликка ҳамда ҳеч бир сезгилар билан идрок этилмаслигингга иймон келтирганларнинг биринчисиман», деди.

Агар агар Аллоҳни кўз билан кўришни сўрамоқлик сиз айтган мақсад учун бўлса, унда Мусо пайғамбар нимадан тавба қилди? дейилса,

**Бунга жавобан айтамыз:** Мусо пайғамбар ўша хавфли ва улуғ сўзни тўғри мақсадда бўлса ҳам, Аллоҳ таолонинг изнисиз тилга олгани учун тавба қилди. Бинобарин, Аллоҳ таоло ушбу оятда Уни кўз билан кўриш масаласини катта ва хавфли бир иш деб билиб, Уни кўз билан кўришни сўрашгани учун тоғни силкитиб, уни парчалаб юборди ва Бани Исроилнинг устига чақмоқ ёғдирди.

Бу масаланинг ўта жиддий ва хавфли эканлигини кўрсатиш учун ҳатто Ўзининг калим [сўзлашган] пайғамбарини ҳам чақмоқ ва унинг таъсиридан сақлаб қолмади. Шундан сўнг Мусо *(алайҳис салом)* Парвардигорига тасбеҳ айтиб, Ундан паноҳ сўради ва Аллоҳни кўз билан кўришни сўрагани учун тавба қилиб: «*Мен мўминларнинг биринчисиман*», деди. Ислом аломатига эга бўлмиш Аҳли суннатдан бўлганлар қандай қилиб бу хавфли нарсани ўз мазҳаблари қилиб олганлари ўта ажабланарлидир!!

Оятнинг яна бир тафсири шуки, ﴿أَرِنِي أَنْظُرُ إِلَيْكَ﴾ «*Ўзингни менга кўрсатгин, токи Сенга қарай*» оятдан кўзланган маъно шундан иборат: Қиёмат кунида одамларга очик-ойдин оят-мўъжиза кўрсатганинг ва натижада улар сени муқаррар равишда таниганларидек, Ўзингни аниқ ва равшан ҳолда менга танитгин. ﴿أَنْظُرُ إِلَيْكَ﴾ Гўё мен Сенга қараб турганимдек Сени таниб олайин. Ҳадиси шарифда айтилганидек: «*Парвардигорингизни худди ойни ўн тўртинчи кечада кўрганингиздек кўрурсизлар*», яъни сизлар худди ойни тўла бўлганда аниқ ва равшан кўрганингиздек Парвардигорингизни ҳам очик-ойдин танийсизлар.

﴿قَالَ لَنْ تَرَاني﴾ Яъни Мени бу йўл билан [кўз билан кўриш йўли билан] зинҳор таний олмайсан ҳамда Менинг белги-нишонларим ва оят-мўъжизаларимни кўтаролмайсан, лекин тоғга қарагин, Мен унга намоён бўламан ва Ўз оят-мўъжизаларимдан бир оят-мўъжизани ошкор этаман. Агар тоғ ўша оят-мўъжизанинг тажаллий этиши [намоён бўлиши] олдида мустаҳкам ва барқарор тура олиб, нобуд бўлмаса, сен ҳам унинг қаришида собит ва мустаҳкам тура оласан ва бунга кучинг етади. ﴿فَلَمَّا تَجَلَّىٰ رَبُّهُ لِلْجَبَلِ﴾ Қачонки Аллоҳнинг куч-қудрати ва буюклигининг оят-нишонларидан бири тоғга намоён бўлганида, ﴿جَعَلَهُ دَكًّا وَخَرًّا﴾ Мусо кўрган нарсасининг буюклиги таъсирида ҳушдан кетиб йиқилди. ﴿فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ سُبْحَانَكَ تُبْتُ إِلَيْكَ﴾ Мусо пайғамбар ўз сўрови ва жасоратидан тавба қилиб: ﴿وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ﴾ «*Мен Сенинг буюклигинг ва улугворлигингга ҳамда ҳеч нарса Сенинг жазоинг ва қудратингга қарши тура олмаслигига иймоним бор*», деди.<sup>40</sup>

40. Жоруллоҳ Замахшарий, «*Тафсирул Кашишоф*», 2-жилд, 153-бетдан 157-бетгача, Аъроф сурасининг 143-ояти тафсирида.

Юқорида келтирганларнинг ҳаммаси буюк аллома Замахшарийнинг сўзлари эди. Биз кўзлаган масалани исботлаш учун шу миқдорда келтирилган маълумотлар ва изоҳлар етарли бўлиб, Ашъариялар ушбу оятдан фойдаланиш учун зикр қилган масалаларни ҳамда соф танзеҳ ақидасига ёндашувчилар уларга нисбатан баён қилган хато-камчиликларни келтиришни лозим топмадик.

### **Аллоҳни кўз билан кўриш ақидасининг пайдо бўлиши омиллари:**

Олдинги суҳбатларимизда ушбу ақидавий масаланинг ҳукмини ақл ва Қуръони Карим асосида баён қилдик, лекин ислом тарихига назар солсак, танзеҳ ақидаси ислом динининг илк даврида мусулмонлар орасида кенг тарқалганини ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг саҳобалари ҳам танзеҳ ақидасига эътиқод қилганларини кўраимиз. Фикримизнинг тасдиғи ўлароқ, бу ерда бир неча намуналарни келтираимиз:

«Саҳиҳул Бухорий» китобида Омир Масрукдан шундай ривоят қилган:

«Мен Оишага: «Эй Уммул мўъминин, [мўминларнинг онаси,] Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз Парвардигорини кўрганми?», дедим. Оиша деди: Сенинг бу айтган сўзларингдан сочларим тикка бўлиб кетди. Ким сенга уч нарса ҳақида гапирса (билгинки,) у ёлгон сўзлагандир; Кимки: «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Парвардигорини кўрган», деса, ёлгон сўзлаган бўлур. Сўнг у ушбу оятни ўқиди:

﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ ۖ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У латиф ва [ҳар нарсадан] хабардор зотдир». (Анъом сураси, 103-оят)

﴿وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكَلِمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بِإِذْنِهِ مَا يَشَاءُ﴾

«Аллоҳ ҳеч бир инсон билан сўзламайди, магар ваҳий орқали ёки бирор парда-тўсиқ ортидан ёки бирор элчи-фаришта юбориб, У зотнинг изни ила Унинг хоҳлаган нарсасини ваҳий қилиш билангина сўзлайдир». (Шўро сураси, 51-оят) ва кимки Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) эртага нима бўлишини билади, деса, ёлгон сўзлагандир. Кейин у ушбу оятни ўқиди:

﴿وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ مَّاذَا تَكْسِبُ غَدًا﴾

«Ҳеч бир киши эртага нима касб этишини билмас». (Лукмон сураси, 34-оят)

Ким сенга у зот ваҳийдан бирор нарсани яширган, деса, ёлгон сўзлагандир. Кейин у ушбу оятни ўқиди:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ...﴾

«Эй Расул, Раббингдан сенга нозил қилинган нарсани одамларга етказгин...» (Моида сураси, 67-оят). Лекин у зот Жаброил (алайҳис салом)ни ўз қиёфасида икки марта кўрдилар». <sup>41</sup>

«Фирдавс ал-Ахбор» китобида Ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳ таолони У Зотдан бошқасига ташбеҳ қилган-ўхшатган кишини мушрик деб атаганлар». <sup>42</sup> Бу ривоят Ибн Аббоснинг Аллоҳни кўз билан кўриш бобидаги ақидавий масалага нисбатан қандай мавқега эга эканлигини маълум қилади.

Саъолабий «Ал-Жавоҳирул Ҳисон» номли китобида ривоят қилади: Оиша ва барча саҳобалар ушбу оятнинг:

﴿وَلَقَدْ رَأَوْهُ نَزَلَ أَخْرَى﴾

«Ва дарҳақиқат, у [Пайгамбар] уни бошқа сафар ҳам кўрди» (Нажм сураси, 13-оят) тафсирида Аллоҳ таолони кўз билан кўришдан йироқ ва муназзах деб билганлари учун ﴿وَ﴾ сўзидаги олмошни ҳазрати Жаброилга қайтаришарди. <sup>43</sup> Яна ривоят қилинадики, Оиша бир кишининг: «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Парвардигорини кўргандир» деганини эшитиб, уч марта: «Сен айтган сўзлардан баданимдаги туклар тик бўлди. Ким Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Парвардигорини кўрган деб гумон қилса, Аллоҳ таолога катта ёлгон гапни нисбат берган бўлади», деди. <sup>44</sup>

Шайх Салома Қузойй Шофеий (вафоти: 1379 ҳижрий йил) илгариги уламолар қиёмат кунда Аллоҳни кўз билан кўришга эътиқод қилганлар, деб иддао

41. Ушбу ривоятнинг манбаи:

Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», 6-жилд, 50-бет.

Аҳмад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 6-жилд, 49-бет.

42. Дейлабий, «Фирдавс ал-Ахбор», 4-жилд, 206-бет, “Даарул-Китааб ал-Арабий” нашриёти.

43. Саъолабий, «Ал-Жавоҳирул Ҳисон», 3-жилд, 253-бет.

44. Қози Абдул Жаббор Мўътазиллий, «Шарҳу Усулил Хомсаҳ», 268-бет, Қоҳира нашри.

қилган кимсаларни рад этиб шундай деган: «Агар бирор жойда илгаригиларнинг: «Биз Аллоҳнинг юзи бор, аммо бошқа юзларга ўхшаш эмас, Унинг қўли бор, лекин бошқа қўлларга ўхшаш эмас, деб эътиқод қиламиз», деганларини кўрсак, уларнинг назарда тутган маъно-мазмунлари Аллоҳнинг юксак Зоти қисмлар ва бўлакларга бўлиниб, Унинг бир қисми қўл ва иккинчи қисми эса юздир, бироқ махлуқотларнинг қўллари ва юзларига ўхшамайди, деган ақидадан иборат деб ўйламаслигимиз керак. Илгариги уламолар шубҳасиз, айнан ташбеҳ [яъни Аллоҳни бошқа мавжудотларга ўхшатиш] ақидаси бўлган ушбу тафаккурдан йироқ эдилар ва уларнинг бу сўзлардан назарда тутган маънолари шундан иборат эди: “Юз” ва “қўл” сўзлари Аллоҳ таолонинг буюклик ва қудрат каби юксак Зотига лойиқ бўлган маъно ва сифатда қўлланган, аммо улар бу муқаддас илоҳий ҳудудга тушиб қолишдан қўрқиб, бу сифатларни белгилашдан тийилганлар. Шунга қарамай, мужассима тоифаси [яъни Аллоҳ таолонинг жисми ва танаси борлигига ишонадиганлар] бундай ибораларни суистеъмол қилиб ва оддий одамларни йўлдан оздириб, содда шахсларни алдаганлар ва бу ибораларни Аллоҳнинг бўлак ва қисмларга эга эканлиги маъносида қабул қилганлар ва шу тариқа, улар тажсим ва ташбеҳ қаърига тушиб қолишган, агарчи ўзлари бу номни ёқтирмай, ундан узоқлашмоқчи бўлишса-да. Лекин уларнинг бу сохта ва ёлгон сўзлари таниқли олимлар ҳамда ўткир фикрли ва зукко ҳакимларга [доно кишиларга] сир эмасдир».<sup>45</sup>

Ушбу турдаги маълумотлар бизни ислом уммати орасида Аллоҳ таолони кўз билан кўриш ақидаси пайдо бўлишига сабаб бўлган омилларни излашга ундайди. Аммо бундан олдин биз инсон нафси ва табиати табиий ҳолда материя ва моддий феноменларга интилишини, мужаррад-ғайримоддий ва трансцендентал ҳақиқатларни қийинчилик билан, у ҳам бўлса, фақат ақл раҳнамолигида қатъий далил-исботлар орқали қабул қилишини тан олмоғимиз лозим. Баъзан эса ҳиссий сезгилар орқали идрок этишга бўлган хоҳиш-истак инсонни мужаррад-ғайримоддий ҳақиқатларга моддий кийим кийдиришга ундайди ва бу нарса инсоният тарихида бутпарастлик пайдо бўлишининг психологик илдизи ва шунингдек, баъзи динларда бутпарастликнинг баъзи кўринишларининг илдизи ҳамдир. Мисол тариқасида, Уч Бирлик ғояси ва Исо

---

45. Жаъфар Субҳоний, «Бухусун фил-милали ван-ниҳал», 4-жилд, 120 ва 121-бетлар, Шайх Салома Қузойй Шофеийнинг «Фурқонул-Қуръон» китоби 80-бетидан иқтибос келтирилган.

Масих (*алайҳис салом*) Худонинг ўғли эканлиги ҳақидаги даъвони келтириш мумкин. Тажсим [яъни Аллоҳни жисм ва танага эга деб билиш] ва Худонинг кўзга кўриниши ҳақидаги ўй-фикрларнинг асл маъно-моҳияти ҳам худди шу йўналишдадир. Бунинг акси ўлароқ, соф ва холис тавҳид-яккахудоликни ҳар қандай моддий тушунча ва ўйловлардан ҳимоя қилиш учун танзеҳ ақидасига қаттиқ урғу берилиб, тажсим [яъни Аллоҳни жисм ва танага эга деб билиш] ақидасининг барча кўриниш ва ҳолатлари инкор этилди.

Бу масаланинг психологик томони биз юритаётган баҳс билан боғлиқ бўлмай, натижада мусулмонлар жамиятида Аллоҳ таолони кўз билан кўриш назариясининг пайдо бўлишига сабаб бўлган омилларни муҳокама этиш доирасига кирмайди. Чунки, ушбу мавзунинг теологик табиати бизни бир гуруҳ мусулмон олимларга ушбу ақиданинг асослаш воситаларини тақдим этган омилларни излашга ва бутун инсоният учун умумий психологик муҳит ҳисобланган билвосита омилни четга суришга ундайди.

### **Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу ақиданинг пайдо бўлиши икки асосий омил билан боғлиқ:**

1. Ислом динининг илк даврида аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насронийларнинг салбий роли.
2. Ҳашвия гуруҳининг тутган йўли ва фикрлаш тарзига эргашиш. Ҳашвия тоифаси Қуръон оятлари ва ҳадислар каби диний матнларнинг зоҳирий маъносини ушлаб олиб, тажсим ва ташбеҳ ақидасига ёндашувчилар бўлган. Улар сўзларнинг тушунчаси ва маъно-мазмунидан кўра зоҳирий маънони афзал кўриб, диний матнларни сўзма-сўз ёки юзаки тафсир қилишга таянганлар. Ушбу қараш Аллоҳни кўз билан кўриш ақидасининг юзага келишига улкан таъсир кўрсатган.

Биринчи омил ҳақида Шаҳристоний ўзининг «*Ал-Милалу ван-Ниҳал*» китобида айтади:

وضع كثير من اليهود الذين اعتنقوا الإسلام أحاديث متعددة في مسائل التجسيم والتشبيه، وكلها مستمدة من التوراة.

«Исломни қабул қилган кўпгина яҳудийлар тажсим ва ташбеҳ масалалари ҳақида кўплаб ҳадислар тўқишди ва уларнинг барчаси Тавротдан олинган».<sup>46</sup>

---

46. Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний, «*Ал-Милалу ван-Ниҳал*» 1-жилд, 117-бет.

Ушбу мавзуни чуқурроқ изоҳлаб айтадиган бўлсак, ислом дини ўз илоҳларини бутларда мужассам деб билган мушриклардан ҳамда диний маданияти тажсим ва ташбеҳга тўлиб тошган аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насронийлардан ташкил топган бир муҳитда пайдо бўлди ва ҳар икки гуруҳ билан курашиб, заррача моддиюнлик шубҳаси унга йўл топа олмаган соф ва холис тавҳидга урғу берди. Натижада ислом дини Арабистон ярим оролида кенг тарқалиб, одамлар тўп-тўп бўлиб ислом динига кира бошлагач, яҳудийлар ва насронийлар ҳақиқат қаршисида таслим бўлишдан ўзга чора тополмадилар. Оқибат, улар юзаки ҳолда ўзларини ислом динига кирган қилиб кўрсатишди, бироқ улар кўпинча бу динга сидқидилдан эътиқод қилмасдилар, фақат улар орасидан илоҳий иноят ва хидоят уларни қамраб олган кишиларгина исломни астойдил қабул қилишганди ва ундайларнинг сони оз эди. Лекин уларнинг аксарияти, айниқса ҳибрлар [яҳудийларнинг руҳонийлари] ва насроний роҳиблар ўзларининг олдинги эътиқодларида қолишганди.

Ҳибрлар ва роҳиблар икки аҳдда, яъни Таврот ва Инжилда келган ҳикоялар, қисса ва афсоналар ҳамда эътиқодий масалаларни яхши билишар эди ва шунинг учун уларни илмий усулдан фойдаланиб, махсус ҳийла-найранг билан мусулмонлар орасида тарқатишни ўзларига мақсаб қилиб олишди. Бунинг устига, аксарият мусулмонлар орасида соддалик ҳукмрон эди, шунинг учун мусулмонлар яҳудий руҳонийлар ва роҳибларни ҳақиқий илм эгалари бўлмиш раббоний олимлар деб ўйлаб, улар ўргатган нарсаларни буткул берилиб холис ният билан ўрганиб олишарди. Бу эса хурофий ҳикоя ва қиссаларни ҳамда асоссиз ва ботил эътиқодларни тарқатиш, айниқса, тажсим ва ташбеҳга ҳамда пайғамбарларни мусулмонлар назарида уларга оғир гуноҳларни нисбат бериш билан камситишга оид бўлган пуч ақидаларни ёйиш учун қулай замин яратди. Ва Аллоҳни кўз билан кўриш масаласи ҳам улар эътибор қаратган юқоридаги масалалардан аҳамияти кам эмас эди. Ўтмишдаги ва ҳозирги ҳадис китобларида сиз учратадиган тажсим, ташбеҳ, Аллоҳни кўз билан кўриш, пайғамбарларга гуноҳлар нисбат бериш, инсон ихтиёрини олиб кўядиган қазо ва қадарга эътибор қаратиш ҳақида келган кўплаб ҳадислар исломни юзаки қабул қилган яҳудийлар ва насронийлар томонидан уйдирилган тўқималардир. Баъзи салафлар [ўтмишдаги мусулмонлар] ушбу тўқима ҳадисларни чинакам ҳақиқатлар ва тўғри ҳикоялар деб ўйлаб, уларни яхши қабул қилишган ва кейинги авлодлар орасида кенг тарқатишган ва афсуски бу ҳолат ҳозирги кунимизга қадар давом этиб келмоқда. Бу ҳақда Аҳли суннатнинг буюк олими Ибн Холдун айтади:

قال ابن خلدون: إنَّ العرب لم يكونوا أهل كتاب ولا علم وإنما غلبت عليهم البداوة والأُمِّيَّة، وإذا تشوَّقوا إلى معرفة شيء مما تنوَّق إليه النفوس البشرية في أسباب المكوَّنات وبدء الخليقة وأسرار الوجود فإنَّما يسألون عنه أهل الكتاب قبلهم، ويستفيدونه منهم وهم أهل التوراة من اليهود و من تبع دينهم من النصارى مثل كعب الأحبار و وهب بن منبه وعبد الله بن سلام وأمثالهم. فامتألت التفاسير من المنقولات عندهم، وتساهل المفسرون في مثل ذلك ومألوا كتب التفسير بهذه المنقولات، وأصلها كلها كما قلنا من التوراة أو ممَّا كانوا يفترون.

«Араблар китоб аҳли бўлмай, бирор илмга эга эмасдилар ва улар устидан фақат бадавийлик ва саводсизлик ҳукм суларди. Ва агар улар борлиқ оламларнинг сабаблари, яратилишининг бошланиши ва борлиқ сирлари ҳақида инсонлар кўнгли орзу қилган бирор нарсани билишга иштиёқманд бўлсалар, фақат ўзларидан олдинги китоб аҳлидан сўраб, улардан баҳраманд бўладилар. Ваҳоланки, улар Каъб ал-Аҳбор, Ваҳаб ибн Мунаббих, Абдуллоҳ ибн Салом ва шуларга ўхшаш яҳудийлардан бўлган Таврот аҳли ҳамда насронийлардан уларнинг динига эргашган кишилар эди. Натижада, тафсир китоблар яҳудийларнинг наздидаги нақл қилинган ҳикоя ва қиссалар билан тўлиб тошди ва муфассирлар бундай ишларга енгил қараб, тафсир китобларини ушбу нақл қилинган ҳикоя ва қиссалар билан тўлдиришди. Ҳолбуки, биз айтганимиздек уларнинг барчасининг асл-асоси Тавротдан ёки уларнинг ўзлари тўқиган нарсалардандир».<sup>47</sup>

Яҳудийларнинг ўзини мусулмон қилиб кўрсатган буюк руҳонийларидан бири Абу Исҳоқ Каъб ибн Мотей «Каъб ал-Аҳбор» ёки «Каъб ал-Ҳибр» номи билан танилган шахс эди. У мусулмонларнинг фикрини ва ҳаттоки халифалар ҳамда унинг таржимаи ҳолини баён этувчи рижол илми уламоларинининг фикрини ҳам чалғитиб алдай олди. У Абу Бакр даврида зоҳирий ва юзаки ҳолда исломни қабул қилди ва Умар ибн Хаттоб халифалиги даврида эса Қуддус забт этилганда, Ямандан Мадинага келди. Каъб ал-Аҳбор Қуддусга бормоқчи бўлганида, Умар уни Мадинада сақлаб қолиб, унга халифанинг расмий нотиқи ва маърузачиси унвонини берди. Шунинг учун, саҳобалар ва бошқалар Каъб ал-Аҳбордан таълим олишди.

Ҳибрлар ва роҳибларнинг Таврот ва Инжилда келган нарсаларни мусулмонлар орасида кенг ёйишларига йўл очган омиллардан бири пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳадисларини ёзиб олиш,

47. Ибн Холдуннинг муқаддимаси, 439-бет.

уларни тарқатиш ва ривоят қилиб бошқаларга етказишнинг юз йилдан ортиқ вақт давомида таъқиқланиши эди. Оқибат Сарвари олам ҳадисларини тақиқлашдан юзага келган бўшлиқ яхудий ва насроний бидъатлари, христиан динининг бемаъниликлари ҳамда яхудийлар афсоналарининг мусулмонлар орасида пайдо бўлиши учун, айниқса, яхудий руҳонийлари ва насроний роҳиблари томонидан юзага келтириш учун қулай замин яратди.

Бошқа таъбир билан айтганда, ислом тарихида юз берган ўта аянчли ҳодисалардан бири шуки, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* саҳобалари у зотнинг вафотларидан сўнг дарҳол бир томондан Пайғамбаримиз ҳадисларини ривоят қилишни ман этишди ва иккинчи томондан эса Каъб ал-Аҳбор ва ундан кейин Ваҳаб ибн Мунаббих каби эндигина ислом динини қабул қилган яхудий донишманд ва руҳонийларга йўл очиб беришди. Бунинг натижасида улар ташбеҳ ва тажсимга тўла бўлган ўзларининг Исроилий меросларини мусулмонларга ўргата бошлашди. Вазият шу даражадага етиб бордики, Каъб ал-Аҳбор Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* вафотларидан кейин мусулмонлар ҳаётида ажабланарли ўрин эгаллади. Ачирнарли ҳолат шундан иборатки, Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий каби Аҳли суннатнинг йирик олими ҳам Каъб ал-Аҳборни таништираркан шундай дейди:

قال الذهبي: العلامة الخبر الذي كان يهودياً فأسلم بعد وفاة النبي، وقدم المدينة من اليمن في أيام عمر، وجالس أصحاب محمد، فكان يحدثهم عن الكتب الإسرائيلية ويحفظ عجائب - إلى أن قال: - حدثت عنه أبو هريرة ومعاوية وابن عباس وذلك من قبيل رواية الصحابي عن تابعي وهو نادر عزيز، وحدثت عنه أيضاً أسلم «مولى عمر» وتبع الحميري ابن امرأة كعب، وروى عنه عدة من التابعين كعطاء بن يسار وغيره مرسلاً، وقع له رواية في سنن أبي داود والترمذي والنسائي.

«У яхудий бўлган аллома, донишманд эди ва Пайгамбар (с.а.в) вафотларидан кейин мусулмон бўлиб, Умар даврида Ямандан Мадинага келган. У Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг саҳобалари билан ўтириб турар ва уларга Исроилий китоблар ҳақида гапириб берар эди. У [Каъб ал-Аҳбор] галати ва ажойиб нарсаларни ёддан биларди ... Абу Ҳурайра, Муовия ва Ибн Аббос ундан ҳадис ривоят қилишган ва бу эса саҳобийларнинг тобеиндан ҳадис ривоят қилиш туридан бўлиб, камёб ва истисно ҳолатдир. Ва шунингдек, «Умарнинг озод қилинган қули» Аслам ва Каъб хотинининг ўгли Табийъ ал-Ҳамирий ҳам ундан ҳадис ривоят қилишган. Ато ибн Ясор ва бошқалар каби бир қанча тобеинлар ҳам ундан [Каъб ал-Аҳбордан] мурсал шаклда ҳадис ривоят

қилишган. Сунани Абу Довуд, Термизий ва Насоийда ҳам ундан ривоят қилинган ҳадислар бор».<sup>48</sup>

Заҳабий ўзининг айрим китобларида Каъб ал-Аҳборни илм хазиналаридан бири бири деб таърифлаган.<sup>49</sup>

Бу яҳудий маккор донишманд ўз наздидаги афсоналар ва уйдирма ҳикояларни мусулмонлар орасида кенг ёйиш учун қулай муҳит топди ва шу тариқа ўзининг ҳалокатли заҳарини саҳобалар ва тобеинлар орасида тарқатиб улгурди. Оқибат саҳобалар ва тобеинлар биз яхши иш қилишимиз деб ўйлаб, унга эргашишди. Ушбу яҳудий донишманд ва руҳонийнинг макру-ҳийласи мусулмонлар онгига нақадар чуқур таъсир кўрсатганидан дарак берган нарса шуки, қачон Каъб ал-Аҳбор Тавротдан бирор нарсани айтиб берса, ўша вақтнинг ўзидаёқ унга шогирд тушиб, ундан билим олаётган баъзи саҳобалар айнан Каъб ал-Аҳбор таърифлаб берган нарсаларни ҳадис шаклида Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га нисбат беришар эди. Саҳобаларнинг бу ишини оқлайдиган нарса эса уларнинг Каъб ал-Аҳборга бўлган ишончлари ва унга яхши гумонда бўлишлари эди. Улар Каъб ал-Аҳбор ривоят қилган нарсаларни тўғри ва рост деб ўйлаб, ўша нарсаларни ҳадис шаклида Пайғамбар (с.а.в)га нисбат беришар ва агар Каъб ал-Аҳбор бундай нарсалар ҳақида билимга эга бўлса, демак, Пайғамбар (с.а.в) ундан кўра бу нарсаларни билишга лойиқроқлар, деб ўйлашар эди.

Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) вафотларидан сўнг Каъб ал-Аҳбор исломни қабул қилгач, ўзи ривоят қилган хурофий ҳикоя ва афсоналарини тўғридан-тўғри Пайғамбар (с.а.в)га нисбат бера олмади ва агар у Сарвари оламни ҳаётлик чоғларида озгина муддат бўлса-да, кўриб суҳбатдош бўла олса эди, ўзининг ҳикоя ва афсоналарини у зотга нисбат берган бўларди, лекин Аллоҳнинг ирода ва истаги унинг пуч ва ботил орзулари ушалишига тўсқинлик қилди. Аммо Пайғамбаримизни кўриб, у ҳазрат билан суҳбатдош бўлган Абу Ҳурайра эса афсоналарни таърифлашдаги устози бўлмиш Каъб ал-Аҳборга нисбатан яхши фикрда бўлгани боис, унинг ривоят қилган ҳикоя ва афсоналарини ҳадис шаклида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га тўнкади ва натижада кўплаб тўқима ҳадислар мусулмонлар орасида кенг тарқалди. Кейинчалик бундай тўқима ҳадислар кўпгина тафсир ва ҳадис китобларида ёзиб қолдирилди. Ҳадисшунослик илмида яҳудий

48. Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий, «Сияру аъламин-нубалаи», 3-жилд, 489-бет.

49. Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий, «Тазкиратул-ҳуввоз», 1-жилд, 52-бет.

донишманд ва руҳонийларнинг хурофий ҳикоя ва афсоналари асосида тўқилган ҳадисларга «Исроилиёт» дейилади.

Бир гуруҳ илғор олимлар бу яҳудий донишманднинг етказган зарари қанчалар катта эканини тушуниб етишди. Жумладан, Ибн Касир ўзининг тафсир китобида ҳазрати Сулаймон пайғамбар билан Сабаъ маликасига оид бўлган қисса ҳақида бир қанча ривоятларни келтиргач, айтади:

والأقرب في مثل هذه السياقات أنّها متلقاة عن أهل الكتاب، ممّا وجد في صحفهم كروايات كعب ووهب – ساعهما الله تعالى – في ما نقلناه إلى هذه الأمة من أخبار بني إسرائيل من الأوابد والغرائب والعجائب ممّا كان وما لم يكن، وممّا حُرِّفَ وَبَدِّلَ وَنُسِخَ، وقد أغنانا الله سبحانه عن ذلك بما هو أصحُّ منه وأنفع وأوضح وأبلغ.

«Ва бундай мазмундаги ҳадислар борасида ҳақиқатга яқин нарса шуки, улар Каъб ва Ваҳаб – Аллоҳ таоло уларни авф этсин – ривоятлари каби аҳли китоб [яҳудий ва насронийлар]нинг манбаларида мавжуд бўлган ҳикоя ва қиссалардан олингандир. У иккаласи бу ислом умматига Бани Исроилнинг ўтмишидаги бўлган ва бўлмаган галати ва ажойибу-ғаройиб ҳамда ўзгартирилган, бузиб ташланган ва бекор қилинган ҳикояларини нақл қилишарди. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло бизни бундай ҳикоялардан тўғрироқ, фойдалироқ, ойдинроқ ва етиб борувчироқ нарсалар [таълимотлар] билан эҳтиёжсиз қилиб қўйган».<sup>50</sup>

Бу борада тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун намуна сифатида иккита тўқима ҳадисни келтирамиз. Улардан бири Имом ат-Табарийнинг ўз тарих китобида Каъб ал-Аҳбордан қуёш ва ойнинг қиёмат кунида жазоланиши ҳақида ривоят қилган ҳадиси бўлса, иккинчиси эса «Ал-Қуръонул азийм» номли тафсир китоби муаллифи Имом Ибн Касирнинг Абу Ҳурайра орқали пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилган ҳадисидир. Ҳар икки ҳадиснинг мазмунидан уйдирилган тўқима ҳадислар эканлиги ошқора аён бўлиб, уларни бу маккор яҳудий донишманд тарқатган ва содда мусулмонлар эса уларни қабул қилиб, ҳадис шаклида Пайғамбар (с.а.в)га нисбат беришган.

1. قال الطبري: عن عكرمة قال: بينا ابن عباس ذات يوم جالس إذ جاءه رجل فقال: يا ابن عباس سمعت العجب من كعب الحبر يذكر في الشمس والقمر قال: وكان متكئاً فاحتفر ثم قال: وما ذاك؟ قال: زعم يُجاء بالشمس والقمر يوم القيامة كأنهما ثوران

50. Исмоил ибн Умар ибн Касир, «Тафсиру ал-Қуръонил азийм» ёки «Тафсиру Ибн Касир», Намл сурасининг тафсирида, 3-жилд, 339-бет.

عقيران فيقذفان في جهنم، قال عكرمة: فطارت من ابن عباس شفة ووقعت أخرى غضباً، ثم قال: كذب كعب، كذب كعب، كذب كعب، ثلاث مرّات، بل هذه يهودية يريد إدخالها في الإسلام، الله أجلُّ وأكرم من أن يعذب على طاعته، ألم تسمع قول الله تبارك وتعالى: ﴿وَسَخَّرَ لَكُمُ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ دَائِبَيْنِ﴾ إِنَّمَا يَعْنِي دَوَّوَهُمَا فِي الطَّاعَةِ، فكيف يعذب عبدين يُتْنِي عليهما أَمَّا دَائِبَانِ فِي طَاعَتِهِ. قَاتَلَ اللهُ هَذَا الحَبْرَ وَقَبَّحَ حَبْرِيَّتَهُ، مَا أَجْرَاهُ عَلَى اللهِ وَأَعْظَمَ فَرِيَّتَهُ عَلَى هَذَيْنِ العَبْدَيْنِ المَطِيعِينَ اللهُ، قال: ثم استرجع مراراً.

1. Имом Табарий Икримадан ривоят қилиб деди: Бир куни Ибн Аббос ўтирганида бир киши келиб: «Эй Ибн Аббос, мен Каъб ал-Аҳбордан қуёш ва ой ҳақида ажабланарли гапларни айтаётганини эшитдим», деди. Ибн Аббос ёнбошлаган ҳолда эди. Шунда хўрсиниб, сўнг: «У нима экан?», деди. У шахс деди: «Каъб ал-Аҳборнинг ўйлашича, қиёмат кунда қуёш ва ой гўё икки тугмас ҳўкиз кўринишида келтирилиб, кейин дўзахга ташланар эмиш». Икрима деди: Ибн Аббоснинг бир лаби учиб, ғазабга келди-да, сўнгра уч марта: «Каъб ёлгон айтган, Каъб ёлгон айтган, Каъб ёлгон айтган! Аксинча, бу гап яҳудийларнинг гапи бўлиб, у буни Исломга киритмоқчи бўлган. Аллоҳ таоло бирор мавжудотни Ўзининг итоатида бўлгани учун жазоламайди. У бундай ишдан юқори ва юксак бўлган Зотдир. Сен Аллоҳ таолонинг ушбу каломини эшитмаганмисан? «У доимо ҳаракатда бўлган қуёш ва ойни сизга бўйсундирди». (Иброҳим сураси, 33-оят) Бу оятнинг маъноси: У иккаласининг доимий ҳаракати Аллоҳнинг итоатида бўлмоқликдир. Демак, Аллоҳ таоло қандайига Ўзининг итоатида доимо ҳаракатда бўлганлигида мақтаган икки бандани азоблайди?! Аллоҳ таоло бу Ҳибрни [яҳудий донишманд ва руҳонийни] ўлдирсин ва унинг донолигини хунуклаштирсин! У нақадар Аллоҳга қарши жасоратлидир! Аллоҳнинг бу икки итоаткор бандасига нисбатан унинг уйдирма бўҳтони нақадар каттадир!», деди. Кейин эса қайта-қайта истиржоъ қилди, яъни «албатта, биз Аллоҳникимиз ва шубҳасиз, биз Унинг ҳузурига қайтгувчимиз», Бақара сурасидаги 156-оятни ўқиди.<sup>51</sup>

۲. قال ابن كثير: روى البزار عن عبد العزيز بن المختار قال: سمعت أبا سلمة بن عبد الرحمن في هذا المسجد مسجد الكوفة، وجاء الحسن فجلس إليه فحدث قال: حدثنا أبو هريرة أن رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم قال: «إن الشمس والقمر ثوران

51. Мухаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихул умами вал-мулук» ёки «Тарихут-Табарий», 1-жилд, 44-бет, Ливан-Байрут шаҳри.

في النار عقيران يوم القيامة» فقال الحسن: وما ذنبهما؟ فقال: أحدثك عن رسول الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وآله وَسَلَّمَ وتقول أحسبه قال: وما ذنبهما؟! ثم قال: لا يُروى عن أبي هريرة إلا من هذا الوجه.

2. Ибн Касир ривоят қилиб деди: Ал-Баззор, Абдулазиз ибн Мухтордан ривоят қилади. Абдулазиз ибн Мухтор деди: Мен Абу Салама ибн Абдуррахмондан мана шу масжидда, Куфа масжидида эшитдим ва Ҳасан келиб, унинг ёнида ўтирди. Шунда Абу Салама ҳадис ривоят қилиб деди: Абу Ҳурайра бизга шундай ҳадис ривоят қилди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар: «Албатта, қуёш ва ой қиймат куни икки туғмас ҳўкиз кўринишида дўзах оловига ташланади». Ҳасан: «Уларнинг гуноҳи нима?», деди. Абу Салама эса унга: «Мен сизга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ҳадис ривоят қиляйман ва сиз эса менинг ўйлашимча дейсизми?», деди. Ҳасан яна: «Уларнинг гуноҳи нима?!», деди. Сўнгра сўзида давом этиб: «Абу Ҳурайрадан фақат мана шу жиҳатдангина ҳадис ривоят қилинади, холос», деди.<sup>52</sup>

Каъб ал-Аҳбор ҳар доим Тавротни «Аллоҳнинг Китоби» деб тилга оларди. Ҳолбуки, Қуръони Каримнинг ошкора кўрсатмасига кўра, ўша вақтда Таврот ўзгартирилган бўлиб, холис ва соф илоҳий китоб эмас эди (Бақара сураси, 75 ва 159-оятлар). Каъб ал-Аҳбор яҳудийларнинг ҳикоя ва афсоналарини мусулмонлар ўртасида кенг ёйиш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилди ва афсуски, у бу ишни амалга оширишда муваффақият қозона олди. Оқибат унинг аҳли китоб ва уларнинг қибласи бўлмиш Қуддусни олқишлаш ва мақташ ҳақидаги ёлғон гаплари ҳамда Қуръони Карим оятларини ўзича тафсирлаб берган сўзлари тафсир, ҳадис ва ислом тарихи китобларига, масалан; Тафсир ат-Табарий, Тафсир ад-Дуррул-мансур Суютий, Тафсир ал-Қуртубий, Тариху Ибн Касир ва шуларга ўхшаш китобларга йўл топди. Каъб ал-Аҳбор яҳудийлик ғояларини мусулмонлар орасида кенг тарқатиш учун ўзига ёрдамчи бўлсин деб шогирдлар ҳам тайёрлади. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ва Абу Ҳурайра Давсий каби шахслар Каъб ал-Аҳбор шогирдлари жумласидандир.

Аллоҳ таоло сўзлаш ва кўришни Мусо (алайҳис салом) билан Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўртасида бўлиб қўйган, яъни Мусо (алайҳис салом) Худо билан гаплашган ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) эса Аллоҳни кўрган, деган ақидани Каъб ал-Аҳбор мусулмонлар орасида оммалаштирди<sup>53</sup> ва шу тариқа,

52. Ибн Касир, «Тафсиру ал-Қуръонил азийм» ёки «Тафсиру Ибн Касир», 4-жилд, 475-бет, Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий чопи.

53. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балоға», 3-жилд, 237-бет.

Аллоҳнинг жамолини кўз билан кўриш ақидасига мусулмонлар наздида асос солди. Тарихий далиллардан – уларнинг баъзиларини биз келтирдик, ҳамда Оиша ва Ибн Аббоснинг ушбу масалага билдирган эътирозини ифодаловчи ривоятлардан кўришиб турибдики, Аллоҳни кўз билан кўриш ақидаси ислом динининг илк даврида ғалати ва нотаниш бўлган ва ўша вақтдаги мусулмонлар жамияти ушбу ақидага дуч келганда, ундан хайратга тушиб, уни рад этиш ва бекор қилишга уринишган. Аммо таассуфки, иккинчи ва учинчи халифаларнинг Каъб ал-Аҳборга кўрсатган улкан эътибори ушбу ботил ақида мусулмонлар орасида пайдо бўлишининг энг катта омили ҳисобланади.

Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Муовия Каъб ал-Аҳборнинг яҳудий ғоялари мусулмонлар орасида кенг ёйилиши учун улкан хизмат кўрсатишди ва шу мақсадда улар Каъб ал-Аҳбордан яратилишнинг бошланиши, маод ва қайта тирилиш ва Қуръон тафсири ҳақида узлуксиз сўрашар эди. Усмон халифалиги даврида унинг ҳукумати ишлари остин-устин бўлиб ағдарилгач, Каъб ал-Аҳбор Мадинаи Мунавварани тарк этиб Шом заминига<sup>54</sup> жўнади ва Муовиянинг расмий кўмаги билан у ерни ташбеҳ, тажсим ва Аллоҳ таолони кўз билан кўриш ҳақидаги ғояларни кенг ёйиш ва тарғибот қилиш марказига айлантирди. Вазият шу даражага етиб бордики, бу ғоя ва ақидалар Шом заминининг тарихий хусусиятларига айланди. Ниҳоят, Каъб ал-Аҳбор 35 ҳижрий йилда 104 ёшда Шомда вафот этди. Афсуски, эндиликда ҳам яҳудийларнинг хурофий ҳикоя ва афсоналарига асосланган мазкур ғоя ва қарашлар «*Аҳли сунна вал жамоа ақидаси*» номи билан танилиб, мусулмонлар орасида кенг тарқалган ва кўп жойларда таълим берилади.

Шайх Садуқ «*Ат-Тавҳид*» китобида Жобир ибн Язид Жуъфийдан ривоят қилади: Имом Муҳаммад Боқир *(алайҳис салом)* унга дедилар:

*«Эй Жобир, Шом аҳлининг Аллоҳ таолога нисбат берган ёлғони нақадар буюкдир. Уларнинг ўйлашича, Аллоҳ таоло осмонга кўтарилганида Байтул-Мақдис [Қуддус] қоясига қадам қўйди. Ҳолбуки, Аллоҳнинг бандаларидан бири бир тошга қадам босди ва Аллоҳ таоло бизга у ерни намоз ўқиш жойи қилиб олишимизни буюрди. Эй Жобир, улуг ва юксак мартабали Аллоҳ таолонинг ўхшаши ва тенги йўқдир ва У бошқаларнинг васфу-таърифидан*

---

54. Шом замини ҳозирги Сурия, Иордания, Фаластин ва Ливан давлатлари ҳудудини ўз ичига олган.

*устундир ҳамда У хаёлпарастларнинг ўй-хаёлларидан йироқдадир. У ўта эшитгувчи билгувчи Зотдир».*<sup>55</sup>

Демак, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, Аҳли суннат Аллоҳни кўз билан кўришни исботлаш учун пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан ривоят қилиб келтирган ҳадислар ё тўқима ва сохта бўлган исроилиёт ҳадислардир ёки уларнинг санади заифдир ёки ақидавий масалаларда далил сифатида келтириб бўлмайдиган воҳид хабарлар, яъни озчилик ривоят қилган ҳадислардир.<sup>56</sup>

**Иккинчи омил:** Замон нуқтаи назаридан биринчи омилдан кейин туради. Зероки шариат илмларининг жамланиб пайдо бўлиши ҳамда диний назарияларнинг муайян назарий асосларда шаклланиш даври ҳижрий йилнинг биринчи аср охирларидан, яъни тобеинлар давридан бошланган. Бу даврнинг бошланиши билан мусулмонлар орасида бир қанча оқим ва йўналишлар пайдо бўлди. Улардан бири Аҳли ҳадис йўналиши бўлиб, ушбу йўналишга «*Ҳашвийя*» номи ҳам берилган. Чунки улар ўзларининг юзаки ва куруқ қарашлари билан танилган бўлиб, алфоз ва сўзларнинг зоҳирий маъносини уларнинг чуқур маъно-мазмунидан кўра афзал кўрганлар. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши Куфада Абу Ҳанифа ва бошқалар томонидан шакллантирилган қиёс мактабига нисбатан кучли муносабат билдириш эди. Тажсим, ташбеҳ ва Худони кўз билан кўриш мумкинлиги Аҳли ҳадис мактабининг энг ошкор хусусиятларидан бири эди. Зероки бу мактаб ва ғоя издошлари баъзи диний матнларнинг зоҳирий маъноси тажсим ва Аллоҳнинг кўзга кўринишига далолат қилганини кўриб, улар тажсим ва Аллоҳни кўз билан кўришга эътиқод қилганлар. Сўнгра улар Аллоҳдан кайфият ва ҳолатни инкор этувчи бошқа диний матнларга дуч келдилар, лекин барибир улар ўзларининг ўша илк эътиқодларини ушлаб олишди ва фақат жиҳат-йўналиш ва кайфиятни Худодан инкор этишди. Улар бу иш билан Қуръони Каримнинг турли зоҳирий маъноларга эга сўзлари ўртасини шу тарзда жамлашга ҳаракат қилишди ва шу сабабдан биз Аллоҳнинг аъзолари борлигига эътиқод қиламиз, лекин бу биз биладиган ва тушунадиган тарзда эмас, деб таъкидлашди. Шунинг учун, улар икки муаммо орасида

---

55. Ушбу ҳадиснинг манбаи:

- Шайх Садуқ, «*Ат-Тавҳид*», 179-бет.
- Айёший Самарқандий «*Тафсирул Айёший*», 1-жилд, 59-бет.
- Аллома Мажлисий «*Биҳорул анвор*», 102-бет, 270-бет.

56. Ушбу сўзнинг манбаи:

Сайид Абдулҳусайн Шарафиддин «*Калиматун ҳавлар-руъйаҳ*», яъни кўриш ҳақидаги сўз китоби, Нажаф чопи, 61-бетдан 66-бетларгача.

Жаъфар Субҳоний, «*Буҳусун фил-милали ван-ниҳал*», 2-жилд, 222 ва 226-бетлар.

қолишди: Бир томондан ташбеҳ ва тажсим бўлса, иккинчи томондан эса Қуръон оятларининг зоҳирий маъноларига қарши туриш эди. Шу боис, улар икки мушкул ўртасида ўрта-миёна йўлни, яъни барча оятларнинг зоҳирий маъноларини маҳкам ушлаш билан улардан кайфият ва ҳолатни инкор этиш йўлини танладилар. Вақт ўтиши билан, Аҳли ҳадиснинг илгари сурган ушбу назарияси Аҳли суннат томонидан қабул қилиниб, умумий ақидага айланган.

Ибн Ҳажар Асқалоний «Саҳиҳул Бухорий» китобига ёзган «Фатҳул-Борий» номли шарҳида бу ҳақда айтган сўзларини қисман келтирамиз:

«Абул Қосим Лолкой «Ас-Суннаҳ» китобида Ҳасан Басрийдан шундай ривоят қилади: Умму Салама деди: «Истиво<sup>57</sup>, яъни Аршининг устида ўтириш номаълум эмас, Аллоҳнинг қандай ва қанақа эканлиги ақл билан идрок этилмас, буни қабул этмоқлик айнан иймондир ва уни инкор этиш эса куфрдир». Рабиъа ибн Абу Абдурраҳмондан: Аллоҳ таоло қандай Аршининг устида ўтирди? [яъни унга эга бўлди?] деб сўралди. У бу саволга жавобан: «Истиво, яъни Аршининг устида ўтириш номаълум эмас, Унинг қандай ва қанақалиги ҳам ақл билан идрок этилмас. Аллоҳ Элчи ва Пайгамбар йўлламоқлиги керак, Пайгамбар эса Аллоҳнинг хабарини етказмоқлиги лозим ва биз ҳам таслим бўлмоғимиз зарур, яъни унинг айтганларини қабул қилишимиз шарт», деди. Байҳақий бир ривоятда яхши санад билан Авзоиъидан шундай ривоят қилган: Биз ва тобеинлар Аллоҳ таоло Ўз Аршининг устида қарор топган ва Суннатда Аллоҳ учун айтилган сифатларга эътиқод қиламиз, дер эдик. Саълабий ҳам шундай ривоят қилган: Авзоиъидан ﴿مِمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ﴾ «Сўнгра Аллоҳ Аршга ўтирди [унга эга бўлди]» Раъд сурасининг 2-ояти ҳақида сўралди. У бунга жавобан: «У Ўзи таърифлаганидекдир», деди.

Байҳақий яхши санад билан Абдуллоҳ ибн Ваҳабдан ривоят қилади: Биз Моликнинг ёнида эдик, бир киши ичкарига кириб: «Эй Абу Абдуллоҳ,

﴿الرَّحْمٰنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوٰى﴾

57. Бу сўз қуйидаги ояти каримага ишорадир:

﴿مِمَّ اسْتَوٰى عَلَى الْعَرْشِ﴾

«Сўнгра Аллоҳ Аршга ўтирди [унга эга бўлди]». (Раъд сураси, 2-оят).

«Раҳмон-Аллоҳ Арига ўтирди, [уни эгаллади]» (Тоҳо сураси 5-оят) Аллоҳ таоло қандай қилиб Аршининг устида қарор топди?», деди. Молик бошини настга эгиб, терга ботди. Сўнг у бошини кўтариб деди: «Аллоҳ таоло Ўзи таърифлаганидек Аршининг устида қарор топди ва бу ҳақда қандай деб айтилмайди. Қандай ҳолатга эгалик ва кайфият Аллоҳдан йироқдир. Мен сени қувилган бир бидъатчи ҳолда кўраяпман».

Яҳё ибн Яҳё орқали Моликдан бир ривоят келтирилган бўлиб, ушбу ривоят Умму Саламадан нақл қилинган ривоятга ўхшашидир, фақат фарқи шундаки, Молик: «Уни қабул қилиш вожиб ва бу ҳақда сўрамоқлик эса бидъатдир», деган. Валид ибн Муслимдан ривоят қилинади: Мен Авзоиъий, Молик, Саврий ва Лайс ибн Саъддан Аллоҳнинг сифатларини зикр қилган ҳадислар ҳақида сўрадим. Улар: «Ушбу ҳадисларни қандай ворид бўлган бўлса, ҳеч бир кайфиятсиз ва ҳолатсиз қабул қилингиз ва улардан воз кечингиз», дедилар.

Ибн Абу Хотам ўзининг «Маноқиб аш-Шофеъий» китобида Юнус ибн Абдул Аълодан ривоят қилади: Мен Шофеъийнинг шундай деганини эшитдим: «Аллоҳ таолонинг шундай исмлари ва сифатлари борки, уларни ҳеч ким инкор эта олмайди. Кимки қатъий далил ва бурҳон келтирилгандан кейин уларга қарши чиқса, кофирдир. Лекин бундан олдин унинг билмаслик баҳонаси қабул қилинади. Чунки, ушбу масалаларни билмоқлик на ақл билан, на тафаккур ва мулоҳаза юритиш билан ҳосил бўлади. Шунинг учун биз бу сифатларни Аллоҳ учун собит, деб биламиз ва айни пайтда ташбеҳни [яъни Аллоҳни бошқа мавжудотларга ўхшатишни] Ундан инкор қиламиз, худди У зотнинг Ўзи ташбеҳ сифатларни Ўзидан инкор этиб:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾

«У зотга ўхшаиш ҳеч нарса йўқдир» (Шуро сураси, 11-оят), деб марҳамат қилганидек». Байҳақий, Аҳмад ибн Абу ал-Ҳаворийдан ва у эса Суфён ибн Уяйнадан саҳиҳ санад билан ривоят қилади: Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Ўзи ҳақида айтган ҳар бир сифатнинг тафсири шуки, биз уни тиловат қилиб, унга нисбатан сукут сақлаймиз. Абу Бакр Зобъий айтади: Аҳли суннат ушбу ояти карима:

«Раҳмон-Аллоҳ Аршга ўтирди, [уни эгаллади]» (Тоҳо сураси 5-оят) ҳақида кайфият йўқлигига эътиқод қилишади ва бу борада илгаригиларнинг гаплари бир талай. Шофеъий ва Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам шундай ақидададирлар».<sup>58</sup>

### Аллоҳни кўз билан кўриш масаласи Аҳли-Байт ҳадисларида

Мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг тавҳид ва яккахудолик ҳақидаги хутбаларига ҳамда Сарвари олам зурриётларидан бўлган маъсум имомлардан Аллоҳни кўз билан кўриш хусусида ворид бўлган ҳадисларни ўрганиб чиққан киши ул ҳазратларнинг таълимотларида Аллоҳни кўз билан кўриш мутлақо мумкин эмаслиги ва Аллоҳ таолони кўз билан кўриш у ерда турсин, ҳатто қалбларнинг ўй-хаёллари ҳам Уни идрок эта олмаслигини тушуниб етади. Биз бу ерда ушбу мавзуга доир айрим ҳадисларни намуна сифатида кўздан кечирамиз.

Мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)* «Ашбоҳ» деб номланган хутбада шундай деб марҳамат қилганлар:

1. قال الإمام علي عليه السلام في خطبة الأشباح: «الأول الذي لم يكن له قبل فيكون شيء قبله، والأخر الذي ليس له بعد فيكون شيء بعده، والرادع أناسي الأَبْصَارِ عَنْ أَنْ تَنَالَهُ أَوْ تُدْرِكَهُ».

1. «Аллоҳ Унинг учун олдин бўлмаган аввалдир, токи Ундан олдин бирор нарса бўлса ва У Унинг учун кейин бўлмаган охирдир, токи Ундан кейин бирор нарса бўлса. Ва У кўзларнинг қорачигини Ўзини кўриш ва идрок этишдан тўсган Зотдир».<sup>59</sup>

2. وقد سأله ذعلب اليماني فقال: هل رأيت ربك يا أمير المؤمنين؟ فقال عليه السلام: «أفأعبد ما لا أرى؟» فقال: وكيف ترأه؟ فقال: «لا تُدْرِكُهُ الْعُيُونُ بِمُشَاهَدَةِ الْعَيْنِ، وَلَكِنْ تُدْرِكُهُ الْقُلُوبُ بِحَقَائِقِ الْإِيمَانِ، قَرِيبٌ مِنَ الْأَشْيَاءِ غَيْرِ مَلَامِسٍ، بَعِيدٌ مِنْهَا غَيْرِ مُبَايِنٍ». نصح البلاغة، الخطبة 179.

2. Зиълиб ал-Ямоний ҳазрати Али *(алайҳис салом)*дан: «Сиз Раббингизни кўрганмисиз, эй мўминлар амири?», деб сўради. Шунда у ҳазрат: «Кўрмаган нарсамга ибодат қилармидим?», дедилар. Зиълиб деди: Уни қандай

58. Хофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «Фатҳул-Борий шарҳи Саҳиҳил Бухорий», Байрут-Ливан, Дорул маърифат чопи, 13-жилд, 406 ва 407-бетлар.

59. Наҳжул Балоға, 91-хутба.

кўргансиз? У ҳазрат унга жавобан: «Кўзлар Уни ошкора кўра олмас, лекин қалблар Уни иймон ҳақиқатлари ила идрок этар. У нарсаларга ёпишмаган ҳолда яқиндир ва нарсалардан ажралмаган ҳолда улардан узоқдир», дедилар.<sup>60</sup>

3. وقال عليه السلام: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَا تُدْرِكُهُ الشَّوَاهِدُ، وَلَا تَحْوِيهِ الْمَشَاهِدُ، وَلَا تَرَاهُ التَّوَاطُرُ، وَلَا تَحْجُبُهُ السَّوَاتِرُ». نَحْجُ الْبَلَاغَةَ، الْخُطْبَةُ 185.

3. Бошқа бир хутбада ул ҳазрат айтадилар: «Ҳамду-мақтовлар сезгилар Уни идрок эта олмайдиган, жой-маконлар Уни қамраб ололмайдиган, кўзлар Уни кўра олмайдиган ва тўсиқлар Уни тўса олмайдиган Аллоҳ учундир».<sup>61</sup>

4. У ҳазрат бошқа бир хутбада Аллоҳ таолонинг сифатлари ва Унинг илмини баён қилар эканлар, шундай марҳамат қиладилар:

4. وقال عليه السلام: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي بَطَّنَ خَفِيَّاتِ الْأُمُورِ، وَدَلَّتْ عَلَيْهِ أَعْلَامُ الظُّهُورِ، وَامْتَنَعَ عَلَى عَيْنِ الْبَصِيرِ؛ فَلَا عَيْنٌ مَنْ لَمْ يَرَهُ تُنْكِرُهُ، وَلَا قَلْبٌ مَنْ أَتْبَتَهُ يُبْصِرُهُ، سَبَقَ فِي الْعُلُوفِ فَلَا شَيْءَ أَعْلَى مِنْهُ، وَقَرَّبَ فِي الدُّنُوفِ فَلَا شَيْءَ أَقْرَبَ مِنْهُ، فَلَا اسْتِعْلَاؤُهُ بَاعِدُهُ عَنْ شَيْءٍ مِنْ خَلْقِهِ، وَلَا قُرْبُهُ سَاوَاهُمْ فِي الْمَكَانِ بِهِ، لَمْ يُطْلِعِ الْعُقُولَ عَلَى تَحْدِيدِ صِفَتِهِ، وَلَمْ يَحْجُبْهَا عَنْ وَاجِبِ مَعْرِفَتِهِ، فَهُوَ الَّذِي تَشْهَدُ لَهُ أَعْلَامُ الْوُجُودِ، عَلَى إِفْرَارِ قَلْبِ ذِي الْجُحُودِ، تَعَالَى اللَّهُ عَمَّا يَقُولُ الْمَشْبِهُونَ بِهِ وَالْجَاهِدُونَ لَهُ عُلُومًا كَبِيرًا!». نَحْجُ الْبَلَاغَةَ، الْخُطْبَةُ 49.

«Пинҳон нарсаларни билган, очиқ-ойдин аломатлар Унинг борлигига далолат қилган ва кўрувчининг кўзига кўринмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Уни кўрмаганнинг кўзи Уни инкор этмас, Унга ишонганнинг қалби Уни кўрмас. У юксакликда ҳаммадан ўзиб кетди, демак, Ундан юқорироқ ҳеч нарса йўқ ва айни пайтда шу қадар бизга яқинки, Ундан яқинроқ нарса йўқ. На Унинг юксаклиги яратганларининг бирортасидан Уни узоқлаштирди, на Унинг яқинлиги яратилганларни Унга тенглаштирди. У Зот ақлларни Ўзининг сифатини аниқлаб олишда хабардор этмади ва Уни таниш учун зарур бўлган маърифатдан уларни тўсиб қўймади. У шундай Зотки, борлиқ аломатлари Уни инкор этувчиларнинг қалбан иқрор бўлишига гувоҳлик беради. Аллоҳ Уни махлуқотларга ташбеҳ қилувчиларнинг айтадиган сўзларидан ва Уни инкор этувчиларнинг ўйлашларидан анча юқори ва юксакдир».<sup>62</sup>

60. Наҳжул Балоға, 179-хутба.

61. Наҳжул Балоға, 185-хутба.

62. Наҳжул Балоға, 49-хутба.

Юқоридаги хутбалардан ташқари у ҳазратнинг чуқур маъно-мазмунли бошқа хутбалари ҳам Аллоҳ таолони қалблар ихота қила олмаслиги, инсонларнинг кўзлари У Буюк Зотни кўра олмаслиги ва У барча айб-нуқсонлардан пок ва муназзаҳ эканлиги ҳақида кўплаб илм-маърифатларга тўлиб-тошган. Биз намуна сифатида уларнинг айримларини бу ерда келтирдик.

Бундай илм-маърифатлар мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)*дан Наҳжул Балоға китобида ҳамда у ҳазратдан бизга етишган дуоларда жуда кўпдир. Аллома Мажлисий Бихорул анвор китобида ривоят қилишича, бир куни Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Умар ибн Хаттобнинг мажлисига борганида, Каъб ал-Аҳбор ҳам ўша ерда эди. Умар унга: *«Эй Каъб, Тавротни ёдлаганмисан?»*, деди. Каъб ал-Аҳбор: *«Мен Тавротнинг кўп қисмини ёд олганман»*, деди. Мажлисида ўтирган кишилардан бири Умарга: *«Ундан сўрагин, Аллоҳ таоло Ўз Аршини яратишидан олдин қаерда эди ва Аршини унинг устига ўрнатган сувни нимадан яратган?»*, деди. Умар унга: *«Эй Каъб, Бу ҳақда бирор нарса биласанми?»*, деди. Каъб ал-Аҳбор деди: *«Ҳа, Тавротда айтилишича, Аллоҳ таоло таоло қадимдир ва Аршни яратишидан олдин Қуддуснинг қоя тоши устида ҳавода турарди. У Аршни яратмоқчи бўлганида, бир тупурди-да, Унинг тупугидан ҳайқирок, тошқин ва теран денгизлар пайдо бўлди. Аллоҳ у ерда Ўзининг остида турган қоя тошнинг бир қисмидан Аршни яратди ва қолгани эса ўша Қуддус масжидидаги қоя тошдир»*.

Ибн Аббос айтади: Мажлисида ҳозир бўлган Али ибн Абу Толиб *(алайҳис салом)* бу сўздан ранжиб, ўринларидан турдилар-да, кийимларини силкитиб, мажлисдан чиқиб кетмоқчи бўлганларида, Умар ул ҳазратни ўз жойларига қайтишлари учун қасамёд этди ва оқибат ул ҳазрат ҳам жойларига қайтдилар. Умар у ҳазратга юзланиб: *«Эй илм-маърифатга чўнгувчи киши, бу баҳсга киришинг. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?»*, деди. Шунда Али *(алайҳис салом)* Каъб ал-Аҳборга юзланиб: *«Сенинг диндошларинг [яхудийлар] хатога йўл қўйиб, Аллоҳнинг Китобини [Тавротни] ўзгартириб юборишди ва Аллоҳга нисбатан ёлгон гаплар тўқиш учун йўл очиб қўйишди. Вой ҳолингга эй Каъб, ўша сен тасаввур қилган қоя тош Аллоҳнинг юксаклиги ва улуғлигини ўзида мужассам этмай, Унинг буюклигини ўзида сиздира олмайди ҳам. Сен ишора қилган ҳаво эса Унинг вужудини қамраб ололмайди ва агар қоя тош ва ҳаво Унинг билан бирга азалдан бор бўлса, унда у иккиси ҳам Унинг сингари қадимдир. Аллоҳ таоло*

биз Унинг учун жой-макон борлигига ишониб, ўша маконга ишора қилишимиздан анча юқори ва юксакдир. Аллоҳ таоло худосизлар айтганидек эмас ва жоҳиллар ўйлагани сингари ҳам эмас, балки Аллоҳ таоло бор эди, лекин Унинг макони йўқ эди, шу даражадаки, ақл Уни идрок эта олмас. Аллоҳ ҳақида: «У мавжуд эди», деб айтишимиз эса Аллоҳнинг борлигини баён қилиш учун етарли эмас, лекин бу ўша Аллоҳнинг инсонга ўргатган сўзларидан биридир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

﴿خَلَقَ الْإِنْسَانَ \* عَلَّمَهُ الْبَيَانَ﴾

«У инсонни яратди. Унга баённи ўргатди» (Ар-Роҳман сураси, 3 ва 4-оятлар).

Демак, мен: «Аллоҳ бор эди» деб айтишим ҳам Аллоҳ таоло менга Унинг оят-нишонлари ва буюклиги ҳақида сўзлашим учун ўргатган баёндир. Парвардигор Ўзи хоҳлаган нарсага қудрати бўлган ва бордир, барча нарсаларни қамраб олган ва олгувчидир. Сўнгра У хоҳлаган нарсасини Унда янги фикр-ўйлов пайдо бўлмай туриб яратди ва У ирода қилган нарсасига шак-шубҳа йўл топмади. Аллоҳ таоло ёруғлик ва нурни йўқдан яратди, сўнгра зулматни ундан яратди. Нурни йўқдан яратганидек, зулматни ҳам йўқдан ярата оларди. Кейин ўша зулматдан бошқа бир нурни яратди ва у нурдан бир ёқут яратиб, ўша ёқутга етти осмон ва етти ернинг қуйуқлиги каби қуйуқлик берди. Сўнгра Аллоҳ таоло ёқутни ёқиб юборди ва у Худонинг ҳайбати таъсирида эриб, ҳайқироқ ва тошқин сувга айланди ва у қиёматга қадар доимо гувиллаб туради. Сўнг Аллоҳ таоло Аршни Ўз нуридан яратиб, уни сув устига қўйди. Аршининг ўн минг тили бор бўлиб, уларнинг ҳар бири ўн минг сўз ила Аллоҳга тасбеҳ айтади ва ҳеч бир сўз бошқа сўзга ўхшамайди. Арш сув устида қарор топган эди ва унинг атрофида эса тумандан ҳижоблар [пардалар] бор эди. Бу ҳақда Қуръонда ҳам айтилган:

﴿وَكَانَ عَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ لِيَبْلُوكُمْ أَبْكُمُ أَحْسَنُ عَمَلًا﴾

«У сизларнинг қайсиларингиз амал қилиш жиҳатидан яхшироқ эканингизни синаш учун У Зотнинг Арши сув устида эди» (Худ сураси, 7-оят).

Эй Каъб, Вой ҳолингга! Сенинг айтишингча, денгизлар Унинг тупурган тупуригидан юзага келган Зот, Қуддуснинг қояси ёки сен айтган ўша ҳаво Уни қамраб олишидан буюкроқдир». Шу вақт Умар кулиб: «Будир тўғри жавоб! Илму-маърифат мана шундай бўлур, сен эга бўлган нарса каби эмас, эй Каъб!», деди.<sup>63</sup>

Аҳли Байтдан бўлган қолган маъсум имомлардан ривоят қилинган ҳадисларда ҳам, у зотлар Аллоҳ таолони кўз билан кўриш на бу дунёда, на охиратда мутлақо номумкин ва маҳол эканлигини таъкидлаб уқтирганлар. Биз бу ерда ушбу ҳадиси шарифлардан айримларини намуна сифатида келтирамиз:

۱. روى الصدوق عن عبد الله بن سنان، عن أبيه قال: حضرت أبا جعفر (محمد الباقر عليه السلام) فدخل عليه رجل من الخوارج فقال له: يا أبا جعفر أي شيء تعبد؟ قال: «الله»، قال: رأيتك؟ قال: «لم تره العيون بمشاهدة العيان ولكن رأته القلوب بحقائق الإيمان، لا يُعرف بالقياس ولا يُدرك بالحواس، ولا يُشبهه بالناس، موصوفٌ بالآيات، معروفٌ بالعلامات، لا يجوز في حكمه، ذلك الله لا إله إلا هو» قال: فخرج الرجل وهو يقول: ﴿اللَّهُ أَعْلَمُ حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُ﴾.

1. Шайх Садуқ, Абдуллоҳ ибн Санондан ва у эса отасидан ривоят қилиб деди: «Мен Абу Жафар [Имом Муҳаммад Боқир (алайҳис салом)] ҳузурларида эдим. Шунда Хавориж тоифасидан бир киши у ҳазратнинг олдларига кириб, у зотга: «Эй Абу Жафар, сиз нимага ибодат қиласиз?», деб сўради. Ул ҳазрат: «Аллоҳга», деб марҳамат қилдилар. У яна: «Уни кўрганмисиз?», деди. Ул ҳазрат унга жавобан дедилар: «Кўзлар Уни ошкора кўра олмас, лекин қалблар Уни иймон ҳақиқатлари ила кўрадир. У қиёслаш билан танилмас ва сезгилар билан идрок этилмас ҳамда одамларга ўхшаиш ҳам эмас. У оят-мўъжизалар билан васф этилган, белги-аломатлар билан танилган. У Ўзининг ҳукмронлигида зулму жафо қилмас. Ана ўша Аллоҳдир, Ундан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқдир». Санон деди: Шунда мазкур шахс ушбу оятни: «Аллоҳ Ўз рисолатини [пайгамбарлик вазифасини] қаерга қўйишни яхшироқ билгувчидир», (Анъом сураси, 124-оят) айтаётиб чиқиб кетди».<sup>64</sup>

63. Аллома Муҳаммад Боқир Мажлисӣ, «Биҳорул анвор», 44-жилд, 194-бет.

64. Шайх Садуқ, «Ат-Тавҳид», Бобу: Маа жааъа фирруъйах [кўз билан кўриш ҳақида келган ҳадислар боби], 5-ҳадис, 108-бет. Савол берувчи хаворижлардан эди.

2. ما روي عن الإمام علي بن موسى الرضا عليه السلام في مناظرته مع أحد المخدّنين باسم أبي قرّة، ذكر أبو قرّة الحديث الموروث عن الحبر الماكر كعب الأحبار من أنّه سبحانه فسّم الرؤيّة والكلام بين نبيّين فسّم لموسى عليه السلام الكلام ولحمّد صلّى الله عليه وآله وسلّم الرؤيّة.

فقال أبو الحسن عليه السلام: «فَمَنْ الْمَبْلُغُ عَنِ اللَّهِ إِلَى الثَّقَلَيْنِ الْجَنِّ وَالْإِنْسِ إِنَّهُ ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾، ﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ عِلْمًا﴾ و ﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾؟ أليس محمّد صلّى الله عليه وآله وسلّم؟ قال: بلى.

قال أبو الحسن عليه السلام: «فكيف يجيء رجل إلى الخلق جميعاً فيخبرهم أنّه جاء من عند الله، وأنّه يدعوهم إلى الله بأمر الله، ويقول إنّهُ: ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾، ﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ عِلْمًا﴾ و ﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾ ثمّ يقول: أنا رأيته بعيني وأحطت به علماً وهو على صورة البشر، أما تستحيون؟! أما قدرت الزنادقة أن ترميه بهذا، أن يكون أتى عن الله بأمر ثمّ يأتي بخلافه من وجه آخر».

2. Сафвон ибн Яхё ривоят қилади: Имом Али ибн Мусо ар-Ризо (алайҳис салом)нинг Абу Қурра исмли муҳаддислардан бири билан юритган баҳсларида Абу Қурра яҳудийларнинг маккор донишманди бўлмиш Каъб ал-Аҳбордан мерос қолган ҳадисни тилга олди. Мазкур ҳадисда Аллоҳ таоло кўз билан кўриш ва сўзлашишни икки пайғамбар ўртасида тақсимлаб, Мусо (алайҳис салом)га сўзлашмоқликни ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га эса кўз билан кўрмоқликни ато этган, деб айтилганди.

Шунда Имом Абул Ҳасан Али ибн Мусо ар-Ризо (алайҳис салом) дедилар: «Ким Аллоҳ таоло томонидан икки тоифага; жин ва инсонларга ушбу ҳақиқатларни етказган: ﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾ «Кўзлар Уни идрок эта олмас» (Анъом сураси, 103-оят), ﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ عِلْمًا﴾ «Улар Уни илм ила қамраб ололмаслар» (Тоҳо сураси, 110-оят), ﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾ «У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир» (Шуро сураси, 11-оят)? Бу ҳақиқатларни одамларга етказган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) эмасмидилар?». Абу Қурра: Ҳа [худди шундай], деди.

Имом Абул Ҳасан Али ибн Мусо ар-Ризо (алайҳис салом) дедилар: «Қандай қилиб бир киши бутун халойиқнинг олдига келса ва ўзининг Аллоҳ таоло томонидан юборилгани ва уларни Аллоҳнинг амри билан Аллоҳ томонга даъват қилаётгани ҳақида уларни хабардор қилиб Аллоҳ таоло ҳақида: «Кўзлар Уни идрок эта олмас» (Анъом сураси, 103-оят), «Улар Уни илм ила қамраб ололмаслар» (Тоҳо сураси, 110-оят) ва «У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир» (Шуро сураси, 11-оят), деб айтса-ю, сўнгра у: «Мен Аллоҳни ўз кўзим

*билан кўрдим ҳамда Уни илмим ила қамраб олдим ва У инсон шаклидадир», деса? [Сизлар Пайгамбарга бундай сўзларни нисбат беришдан] уялмайсизми?! Худосизлар Пайгамбарга нисбатан: «У Худо томонидан бир фармонни келтирди-ю, кейин эса унинг ўзи бошқа йўл билан бунинг аксини бажарди», деб бундай бўҳтон ва тухмат қила олишмади!».<sup>65</sup>*

## **Хулоса ва Натижа**

Мўминлар қиёмат куни Аллоҳни кўз билан кўрадилар деган ақида ақл ва шариат нуқтаи назаридан тўғри эмас. Зероки ушбу ақида тажсим [яъни Аллоҳни жисм ва танага эга деб билиш] ва ташбеҳ [яъни Аллоҳни бошқа мавжудотларга ўхшатиш] тушунчасини талаб этади ва бу ақидага Аллоҳни кайфиятсиз ҳолда кўришни кўшимча қилиш эса зоҳирий ва юзаки бир масала бўлиб, бу ақиданинг мазкур муаммо ва ишкалини ҳал эта олмайди. Аллоҳни охиратда кўз билан кўришнинг ақлий ва нақлий далиллари кишини қониқтирадиган даражада эмас ва ушбу ақидани исботлаш учун далил қилиб кўрсатилган нарсалар уни исботлай олмайди. Қуръон оятлари ҳам Аллоҳ таолони кўз билан кўришни очик-ойдин инкор этади. Бунинг устига, Аллоҳ таолони кўз билан кўриш мумкинлигига далолат қилувчи далилларни қалб билан кўриш маъносида изоҳлаш мумкин ва бундай изоҳлашнинг ҳеч қандай ақлий ёки шаръий муаммоси бўлмай, балки имон тамойилига мос келади.

Аллоҳнинг жамолини охиратда кўриш ҳамда ташбеҳ ва тажсим ақидалари яҳудийлар томонидан мусулмонларнинг ақидавий тафаккурига киритилган бўлиб, сўз ва каломнинг зоҳирий маъноларини ушлаб олиб, унинг назарий тушунча ва теран маъно-маъмунлари устида тафаккур юритмайдиган ақидавий йўналишнинг пайдо бўлиши ҳам мазкур ақидаларнинг юзага келишига ёрдам берган.

**NAJOTKEMASI.NET – Xalqaro Islomiy Axborot va Tadqiqot Markazida tayyorlandi.**

---

65. Абу Мансур Аҳмад ибн Али ибн Абу Толиб Ат-Табарсий, «Ал-Иҳтижож», 2-жилд, 375-бет.